

№2
К. В.

АНАТОЛИЙ
КАЛИНИН



ОРТГА
ҚАЙТИШ
ЙЎҚ


АНАТОЛИЙ КАЛИНИН

УРУШНИНГ АКС-САДОСИ

ОРТГА

ҚАЙТИШ ЙЎҚ

Қиссалар




ЎЗБЕКИСТОН ЛКММ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«БШ ГВАРДИЯ» НАШИРЯТИ
ТОШКЕНТ-1976

Таниқли рус ёзувчиси Анатолий Калининнинг асарлари СССР халқларининг кўпгина тилларига таржима қилинган. Унинг «Ойдин тунлар», «Лўли», «Шафқатсиз майдон», «Барҳаёт томирлар» асарлари Вутуниттпфоқ китобхонларининг муҳаббатини қозонган.

Ёзувчи «Урушнинг акс-садоси» ҳамда «Ортга қайтиш йўқи» қиссалари учун 1973 йили РСФСР Давлат мукофотини олишга сазовор бўлган. Эътиборингизга унинг ана шу икки қиссасини ҳавола этамиз.

РАҲМАТУЛЛА ИНОҒОМОВ таржимаси.



АТРОФИНИНГ АКС-САДОСИ

Ҳар бир хонадонда, айниқса, қишлоқ шароитида телефоннинг фойдаси хусусида фақат яқин атрофингда яшашлиқ совети, колхоз идораси ёинки совхоз бўлими билан маъмурий муассасалар бўлмаган тақдирдагирса ярайдиган бўлади. Бўлмаса ихтиёринг ўзингда бўлади, оғзинг ҳам бутунлай ҳаловатини йўқотганиниг

«Ё мени де, ё кечаю кундуз жиринг-бўқўлга берадиган телефонни де», деб оғиз қўйиши ҳеч гапмас.

Атроси каллаи саҳарлаб эшикнинг тақ-тақлабига келади. Шу дақиқада бутун оғзини муҳимроқ нарса йўқ деб ҳисоб-ҳисиникига югурган одамга иссиқ оғиз очмай кўринг-чи! Кичкина қишнинг бутун аҳолиси қўшнинг. Шу оғизсиз бажариб бўлмайдиган за-важлар оғизга етиб ортади. Айтайлик, бирор нарса дарах тутиб боради. Лойгарчилик маҳалида бил-дирилган йўллاردан туғруқхонага тез етиб олишнинг

... йўқ... шнинг учун врачга қўнғироқ қилиб, район
... шлоққа отда ёки моторли қайиқда Дон
... илтижо этиш керак. Ё бўлмаса ички-
... жазавага тушган улфатлардан бири иккин-
... армоғини ғарчча тишлаб олади — ана унда,
... , врачгинамас, милиционер ҳам зарур бўлиб
... . Ёники қўшни кампир қишлоқ советига сим қо-
қиб, нима сабабдан уйим ва ситирим учун ўтган йили
ҳаммаси бўлиб беш сўму ўттиз тийин суғурта солиғи
тўлагандим, нега энди бу йил саккиз сўм ўттиз тийин-
га қогоз юбординглар, деб суриштириб кетади. Одам-
ларнинг оёғи тинмайди, райсобес, колхоз раиси, про-
курорга тааллуқли зарур масалалар чиқаверади.
Хўжайини берган нонни оқлаётган Волчок эса кун
бўйи вовиллаб ҳовлини бошига кўтаради. Кўча эшик-
нинг «ғийқ-ғийқ»и хона эшигининг «тарақа-туруқи»
тинмайди. Остонадан телефонгача оёқ изи аримайди,
хотин эса полни ювиб-тозалаб улгурмайди, полни ҳар
йили бўяб турмасанг яна бўлмайди. Баъзан бирор қу-
лоғи огир — бунақалар ҳар қандай қишлоқда бор —
уч соатгача почта билан «А», «Ҳа»лаб алланималарни
тушунтирмоқчи бўлади. Сенга-ку ҳеч гапмас, негаки
ишда бўласан, хотинингга жабр, кечгача ана шунақан-
ги «А», «Ҳа»лардан бечоранинг қулоғи батанг бўлади.
Қарабсанки, тез орада у ҳам йигирма йиллик аҳил тур-
мушдан кейин сенга ва болаларингга ўшқирадиган бў-
либ қолади. Оиланинг тинчи йўқолади, иш ҳатто қўй-
ди чиқдига бориб тақалади.

Лекин бу аҳволдан қутулишнинг ҳам, телефоннинг
фойдали томонларидан воз кечишнинг ҳам илсжи йўқ.
Ахир, қўшинингга туғишни кечаси соат иккидан эрта-
либки еттигача кечиктиришни маслаҳат беролмайсан-
ку. Ёки ёши бир жойга бориб қолган кампирни арзи-
миган иш учун йигирма чақирим наридаги қишлоқ
советига сарсон қилиб юбориб бўладими? Улфатининг
бармоғини ғарчча тишлаб узиб олган безорини кўра-

— Дмитри-ий!

— Йўг-э!

Ҳақиқатан ҳам бу ҳайрон қоларли ҳол эди. Чунки Ольга Табуншичкова бундан ўн йил олдин ҳарбий хизматдан қайтган сержант Дмитрий Кравцовга турмушга чиққани, эр-хотиннинг ҳавас келадиган даражада аҳил яшашлари, ўшандан бери ҳеч қандай жанжал-тўполонсиз ҳаёт кечираётганлари ҳаммага беш қўлдай аён эди. Қишлоқда бундай аҳил оила камдан-кам эди. Энди-чи...

— Ҳа, ўшанинг ўзи! — деди Ольга иззат-нафси ҳақоратланганига хўрлиги келиб йиғларкан. У афтидан нешанасини эшик пешбурнига дўқ-дўқ уришга ҳам тайёр кўринарди. — У анчадан бери дағдаға қилиб юрарди. Шундайин айтди-қўйди-да, деб ўйлардим, одамлардан ҳам уялардим. Мана энди менга қўл кўтарди ҳам. Мен уни ичкиликбоз улфатларининг олдига чиқармай, эшикни тўсиб олгандим, у бўлса мушт туширди. Инсон бўлиб ҳеч кимдан калтак емагандим. Балки, уни ўн беш суткага қамаб, тавбасига таянтиришар?

Дмитрий Кравцов қишлоқдаги эсли йигитлардан эди. Албатта, қишлоқ узумзорларида ҳосил йиғиш бошланиб ҳар бир хонадон узумдан мусаллас солган кезлари бошқалар қатори майхўрлик қилганини одамлар кўришган. Аммо у ҳеч қачон Гришка Сидоровга ўхшаб балчиққа беланиб, уйига эмаклаб келмаган, безорилик қилмаган. Ишда илғор, энг яхши молбоқар сифатида сурати совхоз марказидаги ҳурмат тахтасида осиглиқ турарди.

— Нимага сени шу кўйга солди?

— Бекордан бекорга! Мен унга ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ. Кийим-кечаги ҳамма вақт тоза, ош-овқати доимо тайёр. Ўзим боғдан чарчаб, толиқиб келсам ҳам дарров унинг кўнглига ёқадиган таом тайёрлашга тутинаман. Оч қолсам ҳам унинг келишини кутаман. «Онанг билан зотинг бир», дейди мени сўкиб. Уни ўн

беш кун бўлмаса ҳам, ўн, борингки беш кун қамаб қўйишса эса жойига келармиди. Илгари бунақа эмасди. Ўн йил мобайнида ақалли қўл теккизма-ганди.

У боши тобора қўйи солиниб, елкалари силкиниб-силкиниб, унсизгина йиғларди. Шу дақиқада дард-ан-дуҳлари мислсиз эди. Ўз қўли билан эрини милицияга топширмоқчи бўлган экан, демак бошқа чораси йўқли-гидан шундай қилаётганлиги ўз-ўзидан равшан. Зеро, Дмитрий Ольга учун дунёдаги энг азиз, яқин киши, Ольга кунгабоқар қуёшга интилгандай унга жони-жа-ҳони-ла талпинарди. Йигит билан илк танишган чоғла-рида гулгун чехрасига қўнган оташ табассум уни ҳеч қачон тарк этмайдигандай кўринарди. Боғда токни оча-ётган ёки кўмаётган пайтларида, Доннинг нарёғидаги экинзорларда картошка ковлаб, донликларнинг қадимий ва замонавий совет қўшиқларини жўр бўлиб, қан-дай ёқимли куйлашарди?.. Бутун қишлоқ уларни жон-дили билан тингларди.

Уларнинг бир-бирига узукка кўз қўйгандай мосли-гини кўриб қишлоқ аҳлининг ҳаваси келарди. Булар-нинг ҳаммаси сароб эканлигига кишининг ишонгиси келмайдди. Ҳар қалай, Ольга Дмитрийнинг ғазабига уч-райдиган айб қилганича йўқ.

Бироқ, бошини кўтариб хона ичкарасига нигоҳ таш-лаб, тугмаларини қадаётган Ольганинг сўзларидан баъ-зи нарсаларни уқиб олса бўларди:

— Онамни ўртага қўйиб нима қиларкин? У билан мен бошқа-бошқа одамлармиз-ку. Онам ўз қилмиш-ларига ўзи жавоб беради. Ахир уни бир итдай кўчага ҳайдаб юбора олармидим. Нима бўлгандаям онам. Ётиб қолгандан бери ёрдамимга муҳтож. Кечирасиз-у, у ҳатто ҳожатга ҳам боролмайди. Дмитрий бўлса: «Онангнинг инжиқликларидан тоқатим тоқ бўлди. Сен ва онанг билан яшаб мен ҳалок бўлган ўртоқларимга хиёнат қиляпман», деб бақиради.

Ольга бу гапларни табуреткада қўлларини тиззасига қўйиб ўтирган кўйи, босиқлик билан сўзларди. Кўз ёшлари энди тинганди. Ольганинг ҳикоясини тинглаш кишига ғоят оғир эди. Дмитрий Кравцовнинг ҳамма ўйлаганидай қобил ва эсли йигит эмаслиги, ажойиб оилавий ҳаётини ўз қўли билан бузаётгани, ўз севгисини ўзи топтаётганини эшитиш ундан ҳам кўпроқ ачинарли эди. Лекин бу туйғуга бошқа нарсалар ҳам қоришиб кетарди. Албатта, севган хотинини кўкрагини мўмата-лсқ қилиб ташлашдек айбни ҳеч ким, ҳеч нарса оқлай олмайди. Лекин, шундай бўлса-да, Дмитрийнинг ичкиликка ружу қўйиши, «ҳалок бўлган ўртоқларимга хиёнат қиляпман» дейишидан ўт бўлиб ёнишининг сабаблари бор эканлигини пайқаш қийин эмасди.

Ольганинг онаси Варвара Табуншчикова тайгадан, эрини ўша ерга кўмиб, қайтганда ҳали қирққа ҳам кирмаган эди. У ҳали ўз кўркини йўқотмаганди. Тайганинг оғир ҳаёти аёл ҳуснига раҳна соломмаганлиги учун бўлса керак, бу ерга келиши биланоқ баъзи эркаклар унинг кўнглини овлашга уриниб қолишди. Аммо Варвара уларнинг барчасини ҳам рад этарди. Эркакларнинг бу хонадонга қатнашларига қандай қилиб барҳам берганлигини фақат бир нарсадан тахмин қилиш мумкин эди: кунлардан бир кун уларнинг ташқи эшиги қарсиллаб очилди. Зинадан чопқиллаб тушиб кетаётган кишининг йўғон овозда ҳайрат билан:

— Тўғригина йўқ деб қўя қолсанг бўлмайдимми, тен-так. Шунга ҳам оташкурак билан қувлайсанми, қулоқ-мачча! Эски замонлар ўтиб кетган,— деган сўзлари эшитилди.

Варвара Табуншчикованинг:

— Ҳозир сенга янги тузумда нима қилишни кўрсатиб қўяман!— деган дағдағаси янгради, кейин боғ-вини тарақлаб ёпилди.

Вахтга қарши, энг яқин қўшнилар ҳам ҳалиги эр-как овози кимга тегишли эканлигини аниқлашга ул-

гуролмай қолишди, Варваранинг ўзи эса бу тўғрида гапиришни истамасди ҳам. Тайгадан ана шунақа камгап бўлиб қайтганди у.

Эри тайгада ўрмон кесувчи бўлиб ишлаб анчагина пул жамғарганди. Варвара ўша пулга ота ҳовлисини сотиб олиб, уч фарзанди — икки ўғли ва қизи билан истиқомат қила бошлади. Колхозга кирмади — бунинг учун иккинчи марта қулоқ қилинмаслигига ақли етарди. «Ҳовлидаги узумлардан олган ҳосилингиз билан шунча жонни қандай боқасиз?» деган саволга эса: «Бир амаллармиз»... деб жавоб қайтарарди.

Бунга тез орада кўпчиликнинг имони комил бўлди. Ёш колхоз тез орада ўзини ўнглай олмади, ҳосил камайиб кетди. Кўпгина узумзорлар собиқ қулоқларнинг ери бўлган деб жаҳл устида кесиб юборилди. Табуншчиковларнинг четан девори ичидаги тоқлар эса ҳосил энг ёмон бўлган йили ҳам бошини кўтара олмади. Доннинг ўнг томонида истиқомат қилувчи казаклар ҳар бир туп тоқдан ўн, ўн беш пуддан ҳосил олишарди. Табуншчикованинг ўн саккиз сўтихлик қўрғонида эса олтмиш туп ана шундай тоқ ҳосилга кирганди. Улар ҳовлига бошқа мевалардан экинмасди. Бошқа экинлар ер танламаса ҳам, узум нави қизғиш соғ тупроқли ерни ёқтиради. Агар уни яхши парвариш қилинса ботбонни хурсанд қилиши турган гап.

Албатта, ҳар туп бошига солиқ тўлаш ҳам бор. Лекин ертўлада йил давомида бочкаларда вино аримагандан кейин молия вакилининг томоғини ёғлаш ҳам осон бўлади. Натижада олтмиш туп ҳосилга кирган тоқ ўрнига ўн беш туп ҳали ҳосилга кирмаган ёш токи бор, деб ёзиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Ҳар туп ҳисобидан солиқ тўлаш ҳақидаги қонунни чиқарган министр вақтида ҳам тирнқчилик қилса бўларкан. Молия вакилининг қишлоқда нима қилаётганини Москвада яшайдиган министр қасқдан билсин? Баъзи одамлар шошқалоқлик қилиб отасидан, ҳатто бувасидан қолган ажойиб

боғларни йўқ қилиб юборишди. Табуншчиковларнинг қўргонидagi ток новдаларида эса августнинг охирларида келиб узуми кўпми, барги кўпми ажратиб бўлмай қоларди. Ҳар бош узум бир килограмм келар, уч кило узумдан эса икки литргача вино олса бўларди. Эзилгандан кейин қолган чиқиндиларни жарга ағдариб юборилмаса ундан ҳам ортиқроқ вино олиш мумкин. Варвара узумдан икки марта вино оларди, бочканинг таги кўриниб қуюқлашиб қолганда эса унга шакар билан қайнаган сув қўшарди. Шундай қилиб, унинг ертўласидан вино аримасди. Қишлоқдагиларнинг виноси янги йилгача тугаб, идишларининг чанги чиқиб кетганида Варваранинг ҳали анчагина виноси харидорларини кутарди. Володин тепалигидан кузатилса, қишлоқнинг ҳамма томонидан сўқмоғу ёлғиз оёқ йўллар келиб, унинг эшиги олдида туташинини кўриш мумкин эди. Биров оддий шиша, биров икки ярим литрли идиш, яна биров йигирма литрли катта баллон кўтариб келарди. Ҳар ким эҳтиёжи ва имкониятига қараб тўй, маърака, болага исм қўйиш маросимига вино сотиб оларди.

Ёмғирли куз, аёзли қиш кунларида, қишлоқ йўлсизликдан орол каби ташқи дунёдан ажралиб қолган вақтларда оқшомлари виноли кўза атрофида ҳангома қилишнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Қишлоқ магазинида кайф берадиган бирор шиша ичимлик қолмаган, Табуншчиковларнинг уйига қатнайдиган одамларнинг эса кети узилмайди. Одамларнинг келиб кетишига ўрганиб қолган қора кўпак ҳам қўргоннинг ўртасида туриб тукларини ҳурпайтирганча эринибгина яриляб қўяди. Виночилик дўкони номини олган Табуншчикованинг уйидан бутун куз, қиш ва баҳорнинг ўрталиригача одам аримайди. Лискога кечаси ҳам тиқилик йўқ. Гоҳ ўткинчи отлиқ отдан тушиб эшикни тиқилтиради, гоҳ аравада одам келади, гоҳ хотини уйда юригини ҳовучлаб ўтирган бирор йигит кўча эшик-

ни излаб тимирскиланиб қолади. Варваранинг ўзи ҳам бунга кўникиб қолган, айниқса байрам кунлари ечинмай ётарди. Эшик тақиллаши билан «жинчироқ» кўтариб пиллапоядан тушиб келаверади.

Тўғилган кунни, дафн маросимини унинг виносисиз ўтказиб бўлармиди: илтижо қилсангиз энг тозасидан ҳам топиб бериши ҳеч гаймас. Лиско туну кунни сергаклик билан ўтказади. Одамларга байрам-у, ит эса муттасил «хизматда». Фақат қишлоқдагиларнинг ўзлари келишса кошкийди! Тез орада районнинг турли бурчакларидан Варваранинг уйини қидириб келувчилар кўпайиб қолди. Бутун райондаги вино бочкалари батамом қуриган паллада уникидан яхши мусаллас ичиш кимга ёқмайди дейсиз? Энди фақат байрам кунларидагина эмас, бегим кунларда ҳам Варварага тинчлик бермай қўйдилар. Районнинг икки бурчини бирлаштирувчи йўлнинг қўрғони яқинидан ўтганлиги кўп жиҳатдан бунга сабаб бўлди. Район марказига кенгашга кетаётган колхоз райси дейсизми, колхозга йўл олган аллақандай вакил дейсизми, йўл-йўлакай бир кружка вино отиб олгиси, шу баҳонада гўзал, лекин мағрур виночи аёлга яна бир бор суқланиб тикилгиси келарди. Бир кружка вино ҳеч қачон маст қилмайди, бунинг устига ўша аёл мағрурлигининг ҳам чегараси бордир, ахир.

Аста-секин Варвара бутун район бўйлаб таниш-билиш орттира борди. Уч бола билан бева қолган бу аёлга ачинишарди одамлар. Кўмирни ҳаммадан олдин унга келтиришарди, станица тегирмонидан чиққан унни машинада уйигача элтиб беришарди, тошқин сувлар чекиниши билан ҳаммадан олдин Доннинг нариги томонидаги ерлардан ажратиб беришарди унга, ўт-тикан босиб ётган жойдан эмас, ҳар биттаси муштумдай-муштумдай картошка тугадиган серчўкинди, ҳосилдор жойдан беришарди. Варвара кўҳна уйини яхшилаб тузатиб олди, ҳовлиси ва богчасининг атрофини эса мустаҳкам

темир панжара билан ўради. Панжара орқасидан ҳамма нарса нақ нафтдагидек кўриниб турар, лекин у ердан ҳеч нарса олиб бўлмасди.

...Лиско ҳамон қулогини динг қилиб сергак турар, Варвара каравоти ёнидаги столда эса жинчироқ узлуксиз липиллар эди.

— Болаларингни деб ўзингни адо қилипсан-ку! — деб ачинишарди Варварага аёллар.

Чиндан ҳам шундай эди. Эрини кўмиб, қишлоққа қайтганидан кейин бирданига, жисман бўлмаса-да, қалбан қариб қолди. У ўзининг илгариги ҳаётига узоқдан, чеккадан лоқайдлик билан разм солар, бутунлай қайтмас бўлиб кетган шўхликларини эслаб қўярди. Энди унинг бутун ҳаёти болаларига фидо қилинганди, эсини тез таниётган Павел, Жорка, ҳали ширингина Ольга онанинг жон-тани эди. Болаларини шундай ўстириши керакки, токи ҳаёт уларни тайгада отасини босиб қолган дарахтдек янчиб ташламасин. Ўзи ҳақида ўйламасди ҳам. Ёзда ҳам, қишда ҳам кўк йўлли жигар ранг рўмолига ўралиб юрарди.

Қишлоққа қайтиб келган кунидан бошлаб ёши бирдай қолгандек эди. Ўша-ўша қари ҳам, ёш ҳам эмас, юзига ажин ҳам тушмас, фақат бурни вақт ўтгани саёни катталашаётгандай, кўзлари қовоқлари орасига кириб кетаётгандай, лаблари эса қимтилиб бораётгандай туюларди, холос. Болаларига тикилиб умидлари рўёбга чиқаётгандай сезаркан, ана шундагина маҳкам қимтилган лабларида табассум ялт этгандек бўларди. Айниқса, ўғиллари онанинг кўнглини қувонтирарди. Қизи эса бошқачароқ эди, фақат бегона одамлар эмас, баъзан ўзи ҳам ичида: наҳотки у Табунишчиковлар зотида бўлса, деб савол берарди. Лекин буни аниқлаб ўтиришининг вақти ўтган, кейин ҳеч кимга даркор эмасди бу. Ўри аллақачон дунёдан ўтган, болалари билан тайгидан кетинишга ёрдамлашган бошлиқни эса ўшандан бери учиратмаган, у ҳақда ҳеч нарса эшитмаганди.

Павел билан Жорканинг отасини эслайдиган одамлар дарҳол: тавба, қуйиб қўйгандай оталарининг ўзи-я, деб ҳайрон бўлишарди. Айниқса тўнғичи Павел жудаям отасига тортган. Агар фақат ташқи кўриниши ҳисобга олинса, кичик ўғли Жорка кўпроқ отасига ўхшайди. Бу ҳам отасига ўхшаган норғул, ҳаракатлари вазмин, чақчайган кўзлари эса кўм-кўк. Павел кўк кўзли бўлса ҳам укасига нисбатан хипчароқ ва ҳаракатчанроқ. Фақат онагагина қайси бири отасига кўпроқ ўхшаши, падарининг қиёфаси ва хислатларини кўпроқ ўзида мужассамлаштиргани маълум эди. Павел бўйнини бир томонга қийшайтириб, отасига ўхшаб бирор нима деганда, юзидаги кулгичи ялт этиб кўзга ташланганда Варваранинг юраги орзиқиб кетарди.

Варвара ҳаммадан ҳам унинг отасига ташқи томонидангина эмас, ҳар жиҳатдан ўхшашига хурсанд бўларди. Ўн тўрт ёшидаёқ сезгир, онасининг имо-ишорасини дарров фаҳмлайдиган йигитча бўлиб қолди. Энди унга вино турадиган ертўланинг калитини ишонса бўларди. Қайси харидорни қандай кутиб олиш, кимга қанақа вино қуйиб бериш, уларни қандай кузатишни ўрнига қўярди. Эси жойида одамларга винонинг тозасидан, кайф устида кирганларга бундайроғидан қуйиб берарди. Негаки ичиб олган одам бари бир винонинг фарқига бормади. Винони ўткир қилиш учун эса унга тамаки ташласа ҳам бўлади. Винога тамаки қўшишни ҳам Павел топди, тўғрироғи, Мелихов қишлоғидаги бир виночи чол ичкиликбозларни ана шундай қилиб лақиллатганини эшитган экан. Ўн литр винога беш литр қайнаган сув билан бир пачка тамаки қўшарди. Бундай винонинг икки стаканиёқ дарров оёқдан олади. Жорка уйдан кўчага ташиса, Павел топганини уйига олиб кела қолсам дейди. Павел еттинчи синфдан кейин мактабни ташлаб кетгунгача математикадан ҳамиша аъло оларди. Мактабни ҳам онасига ёрдамлашиш учун ташлади. Чунки Варвара буткул саводсиз бўлиб, ҳисоб-

китобда уни алдашлари мумкин эди. Одамлар ҳар хил бўлади. Жорка дангасалиги туфайли ўқишини ташлаб кетди, Павелнинг йўриғи эса бўлакча.

У ўн саккизга кирганда якка ўзи боғдаги узумларни бир ярим минг чақиримдаги Саратовга пароходда олиб бориб пуллади, агентлар билан бўладиган муомалани ҳам ўзи бу пайтда дўндирди. Унга Павел Андрианов деб мурожаат қиладиган бўлиб қолишганди. Узумга поялик керак бўлганда қишлоқдаги ўрмончига ялиниб ўтирмасди, моторли қайиққа вино ортиб, Дондаги бошқа ўрмон хўжаликларига йўл оларди. У ердан кемани тўлдириб поялик ортиб келарди. Олиб келганда ҳам узоқ йилларга чидайдиганини танлаб келтирарди.

Она вино ишларини ўғлига топширгандан кейин уйлари аввалгидан ҳам серқатнов бўлиб кетди. Лиско энди кундузлари ҳовли ўртасида сергак турмас, фақат кечаси вовилларди. У Жоркадан ҳайиқмасди. Жорка маст бўлгунча ичиб олиб, унинг олдига чўкка тушар, паҳмоқ бўйнидан қучоқлаб, Павелнинг ҳамма нарсани ўз измига қаратиб олганидан шикоят қиларди. Павелнинг ҳам ичкиси келарди, лекин у қаерда ва қанча ичишни биларди. Ичишни ҳам уддалаган ичади-да! Верка Сухаревага ўхшаб уйдаги бор нарсасини эри ва болаларидан яшириб винога алмаштирадимиз? Эси бор одам уйдаги ёғини, данғироқдаги ғалласини ҳам винога алишармиди? У бир куни ҳатто икки ярим литр винога янги пиймасини ташлаб кетган.

Баъзан ҳеч бир сабабсиз ҳам Павелнинг ичган пайтлари бўларди. Бунақа вақтда у одамнинг ваҳми келадиган даражада кўп ичарди. Энг даҳшатлиси шунда эдики, у ичган сари ўзини сергакроқ тутарди. Кўм-кўк кўзлари баттар ялтираб кетарди. Бунақа онларда Жоркага иш буюриб, узоқроққа жўнатар, ўзи бўлса олдига вино қўйиб олиб, онасини рўбарўга ўтказарди-да, отаси ҳақида саволга тутарди. Онаси қандай боғлари бўлгани, қандай қулоқ қилинганликлари, эрини тайгада

дарахт босиб қолганда нима деб шивирлагани — ҳам-ма-ҳаммасини ҳикоя қиларди. Павел бу гапларга қу-лоқ солиб ўтириб, яна ичар, лекин ичган сари эси жойига келарди. Баъзан: «Ҳм, ҳм» деганча столни чертиб-чертиб қўярди. Бир сафар у қўққисдан:

— Ойи, нега қишлоқдагилар ўртасида синглим Оль-га Табуншичиковлар зотиданмас, у бошқа одамдан бўл-ган, деган гап тарқалган. Тайгада турганимизда уйи-мизга кириб турадиган бошлиққа ўхшармиш,— деб сўраб қолди қўрслик билан.

Варвара Павелнинг кўзларига боқиб қўрқиб кетди. Шу дақиқада унинг кўзлари кўм-кўк эмас, нақ оппоқ оқариб кетганди. Варвара қўлини силтаб:

— Сенга нима бўлди, Павлуша?! Одамлар нима деб валдираса ҳам ишонаверасанми?

— Йўқ, ойижон, шунчаки сўрадим-да,— дея кўзла-рини олиб қочди ва тиржайиб қўйди Павел. Дам ўтмай кўнглидагини айтди-қўйди: — Тўғрисини айтсам, Оль-гани жиним ёқтирмайди. Ҳақиқатан ҳам худди бего-нага ўхшайди.

Варвара ўғлига совуқ назар ташлаб, бақирди:

— Бегона эмас, ўз жигарбандимиз! Бундай ўйлар-ни ҳатто хаёлингга ҳам келтирма, Павел! У сенинг ту-ғишган синглинг. Бир қориндан тушгансанлар.

— Ҳеч қачон измингиздан чиқмаганман, ойи. Сиз айтганингиздай бўлса бордир.

Варвара қизини деб ўғлини жеркиб берган бўлса-да, баъзан ўзи ҳам гумонлар оғушида қоларди. Чунки баъзан ўша назоратчи Андриан йўтида Варваранинг олдига кириб турарди. Андриан буни сезса ҳам, ўзини билмаганга соларди. У Варваранинг ўз оиласи, уйига наф келтирмайдиган бирор ишни қилмаслигини бил-ганидан бунга эътибор бермасди. Тайгалик бошлиқ Варварани зўрма-зўраки ёки алдаб ўзига оғдириб олга-

ни йўқ эди. Бошлиқнинг аёлга раҳми келар, ҳатто бундай хизматда бўлмаса уни қулоқ хотини бўлишига, ўзининг бўйдоқлигига қарамай, болалари билан бирга уйига олиб кетишга ҳам тайёр эканини гапирарди. Ўзига тегишли озиқ-овқатнинг ярмини Варварага бериши ҳам қандайдир мақсадларига эришиш учун эмас, балки ана шу ачиниш туфайли эди. У ўз улушини бермасдан ҳам мақсадига эришиши мумкин эди — минглаб километрли тайгада бошлиқ, бунинг устига келинган йигит эди... Нима бўлганда ҳам, улар ейиш-ичишдан қийналишмади. Андриан буларнинг ҳаммаси бегоналаргамас, балки ўз болаларига асқотаётганлиги учун индамасди. Тўғри, бошлиқ олиб келган нарсаларга унинг ўзи қўл ҳам урмасди: «Менга ўз улушим ҳам етади», дерди. Кейин у қарағай остида қолиб ўлди. Қизча эса тайгадан қайтишда вагонда туғилди. У билан боғлиқ бутун ўтмиш, ҳақиқат ҳам тайганинг ўзи каби олис-олисларда қолиб кетди. Энди Варваранинг қизи кимга ўхшашлигини ҳеч ким суриштирмас, тергайдиган одами ҳам йўқ эди, зеро ўзи учун ҳам аниқ жавоб тополмасди. Ўша вақтда у эрлик хотин бўлганлиги учун Ольга худо олдида ҳам, қонун олдида ҳам Андрианнинг қизи эканлигига ўзини ишонтирмоқчи бўларди.

Илгари аҳён-аҳёнда юраги гупиллаб уриб, қаеридадир санчиқ турса, энди қор ёғиб, излар босилганда ўша даврлар хотирасида хирагина из қолдириб, тушдай бўлиб қолган эди.

Павелнинг сўзлари бўлмаса ёпирғлиқ қозон ёпирғлигича қолиб кетаверарди. Варвара бу гап кимдан чиқишига ақли етарди. Маълум бўлишича, Андриан хотинига ҳеч нарса демаса-да, синглиси Анастасияга йўллаган мактубида Варваранинг олдига бир киши келиб турганини ёзган экан. Ўғли билан суҳбатдан кейин Варваранинг ўзи ҳам беихтиёр қизига тез-тез тикиладиган

бўлиб қолди. Қиз онанинг бу ҳаракатидан ноқулай сезарди ўзини.

— Ойи, менга бунча кўп тикилаверасиз?

— Ўзим, шунчаки, — жавоб берарди Варвара.

Дарҳақиқат, бегонага ўхшайди. Мактабдан келиши билан галстугини улоқтиради-да, ўзини каравотга ташлайди. Юзини ёстиққа босиб йиғлашга тушади. Варвара ҳайрон:

— Сенга нима бўлди, Ольга? Икки олдингми ёки болалардан бирортаси хафа қилдими?

Шунда қиз тўсатдан ўтириб олади-да, онасига қараб:

— У ерда мени ҳеч ким хафа қилмайди, мактабимиз ҳақида бундай ёмон гапларни айтманг. Мактабимизнинг болалари ҳам, ўқитувчилари ҳам — ҳамма-ҳаммаси яхши! — деб бидиллайди.

— Бўлмаса нега йиғлайсан?

— Бунга ўзингиз айбдорсиз, ойи! Сизни деб менга мактабда кун йўқ. Бугун пионер вожатийимиз сборда вино дўкони очиб қўйганингизни, мен сиз билан ҳеч қандай иш олиб бормаётганимни таъна қилди. «Онанг бутун райондагиларни ичкиликка ўргатапти, сен бўлсанг галстук тақиб юришга уялмайсанми?» деди. Мен сиз билан қандай иш олиб боришим керак, айтинг?

Ольганинг елкалари силкинар, иккита қилиб ўриб, оқ бантик тақилган малла сочлари елкаси устида тўлганарди. Варвара жаҳл билан:

— Одамлар кўролмайди, шунинг учун ҳам гапирарди. Биз ўғирлик винони сотаётганимиз йўқ, ўзимизникини сотаямиз. Биз билан нима ишлари бор. Боғнинг солиғини тўлаб турибмиз. Ўша пионер вожатийингга бориб худди шундай дегин! Отасининг этигини кийиб юрган вожатийнинг яхши яшаётганимизни кўролмайди! Тур ўрнингдан! Йигини бас қил, бориб сигирнинг тагини тозала. Бировлар онангни қорат қилса ҳам қулоғингга пахта тикиб ўтиравер, и, тўрўхта. Ме-

нинг онам ҳақида биров шундай деса нима қилишни ўзим билардим! — деб бақирди.

Баъзан Варвара Ольганинг онаси бетига тик қараб, бундай гапларни такрорламаслиги учун шартта сочларидан чапгаллаб, бошини нақ полга уриб-уриб олгиси келарди. Лекин Ольга чақчайган оч кўкимтир кўзлари билан шундай тикилардики, онанинг бунга қўли бормасди. Ўғиллари унга яқинроқ бўлса ҳам уларни аяб ўтирмасди, қизини эса бирор марта ҳатто чертмаганди. Бунинг устига у оиланинг кенжаси эди. Уруш бошланган қирқ биринчи йилда Ольга эндигина ўн ёшга тўлганди.

Павел бундан етти йил илгари уйланган, уч йил аввал онаси билан чиқишмагани учун хотинини қўйиб ҳам юборган эди. Лекин ўғилчасини хотинига бермади, ўзи олиб қолди.

Жорка бўлса, тўрва-халтани бўйинга илишга ҳали вақт бор, мен ҳали бир оз яшамоқчиман, дерди.

Уруш бошланиши билан умумий сафарбарлик тўғрисидаги буйруққа кўра Павел билан Жорка фронтга олинди. Бутун қишлоқ аҳли бошқалар сингари Табунчииковларни фронтга жўнатиш маросимига йиғилди. Варвара уйдаги барча стол ва стулларни ишжомлар орасига жойлаштириб, ертўладаги вино тўла бочкани юмалатиб ҳовлига олиб чиқди. Узоқ турган Дон мускатини татиб кўриб ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Бошқалар йиллига бунақа винодан ўн-йигирма литр оларди, бу ерда эса бир бочкаси оёғинг остида ётарди. Варвара олдига ким қандай идиш билан келса лиммо-лим тўлгизаётди: «Саломатликка ичаверинг, буни энди кимга ҳам асрардим», дерди.

Ҳаммадан олдин Жорка учиб қолди. Бочканинг ёнига тиз чўкиб, уни қучоқлаганча: «Овунчоғим, мен сен кимга ташлаб кетяпман-а...» деб йиғишга тушди.

Варваранинг ўзи ҳам тузуккина ичарди. Қишлоқдагилар унинг бунақа ичишини биринчи марта кўришлари эди. У столга чиқиб олиб, ўйинга тушиб кетди. Кейин тўсатдан йўғон, жарангдор овоз билан ашула бошлаб юборди. Қайиқларга тушиб Донни сайр қилишаётганда эса кийим-боши билан ўзини сувга отди ва қишлоқ фельдшерига ўзини қутқаришни, акс ҳолда чўкиб кетишини қичқириб тушунтирди. Фельдшер буни бажону дил бажариб, сувдан олиб чиқди уни. Варвара шалаб-бо ҳолда фельдшер билан Доннинг нариги томонидаги дарахтзор орасига кириб кетди...

Варвара тамоман ўзгариб қолганди. У ўйинга, шўхликка шу қадар берилиб кетдики, меҳмонлар Дон сайридан қайтиб келишганда ертўладан яна бир бочка вино олиб чиқмоқчи бўлди. Ҳаммадан кўра ҳушёрроқ Павел ертўлага тушаверишда унинг йўлини тўсиб:

— Қачондан бери сахий бўлиб қолдингиз, ойи? — деди киноя билан.

Ертўланинг ғира-шира ёруғида ўғлига яқинлашиб, елкасига бошини қўйди.

— Мен сизларни хотин бошим билан бу ҳайвонлар учун катта қилганим йўқ-ку, болам....

Павел онасининг қўлини елкасидан олиб ташлаб, гапни бўлди:

— Аза очишга шошилманг, ойи. Винони бўлса эҳтиёт қилиб сақланг. Бир кунимизга яраб қолар...

Варвара зумда яна аслига қайтди-қолди. Ўғли ортидан ертўладан чиқиб келаркан, бир неча дақиқа аввалдаги мулойим овози билан эмас, балки аслидаги дадил-кинояомуз овози билан меҳмонларга:

— Ҳамма винони ичиб тугатибмиз, азиз меҳмонлар. Бир томчи ҳам қолмапти, — деди.

Шунда фельдшер унинг билагидан ушлаб боғнинг хилватроқ жойига торта бошлади. Варвара тўсатдан тирсаги билан унинг кўзлари аралаш чунонам туширдик, фельдшер кўзлари чақнаб турган жойида «ўйин-

га» тушиб қолди-ю, қачонлардир бу уйнинг зиналаридан далаб кетгани ёдига келди.

Вара тонг саҳарда қишлоқнинг бошқа аёллари синг. Уғилларини қишлоқ пристанигача кузатиб қўйди, вара узоқ жойгача Дон соҳили бўйлаб борди. Пароход қора булутлар орасига яширинган оқ лайлакдек кўздан йўқолгач, орқасига қайтди. Варвара ўшандан бери фронтдан уч бурчакли бирорта хат олмади. Қишлоқ почтальони Уляша бошқа уйларга аҳён-аҳёнда бўлса ҳам хат ташлаб кетар, лекин Табуничикова хонадонига қадам босмасди. Кулча юзли Уляша Варварани кўча-кўйда кўриб қолганда ёки сумкасини кўтариб уйи олдидан ўтаётганда у оғзини очиб улгурмасиданок, гуноҳкорона оҳангда жавоб беришга шошиларди:

— Варвара хола, ҳозирча хат йўқ. Жиндай сабр қилинг, албатта ёзишади.

Қишлоқ аёллари Варварага ачинишарди. Уғиллари кетаётган эшелон Ростов яқинидаги Матвеев Қўргони бекатида кечаси немис бомбалари остида қолганлиги, командирлар омон қолган баъзи солдатларини ҳам тополмаганликлари ҳақидаги хабарни Варварага сездиришмасликка ҳаракат қилишарди. Эпини қилган вагондан ташлаб қолганмиш, улгуролмаганларни бўлса жизғинак темир-терсаклар ва қоп-қора кул орасидан қидириб ҳам ўтиришмаганмиш.

Шундай қилиб, Варвара на ўғилларидан бирор уч бурчак мактуб, на қўлларига тегиши билан хонадонлардан гўдаклар фарёди жўрлигида аёллар уввоси янграйдиган ҳукумат қоғозини олди. Варвара бир неча марта район ҳарбий комиссариатига бориб учрашди. Унинг саволига: «Суриштириб кўрамиз», «Сабр қилинг» дея мужмал жавоб беришарди. Бундай пайтларда ҳарбий комиссариат командирларининг кўзлари ҳам қишлоқ почтальони Уляшанинг кўзлари каби гуноҳкорона йилтилларди.

Варвара сабр-тоқат билан кута бошлади. Аёллар унинг чидам ва бардошига қойил қолишарди. Бундан кўра фронтдан қора хат олиб фарёд кўтарган, сўнг тақдирга тан берган яхшимасмикин. Ҳеч ким Варваранинг кўзида қатра ёш кўрмади, унинг юраги худди тош бўлиб кетганга ўхшарди.

Ульяша ҳамон унинг уйи олдидан тезгина ўтиб кетар, лекин илгаригидай қўнғироқ овози билан: «Варвара хола, сабр қилинг, хат келиб қолар», демас, фақат имо билан саломлашиб, сумкасини осилтирганича шошиб олға интиларди. Кун сайин унинг сумкаси оғирлашиб борарди. Тобора уч бурчак солдат хатлари орасида муҳрланган қора хатлар кўпайиб, юракни музлатиб юборадиган бева ва етимларнинг оҳу надоматлари тез-тез қишлоқни ларзага келтира борарди.

Фақат Варварага қора хатлардан кейинги қайғу ҳам, илк сатрлардаёқ соғ-саломатлигини билдирувчи солдат хатларини олгандаги қувонч ҳам бегона эди. Шу туфайли қўшни хотинларнинг Варварага раҳми келарди. Дарҳақиқат, дунёда энг ёмон нарсаси — ноаниқлик. Бир йилгача шундай давом этди. Июль кунларининг бирида қишлоққа немислар бостириб кирганда ҳамма нарсаси ўз-ўзидан равшан бўлди. Кейинги кун қишлоққа Варвара Табуншчикованинг иккала ўғли — Павел ҳамда Жорка соғина-соғ кириб келишди.

Шундан кейингина одамлар Матвеев Қўрғони станциясидаги эшелон ҳалокатидан кейин Варваранинг уйига Қуйи Кундрюченск станицасидан қариндоши келгани (иллари Варвара уни назарига илмас, қариндошлари қаторида ҳисобламасди), бир оз вақт ўтгач, ўзи ҳам Қуйи Кундрюченскдаги ўша ўғай синглизиникига бот-бот қатнайдиغان, ўта зиқналигига қарамай ҳар сафар икки-уч қоплаб соғина-салом ташийдиган бўлиб қолганини эслашди. Турган гапки, ўз-ўзидан Кундрюченск ўрмонларида қочоқлар яширишиб юргани, уларни қидиришга районда махсус отряд ажратилганлиги ҳақи-

даги шов-шувлар ҳам хотирага келди. Ўша отряддагиларнинг қўлга туширилган, соч-соқоли ўсиб кетган қочоқларни қўл-оёғидан боғлаб аравада олиб кетишаётганини ҳам халойиқ кўрган эди. Буларнинг ҳаммаси ака-ука Табуншчиковлар қоп-қора соқоллари билан қишлоқда пайдо бўлишганда эсга тушди. Четан девор устидан сўрашганларида ҳатто қўшни аёл ҳам уларни танимади, шунда Павел оппоқ тишларини ярқиратиб кулди.

Варваранинг ўғиллари беш кундан кейин соч-соқолларини қиртишлаб станицадаги немис комендатурасига бориб, у ердан қўлларига қора бўёқ билан «Милиц» деб ёзилган қизил латтани боғлаб қайтишганида ҳеч ким ажабланмади.

Қаҳратон февраль ойи. Варвара Табуншчикова қизиб турган печка олдида туриб қуймоқ пиширяпти. У катта ёғоч қошиқ билан хом масаллиқни товага солаётиб, одамлар ўз бахтсизликларига ўзлари айбдор, деб ҳаёлидан ўтказди. Агар Павел ва Жоркани худди бошқаларнинг болаларига ўхшатиб тарбиялаганда аллақачон Москва ёки Ростов атрофларидаги қардошлик қабристони деб аталган катта-катта чуқурларда ётишган, ҳозир эса ўғилларига қуймоқ пишириб ўтирмаган бўларди. Хонани товадан кўтарилаётган ёқимли ҳид тутиб кетган, ҳатто ташқарига ҳам тараларди. Ганини бермайдиган қўшнилар ҳам, истасалар майли, ҳидласа ҳидлайверсинлар, бунинг учун улардан ҳақ олмайди...

Ўғиллари бошқаларга ўхшаб ўсганда ҳозир у бутун қишлоқдагилар сингари идишнинг тагини қиртишлаётган бўлармиди. Ҳозир бўлса эски вақтлардагидек бамайлихотир қуймоқ пиширмоқда. Павел яқиндагина немис машинасида Мелников тегирмонидан ўн қоп бугдой уни келтириб, ойи, мана, хафа бўлманг, деб четан

девор устидан ошириб ташлаб кетди. Жорка бўлса уларни ертўлага тушириб қўйди. Очиғини айтганда, Жорка сал тентакроқ бўлса ҳам, Павелга нисбатан анча бақувват. Павел полицияда обрў қозониб, бошлиққа ўхшашроқ бир мансабга кўтарилди, Жорка бўлса ҳамон энг паст вазифада. Танбаллиги учун шундайдир. Бир қориндан талашиб тушган болалар бўлса ҳам иккаласи икки хил дунё. Мана, ҳозир ҳам Жорканинг хурраги катта уйдан эшитилиб турибди. Павелни бўлса саҳарда чиқиб кетганидан бери ҳанузгача дарағи йўқ. Павел колхоз раиси Калюжнийдака тиниб-тинчимас чиқди. Раис ўзи ҳам тинчимасди, одамларга ҳам тинчлик бермасди. Доим саҳарда, соат учларда туриб олар, ҳар нарсага аралашар, ҳар ёққа бурнини суқаверарди. Ҳозир у узоқда, Волганинг нариги томонида бўлса ажабмас. Балки бирон жойда, йўл четида ириб-чириб ётгандир. Ҳар қандай ҳокимият вақтида ҳам яшашни, бойлик орттиришни уддасидан чиқадиган ақлли кишиларни қулоқ қилишаётганда ҳаммадан олдин: «Табуншчиковлар, Табуншчиковлар!» — деб қичқирган бўлса ҳам, майли, худо раҳмат қилсин уни.

Ҳозирги шароитда ҳам ўйнаб-ўйнаб яшаса бўлади. Ҳамма ҳокимият худодан. Бундан совет ҳокимияти мустасно, албатта. Совет ҳокимияти қишлоқдаги яланг-оёқларнинг сўзига кириб пешана тери билан топилган ғалла янчадиган машина, олти жуфт ҳўкиз, тўрт жуфт отларини тортиб олди, хўжайинни эса умрбод тайгага сургун қилди. Уша ерда унинг ажали етди.

Анави бошлиқ Варварага ёрдам бермаганида болалари билан ўз қишлоғига қайтолмасди, ўша ерда ўлиб кетарди. Бошлиқ келишгангина йигит эди, Варваранинг ҳам у вақтларда ўйнаб-куладиган пайти эди.

Буларнинг ҳаммасидан қолган ғира-шира хотира шу топда ёниб турган печка ёнида бўғриққан лаблари ва ёноқларида билинар-билинемас табассум уйғотди. Тез орада бу хотиротлар ҳам ёддан кўтарилди. Илга-

ри гуноҳ қилган тақдирда ҳам болаларини деб қилган. Болаларининг учаласини ҳам тарбиялади, улар она бағрида. Хутордаги бошқа билимдон оналар бўлса, ё ўғли ҳақидаги қора хатни қайта-қайта ўқияпти, ё улардан бирор хабар тополмай зор-зор қақшаяпти. Балки бутунлай хабар топишолмас.

Павел билан Жорка ўз йўлини топиб олди. Ольга-нинг ҳам бўйи етиб қолди, немис солдатларидан асраш учун гадоватчалардай кийинтиришга мажбур. Улар ҳеч нимани, ҳали қизнинг ёшлигини, икки акаси полицияда ишлашини эътиборга олиб ўтиришмайди.

Қуймоқ сап-сарик ва ғовак-ғовак бўлиб чиқаяпти, нақ товадан тарелкага ўрмалаб ўтяпти дейсиз. Ҳидиям иштаҳани қитиқлаётгандай. Майли, қўшнилари ҳам ҳидлашса ҳидлайверишсин. Варваранинг етти ёшли набираси, Павелнинг ўғли Шурка атрофида гирдиканалак. Бувисининг кўзини шамғалат қилиб тарелкага чанг солар, сўнг уни найчага ўхшатиб ўраб, бутунлигича оғзига ташларди. Яна ўрдак балиқни ютгандек бир ямлашда йўқ қилиб юборарди. Варвара қўлидаги қошиқ билан Шурканинг қўлига тушириб қоларди:

— Ҳеч тўясанми, йўқми!

Бола:

— Вой-вой!— деб сакрар, лип этиб бувисининг нариги биқинига ўтиб олиб, ишни қайтадан бошларди.

Майли, тўйгунича есин. Варвара ундан овқат қизганмайди, фақат тартибли бўлсин дейди, холос. Ўғирланган парса ҳаминиши ширин бўлишини у ҳам билади. Набираси тушириб турса ҳам тарелкадаги қуймоқ тобора уюлиб борарди. Ўғиллари ҳам бир мириқишсин. Қаймоқ ҳам қисмига келиб қолгандир. Павел наслчилик совхозидан зотдор бир ситирни ҳайдаб келганди.

Кейинги пайтларда унинг иши кўпайиб кетди. Кўпинча уйга ҳам келмайди. Бошқа қишлоқ ва станицаларни от ёки чанада айланади. Станицада комендант

ёрдамчисини ўлдириб кетган одамни ҳалигача топишолмаяпти.

Майли, вазифаси экан, бажараверсин, кечқурун уйга қайтганда онаси уни қуймоққа тўйгазади... Бувиси яна эркатой набирасининг қўлига тушириб қолади.

— Эй, бувижон, огриди-ку! — деб калтак еган қўлини силкитаркан, иккинчиси билан қуймоқдан ола солиб оғзига тикади.

Бувиси эса бошини сарак-сарак қилиб, кулиб қўяди.

Жорка бўлса шундай хуррак тортаяптики, гўё бурнига радио ўрнатиб қўйгандек. Ўлгудек ичиб, уйқуга кетди. У энди эрталабгача қум-тошдек ухлайди. Ичкиликка ва хотинларга ишқибозроқ. Сирасини айтганда, бундан ҳеч кимга зарар ҳам келмайди. Эндиликда бутун қишлоқда фақат солдат хотинларию беваларгина қолди. Жорка бўлса чакана йигитлардан эмас. Павелни ҳисобга олмаганда, уни қишлоқдаги энг келишган йигит деса бўлади, бунинг устига муомалани ҳам жойига қўяди. Зўравонлик қилмайди, балки аксинча, муомаласига юрганларнинг меҳнатини енгиллаштиради. Сендан угина, мендан бугина, дейдилар-ку, ахир. Муомалага юрмасанг ҳеч ким сенинг йўлингни тўсмайди, хоҳла — тош қазувчилар қаторига кириб ишла, хоҳла — Германияга жўна. Ҳар ким ўзи истаганини топади. Ўз вақтида Варвара ҳам яхшиликка яхшилик билан жавоб берган. Унинг лабларида яна эски хотиротлар кулгиси пайдо бўлди.

Деразадан нариги ҳовлида қўшни хотиннинг боши кўзга ташланди, четан девор устидан эса қалин рўмол ўраб олган иккита бошча — унинг қизлари мўралай бошладилар. Ҳидлашапти. Варваранинг ўзи ҳам бу ҳидни яхши кўради. Илгарилари масленица¹ байрами-

¹ Масленица — славян ва бошқа христиан динидаги халқларда қишни кузатиш байрами, бу байрам қуймоқлар пишириб, турли ўйин-кулгилар билан ўтказилади (тарж.).

да улар икки-уч чанага ўтириб олиб, музлаган Дон устида сайр қилишарди. Отаси билан масленицада чанада маза қилишни, уйда қолган пайтларида эса, Табунщикова араваси қўнғироқлари жангир-жунгурини эшитиб ўтиришни ёқтирарди. Зеро бу қўнғироқлар овози бошқа ҳеч қайси арава қўнғироғининг овозига ўхшамасди. У, бу ҳидни ана ўша замонлардан бери яхши кўриб қолганди.

Ҳозир ҳам яшаса бўлади. Фақат Совет ҳокимиятигагина мослашиб, кўникиб бўлмаган эди-да. Манавинақанги тумшуғи осмонга қараган пандивоқиларни бўлса аслида косаси оқармаган, келинг майли, уларнинг болалари четанга осилиб, хоҳлаганларича бировнинг қўймоғи ҳидини искашаверсин.

Бу орада бошқа тарелка ҳам тўлай деб қолди. Шурка қорни шишиб кетган бўлса ҳам азбаройи қизганчиқлигидан тарелкага дамо-дам қўл чўзаяпти. Ҳадемай Павел ҳам келиб қолади, кейин Жоркани уйғотиб, бирга овқатланишади. Варваранинг ўғилларига қуймоқ билан бирга дастурхонга қўядиган яна бошқа нарсаси ҳам бор.

Бу ҳидни у болалигидан ёқтирарди. Умуман уйи иссиқ, рўзғори бут — ертўласи озиқ-овқатга тўла, идишларда сут ва қаймоқ сероб бўлишини хуш кўрарди. Ақл билан иш тутадиганга уруш ҳам ҳеч гапмас.

Яқиндан бери Доннинг нариги ёғидан эшитила бошлаган гумбур-гумбурга келсак, бу вақтинчалик гап, герман армияси ниҳоятда қудратли, бекорга ташвишланманг, дерди Павел. Қишлоқдан, даштдаги юқори йўлдан Волга томонга уларнинг озмунча техникалари ўтдими, русларнинг техникаси бўлса бармоқ билан санарли, ҳозир немислар фронт чизигини тўғрилаб, тартибга солишаётир, дейди ўғли. Тезроқ уйга келиб, онаси пишириб қўйган қуймоқлар совумасдан ея қолсайди.

Ўз хайлларига берилиб, товада қуймоқ пишираётган

она орқасидаги эшик очилганини ҳам сезмади. Набираси Варваранинг этагига ёпишиб, безовталаниб, учинчи маротаба:

— Бувижон! Буви дейман!— деганидан кейингина орқасига қаради.

Остонада турган одамни кўрди-ю, жаҳли чиқиб, уни ҳам уйига келиб турадиган баъзи шилқимлар қатори олдига солиб қувмоқчи бўлди. Уйи қишлоқнинг чеккасида бўлса унинг айбими? Бунинг учун шундай бемаҳалда қишлоққа келадиган ҳар қандай қаланғи-қасанғига дастурхон ясатиб, ўрин солиб бериши керак экан ми? Ҳозир ким кўп — шунақа дайди одамлар кўп. Улар қишлоқма-қишлоқ йўқолган қариндош-уруғларини қидириб юришади. Соқоллари ўсиб кетган, кўзлари оч бўридай боқувчи бу одам ҳам ўшаларнинг бири бўлса ажабмас. Эҳтимол, асирликдан қочиб келаётгандир. Асирликдан қочганларда одатда унинг эғнидагидақа чувриндиси чиқиб кетган пахталик ёки шинель бўлади. Соч-соқолини кўрмайсизми, сап-сарик тиканга ўхшайди. Қинидан чиқиб кетай деяётган кўзлари эса олазарак, егулик нарса қидиради.

Мен унийчун қуймоқ тайёрлаб қўйибманми? Варвара қошини чимириб, қуймоқни ҳалиги одамнинг кўзларидан пана қиларкан, ҳайдаб юбормоқчи бўлди. Яхшиликча, ўғли уйғониб қолмасидан жўнаб қолсин, кейин станицадаги немис коменданти Герц олдида ҳам жавоб бериб бошини қотириб ўтирар ҳали.

Варвара остонада турган одамга виқор билан Жорка «Милиц» деб ёзилган боғичли қўлини каравотдан осилтириб ухлаб ётган катта уйнинг эшигига имо қилди ва шу дақиқада тошдай қотиб қолди. Остонадаги одамга разм солиб, набираси Шурка боядан бери этагидан тортқилаганча, ташвишли овоз билан:

— Буви! Буви деяман!— деб қистаётганлигининг маъносига энди тушунди. Энди зийрак набираси анчадан бери имо қилаётган нарсага унинг ҳам кўзи тушди.

Ифлос, дабдаласи чиқиб кетган шинелининг ўнг биқини дўппайган, баридан автоматнинг мили чиқиб турарди. Рус солдатининг автомати.

Барваранинг бутун вужуди қалтиради, қўлидаги қошиқ титраб, ичидаги суюқ масаллиқ қизиб турган плитага тўкилди, хона кўм-кўк ачимсиқ ҳид билан тўлди. Оёғида мажол қолмади. Рус солдати автоматини шайлаб, тўғри бир қўли ва оёғини каравотдан осилтирганча тош қотиб ухлаётган маст Жорканинг ёнига кирди. У ҳамниша ҳам донг қотиб ухлар, ҳозиргидек бир шиша шнапсни ичиб олганида-ю, замбарак отиб ҳам уйғотиб бўлмас эди. Зўр бериб хуррак отаётган ўғли рус разведкачиси бамайлихотир каравот ёнбошидаги қора кўндоқли немис автоматини бурчакка обориб қўйганини ҳам, стулдаги иккита гранатани олиб, ўз белига қистирганини ҳам, чўнтақларини титиб, сўнгра ёстиғининг тагидан кичкинагина тўппончасини олиб қўйганини ҳам сезмади. Жорка бу тўппончани кафтида ўйнаб, вальтер, деб атагани, буни Герцнинг ўзи совға қилганини фахр билан гапиргани Барваранинг ёдига тушди.

Рус солдати шинели тагидан от ёлидан қилинган арқонни чиқариб, аввал оёқлари, кейин кўкраги ва қўлларини яхшилаб боғлагандан кейингина Жорка ғимиллай бошлади, сал ўтмай маст кўзларини очди. Бирпасда эси жойига келди. Қичқирганча каравотдан турмоқчи бўлди, лекин вақт ўтган эди. Солдатнинг бақувват тиззаси кўкрагидан азарди, ноласи эса бошланишидаёқ оғзига чаққонлиқ билан тиқилган оқ латта туфайли эшитилмай қолди. Жорканинг кўзларидан оқаётган ёш ёстиғига думалай бошлади.

Уғлининг ноласини эшитибоқ ёнига югураётган айтда оғзасидаги эшик очилиб, буғу дудга тўлган уй-хонага кириб келишди. Яна уч рус солдати ҳаёйўқ, ҳаёйўқ уйга кириб, хонани совуқ ҳаво, қурол-яроғ моллари билан тўлдирди. Улардан иккиси даст-

лаб келган солдатдек шинелда эди, учинчиси, энг норгули эса, кўринишидан командир бўлса керак, янгигина сариқ калта пўстин кийиб олганди. Варвара қишлоққа русларнинг разведкачилари кириб келганига энди тамоман ишонганди. Ҳолбуки, Павел бугун эрта-лаб ҳам онасининг ташвишидан кулган, немислар фронтни текислашяпти, деган эди. Фронтни текислаш шунақа бўларканми?

— Биз сенинг овозингни эшитиб, ёрдамга келдик, ука,— деди калта пўстин кийиб олгани залга кираётиб. У Жорка ётган каравот тепасига бориб тўхтади-да, пиймаси билан полда ётган бўш шишани нафратомуз тебратиб қўйди.— Шнапсни ютиб олибдилар-да, дардисар бўларканлар-да бизга.

Жорка каравоти тепасида йиғилган разведкачиларга кўзи шокосасидан чиққудай бўлиб бақрайиб ётарди. Унинг юз ва чаккаларидан ёш оқарди. Оппоқ ёстиқдаги ҳўл доғ тобора кенгаярди. Бувисининг этагига ёпишиб олган Шурка бўлса қалтирарди.

— Арақхўр газанда ўзига келмасдан бирор нарса-ни сўраб олиш қийин,— деди қўнғизсимон қора мўйловли разведкачи.

Разведка командири:

— У ҳозир ҳам ўзига кеп қолди. Кайфи тарқаб, мулла минган эшакдай бўлгунича бошқа иш билан шуғулланиб турамиз, шошаётганимиз йўқ,— деди жилмайиб. У Варварага қараб:— Хўжайка, тайёргина қуймоғинг боракан, меҳмон бўламиз-да энди, ўзи-ям анчадан бери масленицаям эсдан чиқиб кетганди. Сен, албатта, буларни биз учун эмас, ўз ўғилларинг, булар учун тайёрлагансан. Тўғрими?

Бу даҳшатли меҳмонлар келгандан бери жим турган Варвара биринчи маротаба:

— Ҳа, улар учун,— дея олди, холос.

Қўнғиз мўйловли разведкачи:

— Иккинчи ўғлининг уйда эмаслиги чакки бўлди-

да. У ҳам қўлга тушганида қойилмақом бўларди-да,— деб қўйди хўрсиниб.

Командир кулимсираб унга далда берди:

— Ҳеч қаёққа кетолмайди, шу яқин атрофда юрган бўлиши керак. Тўғрими, эна?

Варвара ўзини қандай тутиши кераклигини ўйлаб боши қотарди. Залда оёқ-қўли боғланган, оғзига латта тиқилган Жорка ётарди, очиқ эшикдан онасига илтижо билан тикилар, кўзларидан дув-дув ёш оқарди. Нима қилса ўғлига заррача озор етмаслигини ўйларди. Энг яхшиси, бу чақирилмаган меҳмонлар келганда нима қилаётган бўлсам шу иш билан шуғулланганим маъқул, у ёғи яна бир гап бўлар, балки Жорка учун бирон чораи-тадбир топилар. Ахир Шуркани истисно қилганда, бу ерда мендан бошқа унинг яқин одами йўқ-ку. Бола бўлса қандай ёрдам ҳам беради дейсиз? Варвара командирнинг саволини гўё эшитмаган бўлиб, қопшиқ-да суюқ масаллиқдан олиб, товага солди. Товадаги ёғ билан масаллиқ чирсиллар, ундан кўтарилаётган ҳид разведкачиларнинг иштаҳасини қўзғарди.

— Бу бошқа гап! — командир бошидаги қалпоғини дераза раҳига қуйиб, табуреткани столга яқинроқ сурди-да, худди мезбондай бошқа разведкачиларни ҳам чақирди: — Укам Алёша, Владимир, Семён сен ҳам, келинлар! Полицайлар қуймоғидан еб кўрайликчи. Бизга аталмаган бўлса ҳам майли, қорин тўйғазадиган нарсаси бўлса бас. Биз унақанги кеккайган одамлармасмиз, масленицани ана шу нопок уйда ўтказсак ҳам бўлаверади.

Разведкачилар ортиқ иззатталаблик қилиб ўтирмай, катта тарелкада қуймоқ гарами турган столни хона ўртасига суриб, унинг атрофидан ўрин олишди.

— Энди, хўжайка, тўхтамасдан қуймоқни пишираверасиз. Икки сменали ишга ўтсангиз ҳам бўлади. Иш орасида оқ сут бериб боққан икки ўғлингиз нега бунақа чиққанини гапириб беринг,— деди командир.

— Ҳозирги болалар онасининг маслаҳати билан иш тутармиди?— Варвара турган жойидан қимирламай, ўгирилмай жавоб берди.

— Бўлмаса, сиз улардан ақл ўрганасизми?— Командирнинг кўзи бувисининг пинжига тиқилиб буларга мўралаб турган Шуркага тушди.— Болакай, сенга бир нарсам бор,— дея калта пўстинининг чўнтагидан ярим плитка шоколад чиқариб берди.— Ол! Ола қол! Мендан қўрқма, мени фақат кўринишим қўрқинчли. Отинг нимаиди?

Шурка жавоб ҳам бермай, турган жойидан ҳам жилмай, бувисининг этагига яна ҳам маҳкамроқ ёпишди. Варвара неварасининг орқасидан туртиб:

— Ол, Шурка, олавер,— деди.

Командир Жорка боғлаб қўйилган уй томонга ишора қилиб сўради:

— Унинг боласими?

— Наригисиники,— Варвара қисқа жавоб берди.

— Бари бир сенга ҳавас қилиб бўлмайди, Шурка, отанг ифлос одам... Укам, сен меҳмонда ўтирибсанми?

У укам деб мурожаат этган, бу уйга биринчи бўлиб кирган разведкачи ойнага қараб:

— Бирортамиз ҳовлида навбатчилик қилсак бўлармиди?— деди.

— Олсанг-чи! Уларнинг пайтавасига қурт тушган. Ҳозир улар ўзлари билан ўзлари овора.

Шундан кейин хонага сукунат чўкди, бу сукунатни фақат қуймоқларнинг қаймоққа ботирилаётгандаги унсизгина сас бузарди, холос. Ҳаммаси ҳам қуймоққа бараварига ҳужум қилишарди. Бу вақтда кайфи бутунлай тарқаган Жорка ётган еридан буларни кузатарди.

— Хўжайка, набирангизга нима деб пичирлаясиз?— шубҳаланиб сўради командир.

— Мен унга ертўладан қаймоқ солинган идишни олиб чиққин деяпман.— Сая, қаймоқ идишни олиб

чик, кейин кўчада ўртоқларинг билан ўйнайсан,— деб буюрди.

Бир оздан кейин набираси ертўладан қаймоқ солинган кўзани олиб чиқди. Варвара уни идишга қуятуриб, мулойимгина:

— Бор, чопақол, мен рухсат бердим-ку!— деди-да, у қўли билан боланинг орқасидан секин туртиб қўйди.

Ўгли Жорка бўлса каравотга арқон билан боғланган, оғзига латта тиқилган ҳолда рус разведкачилари тўрт киши бўлиб қуймоқни қаймоққа булаб тушираётганларини кўриб ётарди.

— Қаймоғингиз урушдан олдинги қаймоқларга ўхшаб кетаркан,— мақтаб қўйди разведкачилар командири. У найчага ўхшатиб юмалоқланган қуймоқни қаймоққа булғар, бир томчиси ҳам тўкилмаслиги учун авайлаб оғзига оборарди.— Немислар сигирни полицайларнинг онаси деб беришган-да сизга, а?

Варвара жавоб бермай, эгилганича қуймоқ пиширарди. Лекин тарелкадан йўқ бўлган қуймоқларни ўрнини тўлдира олмасди. Шунда у ошхона столи тагидан бошқа това олиб, иккаласида барабар пиширишга тушди.

— Мана буни механизация деса бўлади,— деди ажабланиб юзи кунгабоқарга ўхшаш юм-юмалоқ ва сепкилли, кўринишдан тракторчига ўхшайдиган разведкачи.

Варвара яна уч марта кўзадан косага қаймоқ қуйди. Туққан боласи эса кўзидан ёшини тирқиратиб қараб ётарди. Майли, ҳозирча чидасин. Бари бир булар қорнилари тўймагунча бошқа иш билан шуғулланишмайди. Шурка бўлса энди пастки қишлоққа етгандир. Одан тепаликка жойлашган мактабгача чопиб чиқиб келсин.

Лекин қуймоқ разведкачиларга қанчалик мазали эмаслигини, керагидан ортиқча ейиша олмайди. Кўзла-

рининг тўйгани, ҳаракатларининг секинлашганидан бўлиб қолишганини фаҳмлади Варвара. Ҳатто кулча юзли тракторчи ҳам қуймоқни косага эринибгина ботиради, аввалгидай бутунлигича оғзига ташламай, майдалаб ўтирарди. Разведкачиларнинг энг кичиги, Варваранинг уйига биринчи қадам қўйгани эса бутунлай столдан узоқлашиб, трюмо олдида тик турганича дераза токчасидан топиб олган Павелнинг немисча асбоб-ускунасида соқолини қиртишлай бошлади.

Шунда Варвара ошхона столдан бир литрлик идишдаги асални олди-да, тоза тарелкага қуйиб, столга қўйди. Асал май ойидагиси бўлиб, ҳали қуюлиб улгурмаган эди.

— Мана буни жонимдан ҳам яхши кўраман, — деди кулча юзли тракторчи.

Улар яна ишга тушиб кетишди.

— Албатта, биз учун олиб қўйилмаган бўлса керак? — деди командир. — Сен ҳам асалга булаб мазасини кўрсанг бўларди, укажон, — таклиф қилди у трюмо олдида туриб соқол олаётган йигитга.

Унинг юзидаги қиртишланган соқоли аралашган оппоқ кўпик парча-пурча бўлиб полга, кирза этигига тушарди.

— Уйда ҳам асал емаслигимни ўзингиз билардингиз-ку, — жавоб берди укажон.

— Уйнинг йўриғи бўлак.

— Умуман олганда қорним тарс ёрилай деяпти.

— Майли, ўзинг биласан...

Ҳаммани қуйиб буларга асал олиб қўярмиди! Варвара колхоз шошилишда бор буди-шудини ташлаб кетгач, замбилгалтакни қайиққа жойлаштириб, асалари қутилари турадиган жойдан иккита эллик килограммлик бидонда асал олиб келган эди. Майли, ейишаверсин! Шурка отасининг олдида эндигина етган бўлса эҳтимол. У ёғоч қошиғи билан товага ҳамир сола туриб, разведкачиларнинг ўзаро ишловотда ётган ўғлини ни-

ма қилишни маслаҳатлашаётганликларини эшитиб қолди.

Энди қуймоқни асалга ҳам истар-истмас ботиришарди. Биринчи бўлиб командир столдан узоқроқ сурилди, оёқларини чалиштириб папирос тутатди. Ундан кейин қўнғиз мўйловли йигит аввал камарини бўшатди, сўнг деворга суянган ҳолда мудрай бошлади. Фақатгина кунгабоқарсимон юзли, гўштор йигит ҳали ҳам тарелкадан бошини кўтармасди. Варваранинг ёғоч қошиғи идиш тагидаги масаллиқни қиртишлаб олаётган бўлса ҳам:

— Пиширавер, хўжайка! Полицайларнинг қуймоғини яхши кўраман,— дерди.

Варвара чидолмади:

— Ақалли набирамга қолдирсанг бўларди.

У оғзига кафти билан уриб, шартта ейишдан тўхтади, кулча юзи болаларга ҳос гуноҳкорона тус олди.

— Нега бунди аввалроқ айтмадинг!— деди у.

Варвара бундай бўлишини ҳеч кутмаган эди, шунинг учун ҳам қўрқиб кетди. У йигитларни яна овқат билан овора қилиб турмоқчийди. Командир ҳам чекаётган папиросини охирлатиб, ўқтин-ўқтин Жоркага қараб қўйяпти.

— Еявер, шунчаки айтдим-да: яна пиширарман, сизер,— деди Варвара шошилиб кулча юзли йигитга.

Оғзидан нега бундай гап чиқиб кетди-я. Охиригача чидаса бўлмасмиди. Ахир у ўз қайнарасининг уйига меҳмонга келгандек ҳали ҳам қуймоқни тушираётган эди-я.

— Йўқ, энди бўлди,— деди каттакон қўлларини стол қиррасига қўйиб. Варварага кўзларини қисиб:— Агар бошқачароқ нарса топганигда-ку қойилмақом бўларди-я!..

Варвара чаққонлик билан икки ярим литрлик идишда қип-қизил мусалласни унинг ёнига қўйди. Йигитнинг кўзлари ўйнаб, икки қўлини бир-бирига

ишқанга тушди. Мусалласни бог чеккасига яшириб қўйилган жойдан масленица туфайли эрталаб келтириб қўйган, Павел келгунгача Жоркадан яшириб турганди. Бўлмаса бу ҳам аллақачон ҳазм бўлиб кетарди.

Кулча юзли қичқириб юборди:

— Ўз узумингданми?

Варвара ғурурланганнамо:

— Бўлмасам-чи!— деб тасдиқлаб қўйди.

Йигит мусалласни қўлига олиб томоша қилар, Дон устидаги оқшомги шафақдай қизғиш тобланишини кузатар, ҳатто ҳидлаб ҳам кўрарди. У тўсатдан Варварага:

— Стакан келтир!— деб шундай буйруқ қилдики, овозига қора мўйловли йигит ҳам уйғониб, кўзлари катта-катта очилиб кетди.

Столда дарҳол тўртта стакан муҳайё бўлди. Кулча юзли йигит шишанинг ёғоч қопқоғини очишга тутиниши билан унинг қўллари устига командирнинг катта қўллари келиб тушди.

— Ҳозир вақти эмас. Кейинроқ.

— Кўтариб юрамизми, ўртоқ лейтенант,— шикоятнамо гапирди кулча юзли.

— Ҳечқиси йўқ, фляжкаларга қуйиб оламиз.

— Кўп эмас, ҳар биримизга уч стакандан тўғри келади, холос.

— Мен ҳозир вақти эмаслигини айтдим шекилли.

Командир шундай деб ўрнидан туриб, қадини ростлади, бармоқлари билан камарини тўғрилади. Варваранинг қўлидаги ёғоч қошиқ ёғ идишининг тагига тарақлаб тушиб кетди. У бу дақиқани орқароққа чўзишга ҳар қанча уринмасин бари бир етиб келди. Командир наиросини чекиб тугатди. Кулча юзли қуймоққа роса тўйди. Қора мўйловлиси бир мизғиб олишга ҳам улгурди. «Укажон» эса Павелнинг асбобларида соқолини қиртишлади. Трюмо олдида туриб

навбатма-навбат икки бетини шишириб, лезвие билан охирги мўйларни олиб ташлади. Жорканинг тақдири ҳал бўладиган дақиқа ҳам келди.

Рус командири унинг ёнига келиб, яна пиймаси учи билан шнапсдан бўшаган шишани думалатиб кўрди.

— Бунини нима қилдинг-а, энди?.. Смершдаги маълумотларга қараганда энг қонхўри бунинг акаси.

Мўйловли йигит ҳам Жорканинг тепасига келиб:

— Акасини қўлга туширолмадик-да! Ушаниси Красин шахтасида одамларни тириклайин чуқурга ташлатиб кўмдириб юборган экан.

Кулча юзлис бўлса:

— Буниси ҳам акасидан қолишмайди,— деди.

— Уни ўзимиз билан олиб кетишимиз мушкул,— ўйланиб гапирди командир.

Улар Жорканинг тепасига тўпланиб, худди унга ҳеч қанақа алоқаси йўқ гапни гаплашаётгандай маслаҳатлашишарди.

— Худди тўнғизга ўхшайди-я!

— Ўзиям бир центнер, балки ундан ҳам ортиқроқ чиқар.

— Бошқача чораси йўққа ўхшайди...— деб командир хулоса ясади.

Трюмо олдида тургани чип-чиннидай қилиб қиртишланган, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган юзини ўгириб, шошиб гап қўшди:

— Йўқ, бундай қилмаслик керак.

— Бўлмаса қандай таклифинг бор, укажон?— кулимсираб сўради командир.

— Ўзимиз билан олиб кетганимиз яхши, қолганини ўша ерда, Смершда ҳал қилишади,— деди бир оз бўшашиб укажон.

Варваранинг кўзи олдида ўғлини нима қилиш кераклигини қизгин муҳокама қилишарди. Жойида ўлдирган яхшими, қандайдир Смерига элтган дурустми — шу тўғрида баҳслашишарди. Қаерга олиб боришганда ҳам бари бир ўлдиришади. У эса жигарпорасини қутқара олмайди. Ким ҳам қулоқ соларди унга! Оғзига латта тиқилган ўғли бўлса бу гапларнинг ҳаммасини эшитиб ётар, косасидан чиқай деб турган кўзлари тўрт томонга олазарак тикиларди. Унинг кўзлари она нигоҳига рўбарў келганда шундай илтижо ва нола билан тикилдики, Варваранинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди.

Йўқ, она ўз ўғлини ҳимоясиз аҳволда ташлаб қўя олмайди. Бу унинг оналик бурчи. Қай ўғлини кўпроқ суюши, раҳматли отасига ўхшайди деб ардоқлаши бошқа масала. Ҳозир унинг ёрдамига шулардан биттаси, кичкинаси муҳтож бўлиб турибди. У, албатта, ёрдам беради. Улар мени қариб қолган, қўлидан бирор иш келмайдиган хотин деб ўйламай қўя қолишсин.

Уй деразасидан қишлоқнинг юқори ва қуйи қисмларини ажратиб ўтадиган чуқур Исаев жари ёқалаб кетган паст-баланд йўл кўриниб турарди. Йўл баланд-паст бўлганлигидан унинг тепалик орқасидаги қисмлари киши нигоҳидан ташқарида қоларди. Барвара қанчалик разм солиб қарамасин, тепаликларда ҳам, йўлда ҳам қимирлаган жон қорасини кўролмади. Ҳатто қишлоқ итлари ҳам кўринмас — уларни немис солдатлари аллақачон қириб ташлашган эди.

Агар Шурка нариги хутордан отасини топса гизиллаб етиб келиши зарур бўлган одамларнинг шарпаси ҳамон кўринмасди.

Тополмадимикан? Йўқ, набираси Павелни, албатта, топиши керак. Чунки у эрталаб немис солдатлари турган мактаб ҳовлисига кетатуриб, онасига қуймоқ пишириб, ҳали разведкачиларга вақтни чўзиш мақса-

дида олиб чиққан икки ярим литрлик идишдаги му-
салласни боғ чеккасига кўмилган жойидан ковлаб
олиб, уйга келтириб қўйишни буюриб кетган эди. Бу-
ларнинг ҳаммаси бекорга кетди. Шунча ажойиб му-
саллас бекорга исроф бўлди-я. У жар ортидан тез
орада етиб келиши лозим бўлган одамларнинг шарпа-
сига диққат билан қулоқ солар, шу билан бирга Жор-
канинг тепасида турган разведкачиларнинг ҳар бир
сўзини уқиб олишга интиларди.

— Уни кўтаришнинг ўзи бўлмаса керак.

— Фашистнинг овқати уни ҳўкиздай семиртириб
юборибди.

— Йигитлар, ундан қанақа ҳид келаётганини бил-
япсизларми?

Мўйловли йигит Жорканинг устига энгашиб, ни-
магадир тикилиб қаради ва тўсатдан бармоқлари
билан бурнини беркитиб, ўзини шартта орқага
олди.

— Ростдан ҳам ичи ўтиб кетибди. Ҳаммалари
жирканиб, газаб билан каравотдан узоқлашишди.

— Аблаҳ, ётган жойида ўхшатиб қўйибди-я!

— Ўлимдан қўрқади, арақхўр газанда!

— Кимнинг раҳми келса, ўша одам уни штабга
элтади.

Жорканинг кайфи аллақачон тарқаган, у ҳаёти-
да ҳеч қачон ҳозиргичалик ҳушёр бўлмагандир бал-
ки. Онаси ёш оқаётган кўзларидан буни аниқ сезди.
Ҳозир рўй берган ва разведкачиларнинг газабини кел-
тирган ҳол эса янгилик эмас эди. Кўп ичган пайтла-
рида илгарилари ҳам тўшагини ҳўллаб қўярди.
Ҳозир эса у бутунлай бошқа нарсадан шу аҳволга
тушганлигини онаси яхши фаҳмлади.

— Бўлмаса, Владимир, сен ўзинг овозини чиқар-
май тинчитарсан, — командир қора мўйловли йигитга
шундай деди-да, қўлини силтаб Жорканинг караво-
тидан узоқланди.

Шу онда узоқдан гувиллаб машина овози эшитилгандай бўлди, Варвара синчиклаб қараса ҳақиқатан усти брезент билан қопланган катта машина паст-баланд йўллардан лапанглаб келяпти.

Ҳозир разведкачилар ҳам машина келаётганини сезишади. Жорканинг тақдири ҳақида гаплашаётганликлари учун улар ойнага тескари туришганди, лекин энди албатта эшитишади машина овозини. Варвара кўзанинг четидан ушлаб кўтарди-да, полга ташлаб юборди. Ҳаммалари баравар унга қарадилар, командир эса жаҳли чиқиб:

— Нима бало қияпсан, хўжайка?!— деди.

— Ҳовлиқмай мен ўлай!— деди сопол парчаларини йиғиштириб оларкан. Шу вақт машина девор орқасига етиб келиб, кўчада оҳиста тўхтаганини эшитди. Оёқ кийимларининг музлаган ерга тўқиллаб урилгани қулоққа чалинди.

Кулча юзли дарҳол дераза томонга ўгирилиб:

— Немислар!— деб хабар берди-да, хотинларга ўхшаб қўлини тиззасига қўйиб чўк тушди. Деразадан кўчадаги кул ранг шинеллар кўзга ташланди. Немис солдатлари уйни ўраб олишарди.

Разведка командири кўча томонга кўз ташлаб олгач, колхознинг узумзор боғларига қараган иккинчи дераза томон ташланди, елкаси билан деразани уриб тушириб, қўлига граната олди.

— Орқамдан!

Дераза ойнаси чирсиллаб, дув тўкилди. Командир ортидан мўйловли ва кулча юзли икки разведкачи ҳам ўзини ойнага урди. Фақат укажонгина ҳали уйда эди. Автоматини тўғрилаганича, Жорка ётган томонга ўтирилди, лекин қаршисида Варвара пайдо бўлиб, эшикни тўсди. Аёлни отиб ўтиб кетса бўларди, лекин у салгина фурсат иккиланиб, тўхтаб қолди. Ташқарида гранатанинг порглагани эшитилди. Разведка командири ойнадан бошини тикиб:

— Укажон, тезроқ чиқ!— деб бақирди-да, кўздан йўқолди.

— Боғ томонни тўсинглар, боғ томонни,— деб қичқирарди Павел ғазаб билан.

Нулемётнинг қаттиқ, калта-калта тириллагани қулоқни қоматта келтирди.

Шунда укажон ҳам кескин бурилиб, шинели бари қанотдай икки ёнга ёйилганча, ҳовлига қараган ойнадан ўзини отди.

Варвара Жорканинг устига энгашиб, арқонни ечарди.

— Ойи, пичоқ билан кесиб ташланг, пичоқ билан!— қичқирарди фигони чиқиб Жорка.

Арқон яп-янги бўлганлиги учун рўзгорга ярани мумкин эди. Бироқ усталик билан маҳкам боғланган арқонни ечиш қийин эди. Жорканинг бутун гавдаси каравот билан бирга силкинар, онасини хассисликда айблаб, башарасига бўралаб сўкарди. Она арқоннинг тугунини ечолмай, ўткир ошхона пичоғида қирқиб ташлагач, Жорка кийинмасданоқ, фақатгина кул ранг жуп пайпоқда ўзини сўнгги разведкачи чиқиб кетган деразага отди.

Варвара ўқ овози узоқлашгач, ҳовлига чиқди. Граната портлашидан ҳовли ўртасидаги қор музлаган ер ларчалари билан қоришиб кетган эди. Оппоқ ларвон эса худди биров терисини шилгандек буткул ўз рангини йўқотибди. Немис солдатларининг: «Фойер!», «Хальт!» деган овозлари колхоз узумзорларидан тобора станица томон узоқлашиб борар, Жорканинг:

— От, Паша, қочиб кетади! Отақолсанг-чи!..— деб ҳўнграб йиғлагани эшитиларди.

Кетма-кет ўқ овозлари янгради. Иккинчи ўқ тошунидан кейин кимдир зорланиб қичқирди.

Қинпоқ устида нурсиз февраль қуёши қимир этмай қотиб қолгандай эди.

Барвара бирор дайди ўқ ёки осколка сигиримга зарар етказмадимикан деб, молхонага қарамоқчи бўлди. Хайрият, сигири ўз охури олдида, пичан кавшаб турган экан. Барвара чўчиб тушди. Илиққина пичаннинг ҳиди анқиб турган қоронғи молхонадан қандайдир товуш эшитилди:

— Онажон, нарвонни олиб қўйинг, мени айтманг уларга. Менинг ҳам онам бор. Онажон, нарвонни тезроқ тушириб, бу ердан тезроқ чиқиб кета қолинг.

Барвара тўртинчи разведканинг узоққа кетолмаганини биларди, чунки аллақачон боғ томонни тўсиб қўйишганди. Бу Жоркани каравотга боғлаган, оғзига латта тикқан, сўнг уни бу ерда ўлдирмаслик кераклиги ҳақида акаси билан талашган разведкачи эди. Барвара молхонага кириши биланоқ нарвон жойидан силжиб қолганини, сигир ҳам қулоғини динг қилиб нимадандир безовталанаётганини пайқаган эди.

— Онажон, тезроқ кета қолинг, улар келиб қолишди, — ташвишланиб пичирлади разведкачи.

Энди у пичан устида пар тўшакда ётгандек ётар, унинг ўғли эса оғзига латта тикиб қўйилганидан ғиқ этолмаган, ўлим талвасасида фақат кўзларинигина жавдирата олганди. Сигир бошини эгиб, худди сузмоқчидай шохини товуш эшитилаётган бурчакка қаратиб турарди.

— Ёш болам билан хотиним ҳам бор. Мени айтиб қўйманг! — шивирларди разведкачи.

Барвара қўлини сигирнинг шохлари орасига обориб, оқ қашқасини силаб қўйди.

— Тинчлан, Зорька.

Ташқарида қадам товушлари, овозлар эшитилди. Барвара нарвончани ўз жойига, пастга олиб қўйиб, молхонадан чиқди. Ўғиллари боғдан қайтиб келишган, рус разведкачилари қутулиб кетилганини алам билан гапиришарди. Ҳаммасига ярим соатгача маши-

нани юргиза олмаган малла немис сабабчи бўлди-да. Аксига олиб ҳеч кимнинг отган ўқи мўлжалга тегмади, фақат Павелгина разведкачилардан биттаси булоқдан сакраб ўтаётганда тиззасидан отди. Разведка командири билан яна битта бошқаси гранаталар билан ҳужумни қайтариб, узумзорлар орасидан қочишга улгурди. Бири бўлса нақ айиқполвонга ўхшаб буталар орасига шўнғиб кетди. Немис солдатлари оберлари билан бирга уларни станица томонга қувиб кетишди. Павел билан Жорка эса, тўртинчи разведкачи шу атрофга яширинган бўлиши керак, деб орқага қайтишибди. Жорка уларнинг тўрт киши эканлигини яхши эслар, шу туфайли акасига йиғламсираган овоз билан:

— Улар столнинг тўрт томонига ўтириб қуймоқ ейишди, кейин биттасининг қорни тўйгач, сенинг ускунаңда соқолини олди. Қочиб қутулиши мумкин эмас, чунки у ойнадан энг кейин сакради.

— Балки қўрққанинғдан кўзингга тўртта кўрингандир?— Кулиб сўради Павел шубҳа аралаш.— Ахир сен маст экансан-ку!

— Мастлигим қоптими! Менинғ ўрнимда бўлганингда сен ҳам шундай ҳушёр тортиб қолардинги. Мана, ойим ҳам тасдиқлашлари мумкин, ахир уларни қуймоқ билан меҳмон қилдилар-ку. Акажон, уни албатта тириклайин қўлга тушириш керак. Мен соқолини олган ўша азаматни бир кўриб қўйишим керак. Ойи, сиз кўргандирсиз балки, у қаёққа кетдийкин?

Жорканинғ пастки жағи сўлжайиб, юзлари лимонга ўхшаб саргайган, кўзлари нариги дунёдан келган арвоҳга ўхшаб нурсиз бўлиб қолган эди.

Ҳақиқатан ҳам у жаҳаннам ёқасидан қайтган эди.

— Ойижон, сиз унинг қаерга яширинганини кўрган бўлишингиз керак,— яна суриштирди у.

— Бизга улардан фақат биттаси бўлса кифоя,— тушунтирди Павел.

Қўшни хотин деразасидан улар уй билан молхона ўртасида, қорни топтаб, гаплашаётганларини кўриб турарди. У Варваранинг атрофига бир аланглаб олиб, бармоғи билан орқасидаги молхона эшигига ишора қилганини кўриб ўз кўзларига ишонмади.

Улар бу разведкачини тириклайин қўлга туширишмоқчи эдилар, шунинг учун ҳам унга саройдан чиқишни буюриб, бақаришди. Лекин у таслим бўлмади. Унда автомат бор эди, ўқни тежаб ишлатиб, акаукани сарой эшигига яқин келтирмади. Павел билан Жорка молхонада сигир борлиги учун ўт очишга хавфсирашарди. Варвара ўғиллари олдида у ёқдан-бу ёққа гирдикапалак бўлар, уларнинг қўлларидан ушлаб, ичкарида Зорька борлигини эслатарди. Ғазабланган Павел ҳатто бир гал милтиқ қўндоғи билан онасининг кўкрагидан туртиб юборди. Шундай бўлса ҳам Варвара милтиқнинг тасмасидан ушлаб қолишга улгурди — ўқ бошқа томонга отилди.

Бу манзара то бошқа разведкачиларга етолмаган обер бошчилигидаги немис солдатлари қайтиб келгунларича давом этди. Аввалига обер ҳам совет разведкачисига таслим бўлишни буюрди. Молхонадан немисча аралаш болхонадор рус сўкишлари ва ўқ овози эшитилгач, обер молхонани ўт олдирувчи ўққа тутишни буюрди. Молхонанинг порохдай қуруқ томи хаш-паш дегунча ловиллаб кетди. Қишлоқ устида аланга кўтарилди. Тез орада Табунчииковларнинг музлаган ҳовлисида кўчага жилдираб сув ҳам оқа бошлади. Сўнгги ўқларини отиб бўлган разведкачи колхоз боғларига яшириниш умидида саройдан чопиб чиқди, лекин мақсадига етолмади. Павел уни яқиндан туриб мўлжалга олди. Жорка бўлса, разведкачи қула-

гандан кейин ҳам анча вақтгача пистолетдан мурдага ўқ отди, кул ранг жун пайпоқли оёқлари билан разведкачини тепкилар, топтар, айниқса ўлими олдидан ҳафсала билан қиртишлаган юзини мўлжалга олишга интиларди.

Варвара бўлса бир амалаб сигирни қутқариб қолди. Варвара ўғилларининг қўлидан сирғалиб чиқиб, аланга тобора авж олаётган молхонага ўзини урди. Сигирни ташқарига олиб чиққан заҳоти молхона босиб қолди. Ўғиллари Варварани ерга ағанатиб, қор устида думалатишар, ёнаётган кийимларини ўчиришарди. Обер бошчилигидаги немис солдатлари бу манзарани кузатиб, қўлларини биқинларига тираб шундай хахолаб кулишардики, уларнинг ёдига Доннинг нариги тарафидаги ўрмонда қиш вақтида бўлган шундай воқеа тушиб кетди.

Ярим соатдан кейин ҳаммалари стол атрофидан жой олишган, Варвара эса худди рус разведкачиларини меҳмон қилгани сингари иссиқ қуймоқ билан сийларди уларни.

Паулюснинг 6-армиясини қуршаб олиб, орқада қолдирган совет қўшинлари Дон дарёси бўйига чиқиб, икки қирғоқ бўйлаб пастга — Ростов томон ҳужум бошладилар. Вербний қишлоғини Задонья томондаги пастликдан келиб эгалладилар. Ҳужум олдидан бутун шахсий состав яп-янги сариқ калта пўстинлар билан таъминланганди. Ҳужум қилувчилар душман пулемётларининг ўқларига дуч келиб ним кўкимтироқ қор билан қопланган ерда ётиб қолганларида ўнг қирғоқдаги қишлоқ ва станицаларнинг аҳолиси наздида февраль ойида сариқ лолалар очилгандай кўриниб кетди.

Душман ўнг қирғоқдаги тепаликларга жойлашиб олиб, пулемётлардан тўхтовсиз ўт очиб турганига қарамай, қўшинларимиз Донни кечиб ўта бошлашди. Ҳаммадан олдинда, муз устида калта пўстин устидан



оқ халат кийиб олган лейтенант чопиб келарди. Бу уч кун олдин Вербнийдан зўрға қочиб қутулган ўша разведка бошлиғи эди. Лейтенант кул ранг ҳарбийча қулоқчини устидан оппоқ капюшон кийиб олган, лекин янгигина ёққан февраль қори олдида оқ халат ҳам довга ўхшаб кўринарди. Немис пулемётчилари лейтенант ўзини деярли панага урмаса ҳам уни мўлжалга ололмаётганликларидан хуноб эдилар. Донни босиб ўтишаётганда у бор-йўғи бир марта ёнбоши билан ерга ётди, яна бир марта чўккалади, ўшанда ҳам буни қўл пулемёти билан қишлоқни ўққа тутаётганда қилди. Бошқа вақтда эса тикка чопар, аҳён-аҳёнда орқасидан югуриб келаётган жангчиларни қўли билан олға ундарди. Улар музлаб ётган совуқ ўринда бевақт ўлишни хоҳламаганликлари учун эмас, балки барваста гавдали командирларининг катта одимларига етиб юролмаётганликлари учун орқада қолишарди. Ўзиям ҳар бир қадами бир саржин эди-да. Гўё Донни ҳатлаб ўтаётгандек туюларди.

Лейтенант қишлоққа тезроқ кириб боришга шошилди. Кўнглида қандайдир умид учқунлари сақланганди... Кунгабоқарга ўхшаш кулча юзли Семён Гончаров богда душман ўқидан йиқилгандан кейин разведкачилар группасидан фақат тақдири ҳозиргача номаълум бўлган укаси, укажониси Алексейгина қолганди. Немислар уни қўлга туширдиларми ёки бирон йўлини топиб қочишга улгуриб, қаердадир пайт пойлаётими — булар лейтенантга қоронғи эди. Ҳужум вақтида қийин аҳволга тушиб қолган разведкачиларни ерлик аҳоли яширган, кейинроқ эса, ўзимизникиларга қўшилиб ҳужумни давом эттириб кетган ҳоллар бошқа жойларда кўп бўлган-ку, ахир. Башарти бошқа разведкачиларга ўлим чангалидан қутулиб кетиш насиб этган экан, нега укаси Алёшага бахт кулиб боқмаслиги керак. Унинг бошқалардан қасри кам. Агар унга бирон гап бўлган бўлса, душман вақтинча

босиб олган Азовда ҳар бир отишма овозига қулоқ солиб, ҳар иккалаларини интизор кутиб ўтирган ўқитувчи оналарига ғоят қийин бўлади.

Лейтенант қаддини баланд тутиб, жангчиларини қўли билан олға ундаб бутун Донни кесиб ўтди, йўл бўйи душман ўқи уни йиқита олмади. У қишлоққа биринчи бўлиб кириб келди, ҳар замонда тиззасига чўккалаб, қияликда даштга қочаётган кул ранг-кўкиш шинеллиларга қўл пулемётидан ўт очарди.

Бироқ унга хутор чеккасида, қишлоқ узумзор билан қўшилиб кетадиган ерда янгигина қазилган дўнгни кўрсатишди. У ҳаммасига тушунди...

Ака-ука Табуншчиковлар укасининг мурдасини ҳовлидан колхоз боғига судраб чиқиб, полицаи қиличи билан шунчалик қиймалашибдики, кўмишга арзийдиган бирон бутун жойи қолмабди.

Одамлар қон билан бўялган қорда қолган-қутган парча-пурча этларини бир жойга йиғиб, атрофига музлаган ер парчаларини тўплашибди, устини қор билан кўмиб, боғдаги булоқ сувидан қуйишибди. Қабрнинг усти музлаб, қотиб қолибди.

Қабр тепасида бошини чангаллаганча унсиз тебранаётган лейтенантнинг ҳолига ҳамма йиғларди. Укасининг ўлими учун ўзини, бунчалик шафқатсизлик кўрсатган душманни лаънатларди. Разведкачилар маҳаллий аҳолидан бу ўлимнинг асосий гуноҳкорини билиб олишди. Аҳоли эса разведкачилардан ўлган йигит лейтенантнинг ягона укаси эканлигини, улар урушининг биринчи кунидан бошлаб фронтда бирга жанг қилиб келганларини эшитишди. Лейтенант бошини чангаллаганча февраль қуёши шуъласида ҳаво ранг тусда товланаётган муз қабр устида овоз чиқармай нола қиларди.

Дон устида қишқи боғларнинг сукупатини бузиб янграган салют садолари лейтенантни ўзига келтирди. Самбиттолларнинг шохига илиниб турган қорлар ерга

дув тўқилди. Лейтенант бошини кўтарди, кўзлари нурсизланиб, хира тортганди. У сал қадди букилганча тўғри Табуншчиковлар уйи томон юраркан, қўли билан калта иўстини тагидаги пистолет қинини пайпасларди. Унинг кетидан, оқ қор узра сузган қора тўлқиндай, маҳаллий аҳоли ҳам жимгина эргашди.

Лейтенант Варвара Табуншчикованинг уйига етганда қўли билан йиғилганларга тўхтанглар ишорасини қилди. У пистолет қинини очиб, зинадан кўтарилди. Совуқда унинг оёғи остидаги зиналарнинг ғирчиллаши эшитиларди.

Дераза қопқоқлари маҳкам беркитилган, зулфин билан мустаҳкамланган эди. Лейтенант оёғи билан эшикни тепиб очди, энгашиб ичкари кирганича, горга тушгандек йўқ бўлиб кетди.

Халойиқ ярим доира бўлиб кўчада турарди. Одамлар оғзидан чиққан буг туташиб осмонга интиларди. Улар афтидан уй ичидан ўқ овози янграшини, ўлим талвасасидаги фарёд эшитилишини кутишарди. Балки, лейтенантнинг чидами бардош берса, укасининг ўлими учун даҳшатли хотинни қасоскор қўллари билан гирибонидан бўгганча ташқарига судраб чиқиб, ҳамманинг кўзи олдида ўч олар. Лейтенант шундай олганда ҳам аёлга ҳеч кимнинг заррача раҳми келмаган бўларди.

Уйдан эса эшикларнинг тарақлашию қадам товушининг акс-садосидан бўлак на ўқ овози, на фарёд эшитилди. Одамлар кутганидек лейтенант забардаст қўллари билан Варвара Табуншчиковани ташқарига судраб чиқмади. У пистолетини ушлаганча ёлғиз ўзи пайдо бўлди.

— Алвасти қочиб қопти! Қидирилсин! — у бу гални деярли шивирлаб айтса ҳамки, ҳамма эшитди.

Разведкачилар тушгача нафақат Табуншчиковларнинг уйи ва ҳовлисинигина, балки бутун қишлоқни титиб чиқарди. Лейтенантнинг ўзи эса чордоқдаги галла

ғарамини белкурак билан титиб кўрди, ертўладаги нарса тузланган бочкалар орқасидан ўн бир ёшли Ольга-ни етаклаб чиқди, унинг иягидан ушлаб мурдадек оқариб кетган башарасига бир тикилди-да, қорға итариб юборди. Қўшни аёл эса уни ўз уйига етаклаб кириб кетди. Аҳоли разведкачиларга чин кўнгилдан ёрдам берди, пичан ғарамлари орасини паншаҳа билан титишди, қараш мумкин бўлган барча жойларни синчиклаб кузатишди. Варвара Табуншчиковани эрталаб ўз ҳовлисида кўришган экан. Ҳозир эса у еру кўкда йўқ.

Бу вақтда совет қўшинлари ҳужумининг тўлқини аллақачон қишлоқдан нари ўтган, тепаликка кўтарилиб, ундан даштга, наслчилик совхози ва Шахта шаҳари томон жадаллаб борарди. Разведрота командири бўлган лейтенантни қидириб топган мотоциклчи унга қандайдир пакет бериб кетди. Пакетни очиб кўрган лейтенант дарҳол ўз разведкачиларини йиғиб уларни қишлоқдан дашт томон кўтарилиб борадиган Исаев сойлиги бўйлаб наслчилик совхозига олиб кетди.

Бош яланг бир хотин телбаларча қўллари билан бошини ушлаганча уруғчилик совхозидан Донга қуйиладиган Исаев сойи бўйлаб Вербний қишлоғига чопиб кетмоқда.

— Вой яшшамагур лаънати-лар-э! Нималар қилишайпти-я, ўзи! Ўғилларимиз ҳар қадамда тутдай тўкилиб ётибди-ку.

Хотиннинг орқа томонидан автоматларнинг узук-юлуқ тариллаши, милтиқларнинг қарс-қурси, гранаталар гүмбурини босиб пулемёт сурункасига тарилларди. Наслчилик совхози учун жанг борарди. Доннинг нариги ёғидан Шахта шаҳрига ҳужум қилиши керак

бўлган Сибирь дивизияси совхозни бир ҳамлада ололмаганди. Ҳужум бир оз сусайди.

Бу ерда тош уюмлари кўп бўлганлиги учун ҳам ҳужум қийинлашди. Немисларнинг ўт очиш нуқталари ана шу тош уюмлари орасига ўрнашиб олган, ўнг соҳил эса уларга кафтдек яққол кўриниб турарди. Ўрмон минтақасидан сибирликларнинг қораси кўринди дегунча душман пулемётлари қақшатғич ўт очарди. Совет танклари ва пушқалари эса музлаган Дон устидан эндигина ўтмоқда эди.

Совхоздан Вербний қишлоғига телбаларча чолиб келаётган хотинга бутун йўл давомида фақат бир киши, қўлида корзинка кўтарган, кўк йўлли жигар ранг рўмолини кўзларигача тушириб ўраб олган аёл учради, холос.

— Бувижон, сиз Вербний қишлоғидан келаётганингиз йўқми?— деб сўради хотин корзинкали хотиннинг ёшини аниқлолмай.

Ҳамма ёғини ўраб-чирмаб олган аёл хотиннинг кўз ёшлари оқиб тушаётган юзларига диққат билан тикилиб, саволга савол билан жавоб берди:

— Болам, сенга Вербний қишлоғидан ким керак эди?

— Ҳув анув ерда, совхозда вербнийлик қандайдир ака-ука Табуншчиковлар ўзимизнинг сибирликларни пулемётдан қақшатишяпти. Немисларнинг деярли ҳаммаси аллақачон Артёмга чекиниб бўлди, улар бўлса ўз қонлари, рус қонини тўкишяпти-я! Озмунча одамнинг бошини ейишмади. Ердаги қор қип-қизил қон бўлиб кетди.

— Йўқ, оппоғим, мен Вербнийданмасман,— деб қатъий жавоб берди-да, хотиннинг ёнидан ўтиб, Исаев сойи бўйлаб наслчилик совхозига жўнаб кетди. Бош яланг хотин бўлса унинг кетидан бирпас қараб турди-да, шу сой бўйлаб, фақат қуйига, Вербний қишлоғига чопди.

Барвара Табуншчикова қишлоқдан қочишни хаёлига ҳам келтирмаган, лейтенант кирган вақтда уйда бўлмаслигига набираси Шурка сабабчи бўлганди.

У ҳеч қаёққа қочмоқчи эмасди. Павел билан Жоркага разведкачи яширинган молхонани қўли билан кўрсатганини ҳеч ким сезмаганига аниқ ишонарди. Шундай бўлгач, ўз уйидан қочишга унингча ҳеч қанақанги асос ҳам, сабаб ҳам йўқ эди. Анча ёшга бориб қолган она ўз ўғилларининг қилмиши учун жавобгар эмас... У русларнинг немисларга ўхшаб хотинлар билан жанг қилмасликларини яхши билади. Уйдаги бутун мол-дунёси, сигири, боғи, ҳовлига кўмиб қўйилган вино тўла бочкаларини ўз ҳолига ташлаб қочишга, бор бисотининг талон-тарож бўлишига йўл қўймайди у. Уни ҳеч ким, ҳеч қаерда кутмаслигини билади. Уйинг-ни бир кунга ҳоли қолдирсанг борми, ғалладондаги ун, чордоқдаги буғдой у ёқда турсин, сандигингда ҳам, ертўлада ҳам ҳеч вақо қолмайди. Павел немисларнинг катта машинасида буғдой олиб келиб чордоқни тўлдириб қўйибди. Тайёр ошга баковуллар ҳамма вақт топилади, буғдой эса уларнинг оиласини бир неча йил таъминлайди. Буларнинг ҳаммаси нима билан тугаши ҳали ҳам ноаниқ. Ўтган йили немислар Ростовдан чекиниб, сўнг ўзларини тутиб олишган ва русларни Волгагача қувиб боришган эди. Павел ҳам кеча немис машинасига ўтираётиб, ҳеч қаёққа жилмасликни тайинлаган эди-ку.

— Ойи, биз узоққа кетмаймиз!— деб қичқирганди машинадан.

Бир нарсани билгандирки, шундай деди. У ёғи нима бўлганда ҳам, ҳар қалай кенжаси Ольга ёнида бўлади-ку. Бу уй, бутун мол-мулк совет қонунларига кўра унга қарайди. Акалари нималар қилгани билан унинг иши нима. Ёш бир гўдакни хафа қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Агар шундай қилинса, Барвара

энг каттасингача боради. Бунинг ҳожати ҳам бўлмаса керак, зеро руслар болаларни яхши кўришади.

Агар Шурка бўлмаганда, фронт қишлоқдан ўтиб кетгунча қизи Ольга билан ертўлада ўтираверарди. Набираси туфайли уйи ва Ольгани оқ кўнгилли қўшнисининг ихтиёрига ташлаб, Исаев сойлиги бўйлаб совхозга кетяпти.

Шурка ҳар тарафдан ўқ ёғилиб турганига қарамай, ўртоқлари билан бутун қишлоқ ва атроф-тевракда изғиб юриб наслчилик совхозидан Павел ва Жоркадан хабар топиб келди. Бутун аҳоли ертўла-ларда ҳар икки томондан узилган снарядлар тепала-ридан чувиллаб ўтаётганини, дашт бўйлаб тарилла-ётган пулемётлар овозини қаердадир олисда, Раздорск станицаси атрофларида бўлса керак, Донга тушиб портлаётган бомбалар гумбурини эшитиб ўтирарди. Раздорск яқинидаги музлар аллақачон ағдар-тўнтар бўлиб, дарёда қоп-қора энли сув йўли пайдо бўлган эди. Унг қирғоқдаги тепаликдан портлаш натижаси-да осмонга стилган фонтанларнинг қиш қуёши нурида ярқираб пастга интилаётганини бемалол кузатса бў-ларди.

Ўқ овозлари тинган вақтлардагина аёллар қўрқа-писа ертўладан чиқар, кимда сигири сақланиб қолган бўлса, уни соққани молхонага югурар, чор атрофга аланглаганча, Донга тушиб, муз тешилган ердан че-лак билан сув оларди. Шошилиб бўлса-да, болаларга бирор овқат тайёрлаш, қоринларини тўйдиришлари керак-ку, ахир.

Фақат болаларга, айниқса ўғил болаларга ўлим хавфи бегона эди. Дон ва дашт устида давом этаёт-ган, оппоқ қорларни қонга бўяган ҳаёт-мамот жанги гўё болаларга илгари ўйнаб юрган ўйинларининг да-вомидай туюларди. У вақтларда оталари ўз милтиқ ва тўлпончаларини ушлашга, қуроолларини елкалари-га осиб, затворларини шақиллатишга рухсат бери-

шарди, эски қалпоқларидаги нишон ва юлдузчаларини ҳады этишарди. Ўйинларининг давоми болаларга рostaкам ўйинларининг ўзидан ҳам қизиқроқ туюларди. Чунки илгари оғизларида «та-та-та», «пақ-пақ-пақ»лашни ўрганиш, ҳужум вақтида ўлганга ўхшаб кўкракни ушлаб, гандираклаб, мукка тушиб йиқилишни машқ қилиш лозим эди. Ҳозир бўлса бутун дашт бўйлаб рostaкам «та-та-та» таралар, ўқлар галла шопираётгандагидек бош устидан ҳуштак чалиб ўтар, атроф шундай пақиллаб-қарсиллардики, деразаларнинг ойнаси дув тўкилар, ўқ еб қулаганлар эса ўйин пайтида ўртоқлари: «Петька, тур! Тура қолсанг-чи... Чопдик!» деганидагидек ўйинни яна давом эттириш учун бошини кўтариб ўрнидан туриб кетмасди. Ўйиннинг давоми яна шунинг учун ҳам қизиқ эдики, болалар ўзларини кўрққанга ўхшатишлари шарт эмасди. Ҳақиқатда жуда кўрқинчли эди. Шу туфайли болалар ўйинининг давоми ўйиннинг ўзидан кўра қизиқарлироқ эди. Ҳақиқий урушда қоида бўйича фақат катталар ўлади деган тушунчага эга эдилар, ўзлари ҳам ўлишлари мумкинлигини эса хаёлларига келтиришмасди. Оналарининг қатъий таъқиқлашлари, дўқ-пўписаларига қарамай, болалар бир амаллаб ертўла ва чуқурлардан қочиб қолишарди. Қочганда ҳам гумбур-гумбур авжга минган, ер, қор, сув фонтан янглиг кўкка кўтарилаётган, олов уйларни, похол гарамларини, боғлардаги дарахтларни алангалатиб, баҳорий офтобдек қорларни сувга айлантираётган жойларга югуришарди.

Табийки, Шурка Табуншчиков ҳам қишлоқдаги ўртоқларидан орқада қолмасди. Шундай қилиб, у ертўлада ётган Варварага ўғиллари — отаси Павел билан амакиси Жорка ҳозир наслчилик совхозида эканлиги ҳақидаги хабарни топиб келди.

Шурка ертўла эшиги олдида пайдо бўлиши билан

Барвара унинг қулоғидан чўзмоққа чоғланди, лекин зеҳили набира бу ҳаракатнинг олдини олиб:

— Буви-чи, буви! Дадамлар билан Жорка амаким яхши юришганини айтиб юборишди. Ҳозир иккалалари ўша ерда битта пулемётдан роса отиляпти. Бизникилар станицадан кўриниши билан шартта отишяпти...

Барвара набирасини тўхтатиб сўради:

— Шура, бизникилар деганинг кимлар?

Ҳамма ўртоқлари кимни бизникилар деб атаса, набираси Шурка ҳам ўшаларни бизникилар дерди, шунинг учун ҳам буви си нима учун қайта сўраётганига ҳайрон бўлди.

— Ануви, ҳалиги... руслар-да. Дадамлар билан Жорка амакимнинг овқатлари тамом бўпти. Немислар ҳамма полицайлари совхозда қолдириб, ўзлари Шахта шахрига кетиб қолишяпти.

Барвара бу сўзларни эшитган заҳоти йўлга отланиб қолди. Албатта, ўғилларига овқатни Шурканинг ўзидан бериб юборган маъқул эди-я — йўлда уни ҳеч ким ушламасди. Лекин давангидай икки ўғлига етарли озиқ-овқатни Шурка кўтара олмайди. Бунинг устига яна ўғилларини бир марта кўриб келади-ку. Балки бу схиригисидир. Ўзи эса ҳеч нарсадан қўрқмайди, ошини ошаб, ёшини яшаб бўлган.

Корзинкани озиқ-овқат билан тўлдириб, совет қисмлари Задонья томонидан Вербийга ҳужум бошлаган соатда қишлоқдан йўлга чиққан эди.

Йўлда учраган хотиннинг гапларидан Павел билан Жорка ҳали совхоздан узоққа кетмаганликларига қатъий ишонди. Уларни қувиб чиқаришнинг ўзи бўлмас экан-ку. Ким билсин, балки Павелнинг немислар фронтни тўғрилаб яна қайтиб келишади, дегани рост чиқар. Эҳтимол, русларни худди шу наслчиллик совхозидан орқага қайтаришар.

Исаев сойнинг ўнг ва чап соҳилларида жанг авжида эди, сойнинг ўзида эса қишнинг ана шу туш-ки пайтида нисбатан сокинлик эди. Баҳордаги сув ювиб кетган сой чуқур бўлганлиги учун барча товушлар тенадан ўтиб кетарди. Варваранинг оёқлари ости-дан, ўтган йилги супурги ўтларнинг гултожлари орасидан қуёнлар чиқиб, сакраб ўзини четроққа олар — улар ҳам уруш туфайли зерикишган эди.

Ёз ойлари Вербнийдан наслчилик совхози ва Исаев қишлоқларига шу йўлдан қатналарди. Баҳорда йўлнинг икки чеккасини оқ-қизғиш наъматак гуллари ўраб олар, кузга яқин эса қип-қизил бўлиб товланаётган мевалар орасидан ўтилар эди. Ҳозир бу ердан торгина чана йўли ўтганди. Немислар даштда бунақа хилват йўллардан фойдаланишмасди, Вербнийдан бошланган бу йўлдан фақат Павел билан Жоркагина қатнаган бўлиши керак. Чунки қишлоқда бошқа ҳеч кимда от йўқ эди.

Павел Исаев қишлоқларига отланаркан, партизанларни овлагани кетяпман, дерди, Жорка бўлса индамасдан отини, илгариги қишлоқ совети раисининг айгирини эгарларди-да, жўнаб қоларди. Варвара эса Жорканинг у ерга урушдан аввалги жазмани Косаркина Лиджаникига кетаётганини яхши биларди. Ундан қанчалик узоқлашмасин, жуда бедаво аёл бўлса ҳамки, бари бир яна ўшанга интиларди. Маст пайтларида тавиялиги ва ўлардай бузуқлигини айтиб сўкиб қоларди.

— Шилталарни шилтаси! Бунақаси оламда йўқ.

Аммо онаси бу гапга аралашди дегунча қўрслик билан:

— Ойи, бунга сизнинг ақлингиз етмайди, — дерди.

...У корзинкани иккинчи қўлига олиб, тезроқ юриб кетди. Сой қияликка кўтарилгандан сўнг наслчилик совхозига қараб настлаб кетиларди. Бир гал йўлдан четроққа ўтиб беркиниб туришга ҳам тўғри келди.

Сойнинг пастки тарафидан қандайдир овозлар ва қорнинг ғирчиллагани эшитилди. У йўлдан четга чиқиб, ҳар эҳтимолга қарши қор босиб бир томонга қийшайиб қолган супурги ўт орқасига ўтиб, қуёнга ўхшаб ётиб олди. Капага ўхшаб қолган бу жой илиққина, нимқоронғироқ бўлиб, димоғига ер ҳиди урилди, у ер-бу ерда майсалар ҳам кўкариб турарди. Тез орада оғир нафас олиб, оҳистагина гаплашиб келаётган бир тўда руслар ёнгинасидан ўтиб кетишди. Улар қаёққадир шошилишарди.

У супурги ўт орқасида қимирламай, нағаллари музлаган ерга тўқ-тўқ урилиб, ўзаро гаплашиб бораётганларини эшитиб ётди.

— Эҳ, қани энди ҳозир милтиқ билан ёнингда тозинг бўлса! Қуён изларининг кўплигини қара!

— Бу ерларда тулки ҳам бўлса керак.

Варвара кўкраги билан ерга маҳкамроқ қапишди. Хириллаброқ, ғамгинроқ гапираётган йигитнинг овози танишдек туюлди.

— Уғиллари ҳам узоққа кетишмаган бўлса керак, ўзиям улар атрофида ўралашиб юргандир. Ишқилиб, кетиб қолишмаган бўлсин-да!— Бу ўзига таниш ғамгин, аламли овоздан сесканиб кетди. Шу ондаёқ овоз оҳанги ўзгариб, буйруғона тус олди: — Энди жим! Бу ерда пистирмалари бўлиши мумкин. Негаки, жуда яқинлаб қолдик.

Улар нарироққа бориб ўнг томондаги совхоз йўлига бурилишгандан кейин ҳам бир муддат тамаки ва тер ҳиди келиб турди. Салдан сўнг шамол уни тарқатиб юборди. Энди у ҳам турса бўлаверарди. Супурги ўт ортидан бошини кўтариб қарашга қўрққани учун нафаси келиб турган русларни, сўнгги гапни ким айтганини аниқ кўрмади, лекин уни таниди. Уни овозидан таниди. У ўтлар орасидан чиқиб, ўрпидан турганда ҳаётда биринчи маротаба кексайиб қолгандек ҳис этди ўзини. Ётган еридан қийшайиб туриб

олиш жуда қийин бўлди унга. Ўғилларига озиқ-овқат олиб кетаётган корзинкани ҳам ердан зўрға узди. Бўлмаса корзинкада бор-йўғи тўртта нон, элликтача пиширилган тухум, уч килоча мой бор эди. Яқиндагина — кузакда Доннинг нариги ёғидаги еридан олиб келган картошкани қоши билан орқалаб, қайиқдан уйига бемалол ташиганди.

Демак, сойдан совхозга югургилаб кетаётганлар разведкачилар экан, улар Павел билан Жоркани қўлга туширгани кетишаётибди. Бундан чиқди, қўшнилardan бирортаси ҳалиги овози бўғилган командирнинг укаси яширинган молхонани қўли билан кўрсатганини пайқаганга ўхшайди. Қуймоқ еяётганида овози хирилламаганди-ку. Демак, у Варваранинг ўғилларига етиб олиш учун ўлар-тириларига қарамай совуқ ҳавода оғзини очиб чолган, шунинг учун ҳам кўппакка ўхшаб бўғилиб қолган. Уша куни Павел уни боғда мўлжалга ололмаган экан-да. Мана энди у ўлган укаси учун ўғилларидан қасос олмоқчи.

Командир укасини кўрсатиб берганлигини бирор кишидан эшитган, шунинг учун ундан ҳам ўч олмоқчи. Улар немисларнинг қишлоққа ҳеч қачон қайтиб келмасликларига ишонишса керак-да. Қандай қайтишади ҳам?..

Нима бўлганда ҳам энди орқага қайтмайди. Гарчи олдинда ҳар қандай хатар кутганида ҳам. Унга энди бари бир, бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда. Ўғилларини жила қурса яна бир карра, балки энг охирги марта кўриб қолиши шарт. Ёнгинасидан ўтиб кетган рус командири тезроқ уларга етиб олишга ошиқяпти, қасос олмоқчи, баҳайбат айёр йиртқичдек сойдан писиб бориб, ўғилларини доғда қолдирмоқчи. Ишқилиб Павелнинг шошилганидан мўлжалга ололмагани қимматга тушмасайди.

Бари бир уч бўлак мой, нон ва тухумлар билан тўла корзинкани кўтариб уйига қайтмайди. Йигирма

бешта қаттиқ қилиб пиширилган тухум Павелга, йигирма бешта илитилгани Жоркага. Павел ёшлигидан қаттиқ қилиб пиширилган тухумни хуш кўради, Жорка бўлса илитилганини. Шунинг учун иккаласига баб-баравардан, кўнгилларидагидек қилиб пишириб олиб кетяпти. Булар ўтган йилдан бери туз ташлаб қўйилган яшикда сақланиб келинганди.

Сойлик ўнгга бурилганидан кейин баландлаб борарди. Ўғилларига деб овқат солиб олган корзинкаси орқага тортар, лекин Варвара аввалгидан ҳам илдамроқ юрар, сирғанчиқ қияликдан тез-тез пастга сирпа нар, бундай пайтда қўллари билан ўтларни ушлаб қоларди. У албатта кечикмаслиги, ҳаммасини ўз кўзи билан кўриши лозим эди.

Наслчилик совхозидаги жанг говури тобора яқинлашарди. Борган сари тепасидан какликка ўхшаб париллаб учиб ўтаётган осколкалар кўпая борди. Русларнинг замбараклари Доннинг нарёгидан туриб совхозни ўққа тутарди. Варвара орқароқда портлаган снаряд тўлқинидан олдинга мункиб кетди. Энди у супурги ўтлар устидан эмаклай бошлади. Корзинка халақит берар, лекин масофа жуда оз қолганди. Корзинкани судраганча тепаликка амаллаб етиб олди-да, супурги ўтлар устига чўзилган кўйи совхозга қараб пастлашиб борадиган сойлик йўлини кузатди.

У ҳаммасини ўз кўзи билан кўрди. Гоҳ ўтлар устида эмаклар, гоҳ эҳтиёт бўлишни ҳам унутиб чўнқаярди. У ўзини бутунлай унутган эди. Кучли шамол рўмолини бошидан учирингга интилар, рўмолининг учлари орқасида ҳилпирарди. Нигоҳига ташланган ҳамма нарсани эътибордан қочирмаслиги керак, чунки, эҳтимол ўғилларини сўнгги марта тирик кўришидир. Ҳақиқатан ҳам у ҳеч нарсани кўздан қочирмади. Павел томонидан отиб ташланган разведканинг якаси — калта пўстинли командир ўз солдатлари билан пастдан, Исаев сойлигидан наслчилик совхозини

га писиб кириб борарди. Павел билан Жорка эса уларга тескари қараб, тош уюми орқасида, станицадан Шахта шахрига борадиган катта йўлни кузатиб ётишибди. Станица ва Вербнийдан ҳужум қилиб келаётган сибирликлар ўринларидан туриб «ура!» деб югура бошлашлари билан Павел ўт очиб, ҳужум қилувчиларни яна қорга ётишга мажбур қиларди.

Варвара пулемётни Павелнинг бир ўзи отаётганини, Жорка эса фақат унга ёрдамлашиб, қандайдир япасқи қутичаларни олиб бериб турганини аниқ кўрди. Руслар узган ўқлар уларнинг пулемёти олдидаги қорни пардай тўзитаётибди, лекин ҳар сафар Павел билан Жорка тош уюми орқасига бекиниб олишга улгуришарди. Улар турган жойдан ҳамма нарса — йўл ҳам, бутун дашт ҳам, ҳатто Доннинг нариги соҳилигача қафтда тургандек аниқ кўринарди, отинга ҳам қулай эди. Руслар эса уларни мўлжалга олишолмасди. Унинг ўғиллари ана шундай қулай жойни танлаган эди. Бу, албатта, Павелнинг иши, у бу ернинг ҳар бир қаричини билади. Шунинг учун комендант Герц атрофдаги ўрмонлар, қишлоқлардан партизанларни қидирганда усиз бир иш қилолмасди.

Энди станицада Герцнинг арвоҳи ҳам қолгани йўқ, гарчи Павел, немислар фронтни текислашяпти, кейин яна қайтиб келишади, деса-да, у бу ерга оёқ қўёлмаса керак. Бунақага ўхшамайди. Улар қайтиб келишдан умидвор бўлишса, машиналари, танкларини ташлаб, баҳорги тошқиндан қочган юмронқозиқдек қочиб қолишмасди. Қаёққа қараманг, уларнинг ташлаб қочган нарсаларига кўзингиз тушади. Баъзилари ёниб, дабдаласи чиқиб кетган, кўпчилиги эса яп-янги, тутилмагандай турибди. Фронт олислашгач, бу ерларга аравада келиб, шинеллар ва бошқа ҳар хил нарсалардан йигиб кетиш керак. Шинелларининг матоси яхши, ундан қишқи юбка, жакет, ҳат-

то пальто тикиб олса ҳам бўлади. Уларни ҳафсала билан пардозлаб, қайта бўялса чайқов бозорида яхши пул бўлади. Ҳали одамлар узоқ вақтгача кийимдан қийналадилар. Сойликни синчиклаб қидирилса, бир печа нар бинойидек-бинойидек немис этикларини топса бўлади.

Улар наслчилик совхозидан ҳам тезроқ кетмоқчи-га ўхшайди. Ҳўкиз аравалардан кейин машиналар ҳам камайиб қолди. Сўнггилари ҳам олдинма-кейин йўлга чиқиб, чўл бўйлаб Керчикка қараб қочишмоқда. Шунинг учун ҳам сибирликлар совхозни айланиб ўтиб, немисларнинг Шахтага борадиган йўлини тўсишмоқчи, Павелнинг пулемёти эса бунга йўл қўймайпти. Уринларидан туриб, «ура!» дейишлари биланоқ ер тишлаяпти. Қордаги қизил доғлар яна кўпайяпти. Май ойида даштда очилган лолақизғалдоқдай қизаряпти.

Немисларнинг бутун умиди ана шу пулемётдан. Агар Павел билан Жорка бўлмаса немисларнинг совхоздан чиқиб кетиши амри маҳол эди.

Немислар унинг ўғилларини нима қилишмоқчи — совхозга ташлаб кетишмоқчимиз? Ўз жонларини сақлаш учун-а... Фашистлар шунақа одамлар экан-да! Унда ўғиллари, масалан Павел нимага ишонади? У эзлик йигит. Жорканинг фаҳми-ку ўтмасроқ, илғари ҳам унинг хаёлида фақат арақ билан хотинлар эди. Павел шунчалик ақлли, удабурролиги билан немисларга алданмаслиги керак-ку.

У пулемётини ҳамон тариллатаётган экан, ҳали ҳам нимагадир ишонади. Лекин нимага? Варвара бўрига ўхшаб орқасида эгри-бугри из қолдириб яна бир оз эмаклади. Синчиклаб тикилиб, Павел билан Жорканинг орқасидаги тоғолчазорда иккита от турганини кўрди. Қариб қолган тоғолчалар шунчалик зич эдики, қин бўлса ҳам, бир қарашда уларнинг қалин шох-бутоқлари орасидан отларни илгаб олиш қийин

эди. Булар Павел даштга партизан овига миниб чиқадиган, Жорка Исаев қишлоғидаги жазманиникига қатнайдиган отлар эмас, балки икки ажойиб қора байир эди, уларни совхоздаги уюрлардан олиштани аниқ. Наслчилик совхозида ҳамisha яхши Дон отлари бўларди, урушдан олдин бу отлар учун Москва кўргазмаларида олтин медаллар билан тақдирланишган.

Иккала от эгарлаб қўйилгани, уларга сафар тўрва осилганига ҳам Варваранинг кўзи тушди. Бунақа отларда жуда узоққа бориш мумкин, машинада қувилмаса, бошқа нарсада уларга етиб олиш қийин. Лекин Павел даштдаги текис йўллардан қочадиган аҳмоқлардан эмас. Даштдаги киши билмас, қуриб қолган сой ўзанларию жарликларда эса ҳеч қанақанги машина қува олмайди уни.

Жорканинг боядан бери орқа томондан эмаклаб келиб, Павелнинг калта пўстини этагидан тортаётгани, тоғолчалар томонни қўли билан кўрсатаётгани сабабини энди тушунди. Кетишга қистаяпти, улгуролмай қоламиз деб қўрқаяпти. Павел бўлса ҳатто қайрилиб ҳам қарамай, яна пулемётга ёпишиб отиб ётибди. Отасига ўхшаган жасур у. Отаси дон янчадиган молотилка, ҳўкиз ва отларимни колхоздаги ялангоёқларга бергандан кўра Сибирга сургун қилинганим яхши деган эди.

Лекин ҳозир жасурликнинг ўрни эмас. Немис солдатлари тушиб олган охириги машина ҳам Шахтага қараб жуфтакни урди. Наслчилик совхозининг маркази бутунлай ҳувиллаб қолди. Сибирликлар ҳам аста-секин йўлни кесиб қўйиб, совхозга яқинлашишмоқда.

Павелнинг ҳеч бир ўқи хато кетмас, ҳар сафар отганда қорда қизил доғлар пайдо бўларди. Жорка энди акасини ҳам кутмасдан музлаган қияликдан сойликка сирғалиб тушиб, отлар бойланган тоғолчазорга чопди. Павел буни кўриб сўнгги маротаба ўқ

узди-да, пулемётни ўша ерга ташлаб, пастликка сирганиб тушди.

У иккала ўглининг Исаев сойлиги орқали тоғолча-зорга яшириб қўйилган отларига қараб чопаётганини кузатаркан, беихтиёр ётган жойидан тикка туриб олганини ҳам сезмай қолди. Сойлик бурилишидан тўртдан у унутиб юборган ҳалиги рус солдатлари чиқиб келиб, уларнинг йўлини тўсишмаганда отлари энгига етиб олишарди.

Олдинда немис милтиғи билан Павел отиб ўлдирган разведкачининг акаси, калта пўстинли командир чопарди. У тик турганча ҳамма-ҳаммасини ўз кўзи билан кўрди. Аслида у бундай манзарани кўришни умид қилмаганди. Жорка олдидан руслар кесиб чиқаётганини кўриб дарҳол қўлини кўтарди-ю, дон тўла қондай «пўп» этиб орқаси билан қорға ўтириб қолди. Павел тоғолчазор томон қочиб бораркан, пистолетини қўлга олиб йўлини биринчи бўлиб тўсмоқчи бўлган командирга қараб ўқ уза бошлади. Командир эса отмас, Павелнинг отишидан ҳайиқмай олға интилар, солдатларга қайрилиб қўлини силкитиб, алланима деб бақирарди. Шунда Варваранинг қулоғига командир баланд кескин товушда:

— Тириклайин ушлаймиз! Тириклайин!— деяётгандай бўлиб эшитилди. У тўғри эшитган кўринади, негаки бошқа солдатлар ҳам ўқ узмасдан, эгарлоғлиқ отлар турган тоғолчазорни ярим доира шаклида ўраб ола бошладилар. Жоркага энди от керак эмас, у қор устида юзини қўллари билан бекитганича ўтирибди. Павел бўлса отлар турган тоғолчазорга жуда яқинлаб қолди. Варвара ҳаммасини кўриб турарди. Рус командири Павелнинг йўлини тўсиб чопаётиб нақ тоғолчазор ёнгинасида деярли учга рўбарў бўлди. Энди Варвара командир уни албатта тириклайин қўлга туширмоқчи, укаси учун ундан албатта ўч олмоқчи эканига ишонч ҳосил қилди. Павел уни писто-

летдан ҳеч нишонга ололмапти. Афтидан, чоғиб кетатуриб ёнбошдан мўлжалга олиш қийин бўляпти шекилли. Шунинг учун ҳам бўлса керак, рус разведка командири унга етиб, энди сўлоқмондай қўлларини чўзганда, Павел бирдан тўхтаб, шартта ўгирилди-да, пистолетдан унга қараб ўқ узди. Варвара рус разведкаси командири шу ернинг ўзидаёқ йиқилганига кўзи тушди-ю, кейин унга эътибор бермади, чунки ҳозир бутун хаёли Павелда эди. Бу унинг тўнгичи, суюклиси. Ўғли асло уларнинг қўлига тушмаслиги керак.

У ҳаммасини кўрмоқчийди, ҳаммасини кўрди ҳам, Павелнинг мудроқ тоғолчазорга етиб олганини ҳам, у ердан ўғлини чопқир жийрон учириб олиб чиққанини ҳам кўрди.

Даштдаги тош уюми тепасидан гуноҳкор ўғлининг йўлини тўсиб, пулемёт тариллади. Бу ҳозиргина унинг ўзи февралги оппоқ кўрпага бурканган дашт-ни қизил рангларга бўяб сибирликларни ўққа тутган пулемёт эди.

Варвара икки ҳафтадан кейин хуфтон пайтида уйига қайтди. Эшикни очган қизи Ольга қўрққанидан эсанкираб қолди: онасининг боши сарак-сарак қилар, кўзлари телбалар кўзидек бежо ўйнади.

Бу вақт ичида у Исаев қишлоғидаги Жорканинг жазмани Лидка Косаркинаникида ётиб юрди. У ерга эса ўғиллари бошига тушган савдони ўз кўзи билан кўрган ўша кун, қору бурганлар узра қандай эмак-лаб етиб борганини ўзи ҳам билмайди.

Варварани жавобгарликка тортишмоқчи бўлишди. Аввалига, ҳали фронт узоқлашмасдан, ҳарбий терговчилар келишиб, уни ўзлари билан олиб кетиб сўроқ қилишди. Фронт ғарбга томон силжиб, ғарбга кетаётганларида уни граждан терговчилари қўлига топширишди. Қандли чой бериб, яхши гап билан ҳам сў-

роқ қилиб кўришди, столни сиёҳдон учиб кетадиган даражада уриб, дўқ ҳам қилиб кўришди. Варвара ғақат:

— Мен ҳеч нарсани билмайман. Бу гаплар тухмат. Ўғилларим билан мени ишим йўқ. Уларнинг йўриғи бошқа. Мен қариб қолганман, қўйиб юборинглар,— деб тураверди.

Бир ҳарбий терговчи, ёшгина капитан у билан уч кун овора бўлди. Ҳамма айбни бўйнига олиб қўя қолиш, акс ҳолда оқибати ёмон бўлишини ётиғи билан маслаҳат берди. Варвара менга мунча айланишиб қолдинг, хойнаҳой сенинг ҳам онанг бордир, деб хижолат қилмоқчи бўлганида фигони чиқиб кетди. Оқариб кетган юзини яқинроқ олиб келиб, ғазаб билан шивирлади:

— Қари шайтон, сен онамга тил теккиза кўрма. Сен ҳатто «она» сўзини тилингга олишга ҳам нолойиқсан.

Ҳеч иш чиқмагач, уни қўйиб юборишди. Ягона қўшнисидан бошқа ҳеч ким унинг разведкачи яширинган молхонани кўрсатиб берганини тасдиқлаб беролмади. Бунинг устига вақт ўтган сари қўшниси ҳам бармоғи билан молхонани кўрсатганини ишончсизроқ тасдиқлай бошлади.

Балки Варваранинг бу ҳаракати бошқа нарсани билдирар, эҳтимол рўмолини тузатиш учун қўлини шунчаки елкасига олиб боргандир. Қўшниси уч болашининг онаси бўлган аёлнинг шундай гуноҳ иш қилишига тобора ўзи ҳам ишонмай борарди. Албатта, Табуншчиковлар бутун қишлоқда энг бадқовоқ одамлар эди. Улардан қишда қор ҳам сўраб бўлмасди, Варваранинг ўғиллари қилган ишга сочингиз тикка бўлиб кетарди. Лекин буларнинг бир-бирларига алоқаси йўқ, бошқа-бошқа нарса. Айбсиз одамни қоралаш ҳам инсофдан эмас, бу гуноҳни ҳеч ким гарданига ололмайди.

Қўшининг далили кун сайин мавҳумлашиб борарди. Терговда у гоҳ: «Ўз кўзим билан кўрганман, кўр эмасман-ку...» дея қатъий гапирар, гоҳ: «Балки менга шундай туюлгандир. Мен ҳам қариб қолдим, кечқурунлари кўзим яхши кўрмайди. Кўзойнагимни эса охирги товугимни деб немис солдати билан уришганимда у синдириб қўйган», деб ғалати жавоб берарди.

Лекин қўшни аёл ичида Варваранинг тасодифан шунчаки бармоғи билан елкаси оша молхонани кўрсатмаганига ишонарди. Варвара терговга олиб кетилган вақтларда бу марҳаматли аёл қизи Ольгани олиб қолиб, ҳар куни ёнига жой солиб берарди. Бомбардмондан юраги олиниб қолган қизча ёлғиз ётишга қўрқарди. У кечалари қўрқиб, хўрсиниб аёлга маҳкамроқ ёпишган сари унинг раҳм-шафқат туйғуси янада кучаярди. Ер юзида яна битта етим кўпайишидан чўчирди. Шундай қилиб у ўша даҳшатли кунда деразадан ўз кўзи билан кўрган ҳодисасига тобора ишонмасликка интиларди. Ҳақиқатан унга шундай кўринган бўлиши мумкин. Терговчи кунлардан бир кун кампирнинг аҳволи-руҳиясини кўриб, илгариги берган гувоҳлигингиздан воз кечасизми, деб сўраб қолди. У тўсатдан маъюс товуш билан:

— Худо ҳақи, мени шу сўроқларингдан озод қилиб қўя қол. Эсини еб қўйган хотиннинг кўзига нима-лар кўринмайди дейсан, сизлар бўлса ҳаммасига ишонаверасизлар. Мен ҳозир ҳеч нарса билмайман, эслолмайман ҳам. Мени бу ғалвадан халос қил. Умрим бино бўлиб судга ишим тушмаганди, ўлгунимча ҳам тушишини хоҳламайман,— деди.

Бундай сўзларни эшитгандан кейин терговчиларнинг ўзлари ҳам иккиланиб қолишди. Уларнинг рўбарўсида каллисини лиқиллатиб ўтирган Варвара эса анча кексайиб қолган, ҳамма сўроқларга бир хил жавоб қайтарар эди. Терговчилар ўзгариб турар, Варваранинг иши ҳақидаги кўс напсга қўлдан-қўлга ўтар,

ҳар бир янги терговчи қўлига ўтгани сайин бу иш — Табуншчиковларнинг ҳовлисида 1943 йилнинг февраль оқиёмида содир бўлган даҳшатли воқеа тобора хираланиб борарди. Ўзи она бўлган бу рус аёлининг шундай хунрезлик қилишига ишонч камайиб борарди. Бунинг устига аниқ далиллар бўлмаганлиги туфайли орқаворотдаги гаплар асоссиз туюларди. Уни сўроқ қилган охирги терговчи делонинг муқовасига: «Етарли далиллар бўлмаганлиги учун иш тўхтатилсин», деб ёзишга мажбур бўлди. Шу кундан бошлаб милиция ва прокуратура Варварани безовта қилмайдиган бўлди.

Уша куни у прокуратурадан чиқиб, район марказидан тўғри Канигин қишлоғидаги черковга қараб кетди. «Худонинг шаҳид бўлган бандаси Алексейга» фотиҳа буюрди. У рус разведкасининг командири ўз укасини шундай деб атаганини эслади.

Қўшнисидан бошқа ҳеч ким унинг немисларга разведкачини сотганлигини кўрмаганлигидан, гарчи икки полицайнинг онаси бўлганлигини эсдан чиқаришмаса ҳам, қишлоқларининг унга муносабати анча юмшади. Полицай онаси бўлса бўлгандир, ахир бу инсонни ўз қўли билан муқаррар ўлимга итариб юборишмас-ку... Кейинроқ, бутун кўкраги жанговар мукофотлар билан тўла Дмитрий Кравцов деган туппа-тузук сержант йигит хизматдан бўшаб келиб, қишлоқда ўрнашиб қолиб, шу вақтда ўн саккизга кирган Ольга Табуншчиковага уйлангандан кейин бу гаплар яна анча эсдан чиқди. Варвара унинг соясида тинчгина яшай бошлади.

Қишлоқдан беш чақирим наридаги станица пристанида тўхтаган тонгги биринчи пароходдан бир кампир тушиб қолди. У соҳилда турган матросдан Вербнийга борадиган йўлни сўради. Унинг кул ранг кўйлаги, шу рангдаги жакети ва клеёнка сумкасига разм солган матрос кампирнинг бу ерлик эмаслигини дарров фаҳмлади. Вербнийдан ҳам бўлмаса керак, чуқси матрос

олтмиш йиллик умри мобайнида шу атрофдаги жуда кўп одамларни танир эди. Йўловчига Вербний қишлоғига аввал Дон бўйлаб, сўнг узумзор ёқалаб юриш лозимлигини бажону дил тушунтиргач, қизиқиб сўради:

— У ерга қариндошларингизникига кетяпсизми ёки шунчаки танишларникигами?

Кампир кўзойнаги ортидан катта кўзлари билан унга тикилиб:

— Қариндошларимникига, — деди.

Шундай деб у ўтирилди-да, дарё ёқасидаги йўл бўйлаб кетди. «Асли ўқитувчи, ҳозир пенсияда бўлса керак», деб ўйлади матрос негадир ишонч билан мато туфлисида қумли йўлдан зўрға одимлаб кетаётганини кўриб. Матрос аёлнинг орқасидан қараб-қараб қўяркан, Вербнийда қандай қариндошлари борлигини суриштиришга ийманганидан афеусланди, энди бўлса ким экан ўшалар деб бош қотиришга тўғри келди. Унга қариндош бўлиши эҳтимол тутилган одамларни бирма-бир санаб чиқди, лекин бу одамларнинг бирортаси тўғрисида бир тўхтамга келолмади. Бу нуроний аёл нотўғри гапириши мумкин эмас, олтмиш йиллик умрида бу аёлникидай жиддий кўзлар алдамаслигига ишонч ҳосил қилган. Пароходлар аҳён-аҳёнда тўхтаб ўтадиган сокин соҳилда ҳали бутун бошли кунни ўтказиши лозим бўлганлиги учун қирғоқдаги йўлдан кетаётган кул ранг шарпа кўм-кўк самбиттоллар панасида кўринмай қолгунигача шу тўғрида хаёл сурди. Лекин шундан кейин ҳам анча вақтгача аёл панасида кўздан йўқолган самбиттолларга бир неча бор қараб қўйди.

Арава ва одамлар юравериб шиббаланиб кетган йўл гарчи қишлоқгача чап томонда Дон дарёси, ўнг томонда самбиттоллар ва узумзор боғларни ёқалаб кетса ҳамки, эрта тонгда ундан беш-олти километр пиеда юриш анча мушкул эди. Ўнг қирғоқ тик қиялик бўлганлигидан дим ҳаво кечаси билан тарқамас, ҳар за-

монда шамол эсса ҳам жануби-шарқдан эсар, бундай шамол ҳавони янгилаш у ёқда турсин, баттар дим қилиб юборарди.

Бу йилги куз жуда қуруқ ва иссиқ келди. Сентябрьнинг охирларидаёқ қирғоқ бўйлари лўлиларнинг қипқизил рўмолларидек тус олди. Самбиттоларнинг барглари ҳам сарғайиб қолди. Фақат узумзорларгина ҳали кузнинг ёқут либослари билан ороланмаганди.

Эрталабки пароходдан тушган хотин тез орада жакетини ечиб сумкасига солди, йўл четидаги шаббалардан синдириб олиб елпина бошлади. Унинг юзи қизариб кетган, юзидан дона-дона тер томчилари юмаларди. Анча ёшга бориб қолган аёл учун қумли йўлдан юриш анча оғир эди. У тўхтаб, туфлисини қумдан тозалаб, яна йўлида давом этарди. Бутун йўл мобайнида фақат бир мартагина бафуржароқ дам олди.

Қишлоқ деворлари кўзга ташланиб, деразаларнинг ойналари қуёш нурида йилтиллаб бошлагач, йўлдан чеккароқ чиқиб, самбиттол тагидаги ўтларга чўкка тушди. Четан деворлар нарёғидаги токзордаги узум бошлари чўян ҳамда пўлатдан қуйилгандек қорайиб ва сарғайиб кўринарди.

Етай деб қолганда клеёнка сумкасида олиб келаятган нарсалари билан нонушта қилаётган экан, бу аёлни Вербнийда ҳеч ким кутмаётгани маълум бўлди. Майса устига газета ёзиб, нон, иккита тухум, туздон олиб қўйди. Узумзор боғ қоровули четан девор нарёғидан буларнинг ҳаммасини кўриб турарди. У қоровулхонага кираверишдаги кичкина скамейкада автомобиль гилдирагининг резинаси билан пиймасини ямаётган эди. У ўзи ўтирган баланд жойдан бу аёлни станицадан чиққандан бери кузатарди. Қадам ташлаши ва бошқа аломатларига қараб бу аёл иссиқ вақтда беш ёки олти километрни писанд қилмай босиб қўядиган ёшдан аллақачон чиққанини осонгина фаҳмлаган эди.

Унинг ўзи ҳам кексайиб қолган эди. Урушда қатнашиб, асирлик қисматини бошдан кечирди. Шундан бери ўзида борини бошқалар билан баҳам кўришни қатъий қоида қилиб олганди. Бу аёлнинг йўлга ғамлаб олган озиқ-овқати мўл эмаслигини дарров пайқадди. Кекса қоровул яқинроқдаги икки туп тоқдан пичоғи билан етилиб пишган бир бош оқ, бир бош қора узумдан кесди-да, четан девор эшигидан чиқиб, аёл билан саломлашгач, индамай газетага қўйди.

Аёл кўзойнаги орқасидан пастдан юқорига тикиларкан, узумни кўриб ҳайрон ҳам бўлмади, эътироз ҳам билдирмади.

— Раҳмат.

— Арзимаёйди,— жавоб берди у. Нарироққа бориб самбиттолнинг танасига суянди-ю, ҳеч нарса сўрамади. У агар инсон юрагини очмоқчи бўлса ўзи гап бошлашини, агар буни истамаса мажбур қилиш ноўринлигини ўз тажрибасидан биларди.

Аёл кўкаламзорлар орасида оқариб кўринаётган уйларга ишора қилиб:

— Вербний қишлоғи шуми?— деб сўради.

— Худди шундай,— чол солдат вақтдаги одатича жавоб берди.

Аёл нозик, озгин бармоқлари билан битта-битта узиб бир бош узумни еди, иккинчисини эса газетага ўраб сумкасига солиб қўйди.

— Кейинроқ ейман. Жуда яхши узум экан. Шираси ўткир экан.— У кўзлари билан чолга гуноҳкорона жилмайди-да:— Уни егандан кейин одамнинг ташналиги яна ҳам ортаркан.— У сумкасидан сирланган кўк кружка чиқариб, Донга қараб юра бошлади.

Чол уни тўхтатди.

— Биз булоқнинг сувини ичамиз. Доннинг суви яхши-ю, аммо илиқроқ.

Аёл у ёқ-бу ёққа аланглади.

— Қайси булоқдан оласизлар сувини?

— Кўряпсизми, ҳув анави жойда қамиш кўкариб турибди. Илгари бу ерларда қулоқ Табуншчиковларнинг боғи бўларди. Қалтабинлик қилиб боғни бузиб ташланган, лекин қудуқ омон қолган. Ҳозир у ерда қабр бор.

Аёл чол қўли билан кўрсатган томонга тикилди. У ерда қамиш гуркираб ётарди.

— Қанақа қабр?— Чолга аёлнинг овози қалтираб кетгандай туюлди.

— Қардошлик қабри. Немислар бизнинг иккита разведкачимизни қишлоқнинг мана шу чеккасида ўлдаришган... У аёл кўзойнаги орқасида алланима ярқатгандай бўлганини кўриб тўхтаб қолди.— Кейинчалик бизнинг одамларимиз уларни ана шу қудуқ ёнига кўмишди. Жуда қойилмақом жой, баҳорда булбуллар сайрашини айтмайсизми?! Ҳатто Москвадан пароходда келадиганлар ҳам бир зиёрат қилиб ўтишади бу ерни.— Аёлнинг назарида чол бирданига гапдон ва ҳовлиқма бўлиб қолди.— Суви муздек, худди кўз ёшидек тип-тиниқ. Булоқнинг ўзгинаси дейсиз. Мен бирпасда олиб келиб бераман сизга,— деб қўлини кружкага узатди.

— Йўқ, ўзим бораман,— деди аёл.

У ўрнидан туриб, кружкасини кўтарганча қамиш гуркираб ётган жойга кетди. Қамишлар катта баргларини шитирлатиб аёл орага кириши билан яна девордай тўсиб олди.

Чол самбиттол тагида аёлни кута бошлади. Аёлнинг кўз қарашлари оддий нигоҳ эмас, қандайдир хаста, жароҳатланган қарашлар эканлигини, бу кўзлар инсоннинг бутун қалбини ағдар-тўнтар қилиб юборишга қодирлигини ўйлаб ўтириб, унинг қайтмаётганидан ташвишга тушиб қолди. Бу вақт ичида қудуққа уч марта бориб келса бўларди. «Яна бирор кориҳол бўлиб ўтирмасин. Бундай иссиқда юришга ўрганмаган одам ёмон беҳузур бўлиши мумкин. Эҳтимол, булоқ

сувидан ичиб, бир нафас дам олай деб ўзи ҳам билмай мудраб кетгандир», ўйларди чол. Унинг ўзи ҳам бу ҳолни бошдан кечирган пайтлари бўлган.

У яна бир оз кутди, сўнг қудуқ бошига бориб кампирдан хабар олишга жазм этди. Қамишни қўллари билан суриб, қуёш нурлари билан яна ҳам ороланган кўкатзорга қаради.

Майсалар киши кўзини яшнатарди. Сувга яқинроқдаги майсалар яна ҳам яшнаб, қулф уриб турибди. Чолнинг нигоҳи қабр устидаги кампирга тушди. У қанотини ёйиб ётган қуш янглиғ, қўлларини ёйиб қабрни қучоқлаб ётарди. Худди ўйлаганидай, аёл ухлаб қолганга ўхшайди. Муздаккина сувдан ичиб, тинчгина жойда, аёлларга хос кўнгилчанлик билан бегоналар гамига ҳамдард бўлиб, хилватгоҳда ухлаб қолган. Ёнида, майса устида кўк кружкаси ётибди.

Уйқуси келган бўлса ухлай қолсин. Қабрга қудуқ супачаси, азим самбиттол соя ташлаб турибди, шунинг учун ҳам бу ер иссиқ эмас, ухласа бўлади. Ҳали вақт эрта, борадиган қишлоғи эса, ана, кўриниб турибди. Бир оз ухлаб, дам оливолади, керак жойига боришга ҳам улгуради. Уни уйғотмаган маъқул, яхшиси, ўзи ҳам қоровулхонасидаги пичан устида бир мизғиб олгани дуруст. Ҳадемай станица мактабида биринчи сменада ўқийдиган болалар қишлоққа қайтиб қолишади, шунда ҳушёр турмаса бўлмайди. Йўқса боғни шипириб кетишади. Беш ёки ўн киши бўлиб, бир шингилдан олишса бошқа гап эди. Болалари тушмагур нақ бир эскадрон бўлиб ҳужум қилишади, ҳар биттаси қўйинини тўлдириб олмоқчи бўлади. Уларнинг «тажовуз»идан кейин токни дўл уриб кетганми дейсиз.

Болаларга раҳми келса ҳамки, шундай қилишга мажбур. Бўлмаса колхоз боғида қуруқ повда қолади, холос. Фронтда отишмалардан қулоқлари битиб кетганидан ўқ овозини жинни сира ёқтирмаса ҳам, баъ-

зан милтиқни ишга солишга, осмонга отиб қўрқитишга ҳам мажбур бўларди.

Ҳозир негадир мизғигиси ҳам келмаяпти. Кексалик ўзи шунақа. Бу аёлни қаранг, уйқусида ёстиқни қучоқлагандек қабрни қучоқлаб ётибди. Қимир этмайди ҳам.

У орқасига бурилиб, қоровулхонасига, яқингинада ўзи ўриб тўшаб қўйган, кишини алмаловчи, иси димоққа уриб турувчи бир қучоқ пичан устига бориб чўзилмоққа шайланган ҳам эдики, яна тўхтади. Назарида уни аёл чақиргандай бўлди. Йўқ, у илгариги ҳолатича қабр устида ётарди. Лекин аёлнинг гапирганини аниқ эшитди. У тушида гапирянтими ёки одамларда баъзан бўладиганидай ўзи билан ўзи суҳбатлашяптими — буни аниқ билолмади. Бу ҳол аксарият кекса одамларда учрайди. Унинг ўзи ҳам гоҳо ўз овозидан чўчиб тушарди. Шунда у атрофга қараб ҳеч зот йўқлигини, бутун боғда танҳолигини кўрарди.

Ўзи билан ўзи гаплашгиси келса гаплаша қолсин. Эҳтимол шундай бўлгани яхшидир унинг учун. Нима бўлганда ҳам унинг оромини бузмаган маъқул. Лекин чол аёлнинг қуйидаги сўзларини эшитиб қолмаганда, албатта қаминзордан иложи борица шарпасиз узоқлашмоқчи эди:

— Ниҳоят сени қидириб топдим, Алёша,— гўё бу серқуёш кўкатзор ўртасидаги қабр олдида қандайдир бир суҳбатдоши ўтиргандай, аёл у билан ҳасратлашаётгандай оҳиста ва қувонч билан гапирарди.— Сени ўн беш йил қидирдим, ахири топдим. Онам мени унутиб юборди деб ўйлаган бўлсанг керак. Агар ўртоғинг Володя бўлмаганда, Алёша, сени ҳечам тополмасдим. Ахир тўртталангиздан фақат у омон қолибди-да ўзиям. У бўлмаганда ким ҳам айтиб бера оларди сенинг бу ердалигингни. Мен уни, Алёшенька, Сибирдан, бошқа ёқлардан қидириб юрибман. У бўлса ёнгинамизда, Сальск яқинидаги совхозда яшар-

кан.— У оҳистагина кулиб қўйди.— Сен уни яхши эслайсан, албатта. Қорачадан келган, мўйловли йигит, худди грузинларга ўхшайди. Лекин ўзи грузин эмас, рус.

Боғнинг кекса қоровули ерга ёнбошлаб, кўп йиллик қидирувлардан кейин зўрга топилган жигаргўшасини яна йўқотиб қўйишдан қўрққандай, қабрни қучоқлаб олганча айтилаётган бу сўзлар кимга қаратилганини аллақачон фаҳмлаганди. Она шу қабрга кўмилган ўғли билан худди тириклардай гаплашарди.

— Бу ердан Петянинг олдига бораман. Ўша сенинг мўйловли ўртоғинг Володя Пушкин бу ер билан наслчилик совхозининг ораси яқинлигини айтганди. Петяни ўша ердаги қардошлик қабристонига қўйишган экан. Алёша, бу ердан тўғри ўша ёққа бораман. Иккалангиз билан ҳам дийдор кўришаман...

Ҳаво дим, сукунатни худди бўш шишага пуфлаётгандай овоз чиқариб: «Бу ер ёмон, бу ер ёмон», деётгандай сассиқполишакнинг бир моромдаги сайроғигина бузарди. Чол бир нарса кўкрагидан итаргандай, сўнг юрагини мижиғлаб эзгандай бўлди.

Бу одам бошидан кўп савдоларни кечирган. Фашистлар асирлигида бир неча марта овчарка итларга талатганлар. Ҳар куни ҳаммомга қачон юборишларини кутарди, ҳаммомга тушиш эса ҳаёт билан видолашиш деган сўз эди. Ҳаммомнинг ечинадиган хонасида ҳар бир асир учун кийим-бош ечадиган махсус шкафча бўларди. Асир кийимларини ечиб шкафчада қолдиргач, ҳаммомнинг асосий залига кирарди, шу вақтда унинг орқасидаги пўлат эшик беркиларди. Шундан кейин шифтдаги панжарасимон мосламадан қайсидир немис олими ўйлаб топган порошк сепилиб асирнинг масаласи ҳал бўларди. Бу ҳаммомдан чиқиб кетишнинг бошқа йўли йўқ эди.

Ўз ҳаётида бундан бошқа ҳам талайгина нарсаларни кўриб эрта қариб қолган чол ҳеч қачон йиғла-

маган эди. Ҳеч ким, ҳеч қачон унинг кўзларида ёш милтиллаганини кўрмаган.

Ҳозир эса унинг кўз ёшлари худди дарё бўлиб тошиб келди. У ўзининг йиғлаётганини бирер кимса бехосдан кўриб қолмасин деб самбиттолнинг орқасига ўтиб кетди. Кўзи ва юзларидан оқиб тушаётган ёшларни кафти билан артар, лекин бу ёшлар сира тўхтамасди. Шунча ёш қаердан пайдо бўлди?! Бу ёшлар бутун умри давомида олтин Дон кузининг худди мана шу кунига, қуёш саҳийлик билан нур сочиб турган, бутун атроф ниҳоятда сокин, осойишта, тоқларда узум бошлари олтиндай тобланиб, кўзни қамаштириб турган чошгоҳ чоғида қуйиламан деб атайлаб йиғилиб турган эканми дейсиз. Ҳамма нарсаси ҳаётдан завқланишга, яшашга ундаяпти. Фақат биргина сассиқпопишак: «Бу ер ёмон, бу ер ёмон», деб сайраяпти, холос. Лекин унга ҳеч ким ишонмайди.

Аёл қамишлар орасидан чиқиб келганда анча вақт бўлган эди. Эрталаб, Доннинг нарёғидан энди кўтарилиб келаётганда тўқ қизил, қабр тепасида турганда қунгабоқарнинг гулидек сап-сариқ бўлган қуёш ҳозир Володин қўрғони панасига, каттакон, пахмоқ қўйга ўхшаган булут орқасига яширинаётган пайтда яна қизғиш тусга кирган эди.

Чол энди аёлнинг тинчлигини ҳечам бузмади... У ўғлининг қабри тепасида истаганича қолсин, кўнглини бўшатсин. У қамишлар орасидан чиқиб келганда чол қоровулхона олдидаги скамейкада пиймасининг иккинчи пойини ҳам резинка билан ямаб бўлаётган эди. Энди унинг пиймалари яхши совут кийиб олган, асирликда бод дардига мубтало бўлган оёқларини яна икки йил намгарчилик ва совуқдан асрайди.

Қамишлар орасидан чиқиб келган аёл самбиттол

тагидаги сумкасини олди. У қишлоққа қараб юраркан, қоровулга яқинлашганда четан девор олдида тўхтади. Девор орқасидан чолга аёлнинг кўзойнакли боши ва похол шляпасигина кўринарди, холос. Чол кўзойнак орқасидаги кўзлар қуруқ эканлигини кўрди.

— Сиз қишлоқдан ўша разведкачини... ўлдиришган жойни кўрсатиб беролмайсизми? — деб сўради аёл чолдан.

— Уни Табуншчиковларнинг ҳовлисида ўлдиришган, — чол шундай деди-ю, кейин шоша-пиша қўшиб қўйди: — Лекин мен буни одамлардан эшитганман. Шахсан ўзим ўша вақтда бу ерда эмасдим.

— Балки сиз уни... ўлим олдидан... охириги марта кўрган одамни биларсиз? — дея сўради у яна тўхталиб-тўхталиб.

Чол шундай хокисор ва ғамбода онани қулоқ эшитмаган ёвузликни қилиб қўйиб жазодан қутулиб қолдим деб юрган жодугарнинг олдида юбориш туйғуси тазъийқида, попишак сайроғини босиб, деярли бақириб гапирди:

— Қишлоққа киришингиз билан энг чеккадаги деразаси сариқ қопқоқли уйдан Варвара Табуншчиковани сўрайсиз. У ҳаммасини билади.

Бирор соатдан кейин қоровулхонадаги челақни олиб, одати бўйича кечасига сув олиб қўйиш учун қудуқ бошига тушди. Боққа тушадиган катта-кичиқ ўғрилари чўчитиш учун тун бўйи у ёқдан-бу ёққа қатнаб, сув олишга вақт ҳам бўлмайди. Ҳаво дим бўлган кечалари, айниқса ишдан чиққан асаблар янада таранг тортилган ҳозиргидақа пайтларда кеңса одамнинг тез-тез томоғи қақраб туради.

Челақка сув тўлғизиб, қайтаётганда ҳар кунгидек солдат қабрига кўз ташлади. Нигоҳи қабрга тушди-ю ҳайрон қолди. Эрталаб кўм-кўк майса билан бурканган эди, ҳозир бўлса бирданига кул ранг тусга кириб ялтиллаяпти. У челақни ерга қўйди-да, қабрга яқин-

роқ келиб, нуроний кўзларини қадади. Шундагина у ҳамма нарсага тушунди. Доннинг ўнг қирғоғидаги соғ тупроқли қияликларда ҳозиргидек куз фаслида барглари сиренга ўхшаб кетадиган ажойиб ҳамишабаҳор гули чамандай очилади. Аёл атрофдан ана шундай гуллардан топиб, ўғли қабрини шу гулларга буркаган эди. Кўриниши у қадар чиройли бўлмаса-да, узоқ вақтгача яшнаб туриши аниқ. Атрофдаги ҳамма гиёҳлар сарғайиб, дарахтлардаги сўнгги барглар совуқдан ерга тушганда ҳам шундайлигича туради.

Қош қорая бошлаган пайтда Табуншчиковларнинг эшиги тақиллади. Варвара эшикни очиб, нотаниш аёлнинг йўлини тўсиб остонада тўхтади. Ёши тахминан ўзи билан баробар аёл қалин кўзойнаги орқасидаги катта кўзлари билан унга тикилиб турарди. Пароходдан тушиб қишлоққа кетадиган ҳар бир кимса Табуншчиковларнинг уйи қишлоқ чеккасида бўлганлиги учун ётишга жой сўрарди. Атрофда бошқа уй қуриб қоптими? Варвара ҳам бунақа меҳмонларнинг кавушини ростлаб қўйишга ўрганиб қолган.

— Салом,— деди нотаниш аёл.

— Хўш, кейин-чи?— дағал жавоб берди Варвара.

Аёл унинг дағаллигига парво ҳам қилмагандай оҳиста сўради:

— Варвара Табуншчикова шу ерда турадими?

Варвара бу сафар жавоб беришга шошилмади. Нотаниш бу аёлнинг кўзлари жуда ғалати эди. Кўзойнаги катта қилиб кўрсатгани учунми, унинг юзи фақат кул ранг катта кўздангина иборатдай туюлар, бу кўзлар Доннинг ўртасидаги одамни ўз қаърига тортадиган гирватга ўхшарди. Энг ғалати жойи шунда эдики, бу аёлни умрида ~~биринчи~~ марта кўраётган бўлса ҳам қарашлари танишдай туюларди.

— У нима учун сизга керак бўлиб қолди?— ҳалигидаки дағал, балки ундан ҳам кўполроқ овозда саволга савол билан жавоб қайтарди.

Аёл тушунтирди:

— Айтишларича, ўғлимни унинг ҳовлисида ўлдиришган экан, мен ундан шуни сўраб олмоқчи эдим...

Кўзойнак орқасидаги икки кул ранг гирват тобора қорайиб, беҳад тезлик билан Варваранинг юзига яқинлашиб, уни ўзининг шафқатсиз қаърига тортиб кетаётгандай бўлди. У энди таниди бу аёлни.

— Йўқ!— кўзойнакли жиккаккина аёлдан чекинаётиб деярли бақириб юборди у.— Ҳеч нарсани билмайман! Йўқ!!

Онасининг юракни орзиқтирувчи чинқиригини эшитган Ольга билан Дмитрий бараварига уйдан чопиб чиқишди. Варвара остонадан чекинаётиб бутун гавдаси билан орқасига йиқила бошлади, йиқилмасин деб қўлидан ушлаб қолмоқчи бўлган нотаниш аёлни эса итариб юборди. Аёл уни яна ушлаб қолишга интилди, Варвара бўлса йиқилаётиб ҳам унинг қўлини итариб ташлади. Ольга эри билан ўз вақтида етиб келмаганда кўзойнакли бу жиккак аёл тўсатдан фалаж бўлиб қолган Варварани бари бир ушлаб қололмасди.

Шу кундан бошлаб Табуншчиковлар оиласининг ҳаловати бузилди. Ўтмиш бу хонадон эшигини боғда дафн этилган разведкачининг онаси, кўзойнакли кекса аёл қўли билан тақиллатиб келди. Бу овознинг акс-садосини бутун қишлоқ эшитди. Одамлар бот қоровули Сулиндан разведкачининг қабрига онаси келганлигини, аёл бу ердан Табуншчиковлар уйига кетганлигини билиб олишди. Кейин уни қишлоқнинг нариги томонида, биринчи ўғли сингари Павел Табуншчиков томонидан ўлдирилган иккинчи ўғли дафн этилган қардошлик мазорига элтадиган наслчилик совхози йўлини сўраб турганда кўришди.

Вақт ўтиши билан унутилаёзган нарсалар яна юзага қалқиб чиқиб, одамлар хотирасига туша бошлади. Табуншчикованинг қўшини яна Варвара раз-

ведкачи яширинган молхонани елкаси оша душманларга кўрсатганини аниқ эслади. У бу гапини ҳар қандай одам олдида, исталган жойда тасдиқлашга тайёр эканлигини йиғлаб гапирарди.

Лекин шусиз ҳам бўлари бўлиб ўз жазосини тортган одамни суд қилишмайди-ку. У ўринда ҳодадек ётар, фақат алланима тўқиётгандек адёл устидаги қўллари қимирлатиб қўярди. Қизи Ольга совхоз директоридан касал онасига қараб туриш учун кун ора йишга чиқишга рухсат олганди. Ольганинг ҳаёти гоят мушкуллашди. Тўғри, Дмитрий милицияда танбеҳ егандан кейин урмай қўйди. Ҳатто тили ботир танишлари ичиб олганларидан кейин, бир қарич арқонга арзимайдиган қайнанага тувак тутиб юрасан, деб кулишганида ҳам уйига келиб бурчақдаги стулга ўтириб олади-да, Варвара ётган томонга қараб жимгина тикилиб ўтиради. Нега десангиз, телефон ўз хизматини адо этганди-да, ахир.

Устидан арз қилгани учун эса Ольгани кечира олмайди. Бу қилмишига қараганда у эрини қаматиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Илгарилари эса кечалари кўкрагига бош қўйиб, эркалаб ўпар, сен қишлоқдаги ёнг чиройли йигитсан, сендақаси йўқ, деб шивирларди. Хўш, энди-чи, кимни деб қаматмоқчи уни? Она номига нолойиқ бўлган ўз онаси учун-а! У қанақа она бўлиши мумкин?.. Ургочи бўри-ку.

Мана энди у хотини Ольга кампирнинг инжиқликларига чидаб, қошиқда овқат ичириб қўйишини индамай кузатиб ўтиришга мажбур. Лекин Дмитрий бунга чидаб туролмасди, хотинини онаси билан ёлғиз қолдириб, эшикни тарсиллатиб ёпиб танишлариникига чиқиб кетарди. Боқса боқавермайдими, менга нима.

Фалаж дарди ёстиққа ётқизиб қўйгандан сўнг Варвара шу қадар кўп овқат ейдиган бўлиб қолдики, Ольга тайёрлаб улгурмасди. Энди овқатлантириб бўлиши билан онасининг:

— Қизим, менга сомса пиширдингми? — деган ововини эшитарди.

— Ойи, ҳозиргина ўнтасини еб олдингиз-ку.

— Қачон?

— Ҳозир. Қаймоқ билан қўшиб едингиз. Учта тухум ҳам.

— Яна олиб кел. Онаси еган овқатни ҳисоблаш гуноҳ бўлади.

Ольга яна бир тарелка сомсани унинг олдига қўяр, дам ўтмай онасининг:

— Ейишга бирор нарсанг борми? Кечаги боршчдан қолмаганмиди? — дегани эшитиларди.

— Ойи, ахир оғирлик қилади-ку.

— Қўявер. Борди-ю одамлар онасини оч қўйяпти дейишса, ана унда оғир гап бўлади.

Ниҳоят нафси бир муддат ором олгач, Жорканинг тайгадан, сургундан ёзган хатларини ўқиб беришни талаб қилади. Буни Ольга ҳаммадан ҳам ёмон кўрарди.

— Ойи, мен ўша хатларни сизга ўн марталаб ўқиб берганман-ку. Ўқилавериб титилиб кетган.

— Ўқисанг тилинг танглайингга ёпишиб қолмас. Ўз туғишган аканг-а! Ҳа, яккаю ягона аканг.

Бу гап Ольганинг газабини қўзғатарди.

— Бари бир ўқиб бермайман! Менинг ҳеч қанақа акам йўқ! — деб бақирганича ташқарига чиқиб кетарди.

Лекин уйга тездан қайтиб кирар, онасини ёлғиз, назоратсиз қолдиришдан қўрқарди. Ҳар дақиқада бирон нимани истаб қолиши мумкин.

Жорка гоҳ онасига тайгадан тез-тез хат ёзар, гоҳ анча вақтгача жим бўлиб кетарди. Табунигчиқовларникига анчадан бери баъзан ичидан кичкинагина хира фотосурат сирғалиб тушадиган конвертлар келмай қолди. Суратларига қараганда Жорканинг қоп-қора соқоли тобора узунлашиб, борган сайин Варваранинг наз-

дида бундан чорак аср бурун тайгага сургун қилинган отасига ўхшаб борарди.

Қисқаси Жорка бедарак бўлиб кетди. Ё отаси сингари дарахт босиб қолди, ё совет ҳокимияти унинг немис полициясида хизмат қилганлигига етарли жазо берилмаган деб топиб бошқачароқ жазолаган. Дмитрий область газетаси «Молот»га ёзилган эди. Мамлакатнинг турли жойларида немисларда хизмат қилган хоинлар, власовчи қочоқлар қидирилиб, қўлга туширилаётганлиги, ўз вақтида очилмаган жинойтларига яраша жазоланаётганлари ҳақидаги хабарларни хотини ва унинг онасига овоз чиқариб ўқиб берарди. Дмитрий шонмасдан, дона-дона қилиб ўқир, сўнгра девордай оқариб кетган Ольга билан онасига қараб қўшиб қўярди:

— Қўли қонга беланган кишининг тақдири ана шу. Совет ҳокимияти — адолатли ҳокимият. У ҳатто бизга қарши жанг қилган немис офицерларидан ҳам ўч олиб ўтирмади, уйларига жавоб берди. Лекин одамларимизни сотган, қўли қонга бўялган кишиларни кечира олмайди. Жазодан осон қутулиб қолган одамлар энди тинчгина яшайвераман деб хомтама бўлмай қўя қолсин. Бундай ифлослар турар жойини ўзгартиради, соҳол қўйиб юборади, бошқа фамилия билан яшайди, лекин бари бир уларни топишади. Мени унутиб юборишди деб ўйлайдиган ҳар бир ганда бари бир қўлга тушади.

Шундай деб у қаҳрдан ялтириб кетган кўзларини Варвара, унинг қизи — ўз хотини Ольгага қадарди. Эрининг қарашига чидаш беролмаган Ольга ётоқхонага кириб кетар, каравотга ўзини отиб, ёстиқнинг учини тишлаганча бўғиқ овозда юм-юм йиғларди. У акалари учун йиғламасди. Йиртқич ва қовил акаларига лаънатлар бўлсин. Уларнинг дастидан қанчадан-қанча одам ўлиб кетди, уларни деб ҳеч қандай айби йўқ синалсин кишилар юзига қаролмайди. Дмитрий

билан ширингина турмуши ўшалар туфайли тузатиб бўлмас даражада бузилгани учун ҳам уларни янада кўпроқ лаънатларди. Ахир у эрини қанчалар севарди! Илгариги хушчақчақлиги, меҳрибонлиги ўрнига қўрс, раҳмсиз бўлиб қолган бўлса-да, ҳозир ҳам севади уни. Ҳатто ичиб олганида уни гап билан адоий тамом қилса ҳам севади. Тўғри, эртасига у ўз қилмишидан хижолат бўлар, кечалари эса узр сўраб, энди такрорламасликка сўз берарди. Бир неча кунгача у яна аввалгидай кайфиятига қайтиб қолар, сўнг ё газетага кўзи тушар, ё совхозда бирга ишлайдиганлар, қайнанангни асраб-авайлаб юрибсан деб мазах қилгач, яна ҳаммаси янгидан бошланарди.

Оила ҳаёти бутунлай путурдан кетди. Гўё қора булут туну кун тепада туриб олиб, қуёшни тўсиб қўйгандай эди. Дмитрий акаларининг гуноҳи учун Ольга заррача айбдор эмаслигини нега тушунмайди-я! У ўша вақтда кичкина қизча эди-ку, ахир. Аслини олганда у ҳамиша акалари билан бегонадай эди. Наҳотки Дмитрий хотинининг онаси ва акаларига ўхшамаслигини, бутунлай бошқа оламлигини кўрмаса. Агар у ўша вақтларда ўн бир ёшда бўлмаганда партизанларга биринчи бўлиб қўшилган, ҳозир эса немислар ва уларнинг Павел билан Жоркага ўхшаган малайлари одамларни ташлаган Красин номли шахта чуқурида ётмасмиди. Буларнинг ҳаммасини Дмитрий билади, бошқалардан яхшироқ ҳис қилади. Бўлмаса нима учун ўз қарашлари, сўзлари билан ўлдиради, Павел билан Жоркага ўхшаганлар ҳақидаги мақолаларни атайин овоз чиқариб ўқийди, улфатлари билан ичишиб қолганда уни хор қилади? Онаси учунми? Лекин Ольга онасини нима қилсин. Ўз қўллари билан бўғсинми ёки овқатиға заҳар қўшиб берсинми?..

Унинг олдидан бир қадам ҳам кетиб бўлмайди. Дарров қичқиради:

— Ольга, қаердасан? Дарров олдимга кел. Касал онангни олдида ўтир.

— Ойи, бирпас мизгиб олай.

— Мен ухлаётганим йўқ, сен ҳам ухламайсан,— жавоб беради Варвара.

Баъзан Ольга онасининг кўзи уйқуга кетди деб ўйлаб, рўзгор ишлари билан ҳовлига чиқади-ю, онасининг ғазаб билан қаттиқ бақирини эшитиб чопганича қайтиб киради.

— Кет! Йўқол-л!

Ольга бутун уйда ўзи билан ойисидан бошқа ҳеч ким йўқлигини аниқ билса ҳам ҳайрон бўлиб сўрайди:

— Ойи, кимга гапиряпсиз?

— Ольга, жон болам, уни ҳайдаб юбор,— илтижо билан шивирлайди онаси.

— Кимни, ойи?

— Анавини,— шивирлайди Варвара ва бошини ёстиқдан кўтариб, қўли билан бурчакни кўрсатади.— Қизгинам, уни ҳайдаб юбор.

— Ойи, у ерда ҳеч ким йўқ-ку.— Қатъий гапирди Ольга.

Онаси анчагача ишонмайди, ғамгин овоз билан қайта сўрайди:

— Ростдан ҳам ҳеч ким йўқми?

— Ростдан, ойи! Ваҳима қилманг.

Бир оз вақт ўтгач, Варвара яна сўрайди:

— Нариги бурчакда ҳам ҳеч ким йўқми?

— Бутун уйда ҳеч ким йўқ. Фақат иккимиз, холос.

— Қизгинам, мени ёлғиз қолдирма. Сираям ёлғиз қолдирма, хўпми?

— Унда мен учун совхозда ким ишлайди, ойи?

— Митька ишлайверсин, ҳўкиздай кучи бор. У сенинг эринг, шунинг учун ҳам сени боқишга мажбур. Ўша келгиндига текканингга раҳмат десин. Сени

туққан онангни ҳам совет қонуни бўйича ўлгунича боқиши керак.

— Қонун бўйича сизни болаларингиз боқиши керак.

— Бўлмаса унга айт, келган жойига борсин-да, бошқа хотин топиб олсин. Казак қизидан яхшисини топиб бўлти. Қизгинам, кўркам, кўзга яқинсан, баҳойингни тушириб, унга ялиниб юрма. Сен хоҳлаган бирор бошлиққа турмушга чиқиб оласан. Бошлиқлар казак қизларини яхши кўришади.

Шундай пайтларда Ольганинг жаҳли чиқиб кетарди:

— Гапирманг, ойи! Сиз қаердан биласиз? Жойингиздан қимирлолмай ётибсиз-у, ҳамма нарсани кўрган-билгандай гапирасиз-а. Бунинг ҳаммаси уйдирма.

— Биламан, Ольюша, ҳаммасини биламан,— Варвара сирли оҳангда гапирар, қонсиз лабларида хиёлгина кулимсираш пайдо бўларди.

Шундай дақиқаларда Ольганинг қалбида қандайдир даҳшатли бир туйғу қимирлагандай бўлар, ўз фикрларидан ўзи қалтираб ўйларди: «Тезроқ ажалинг келса бўлмайдами, қари шайтон! Мени адоий тамом этиб, қонимга ташна қилдинг-ку. Сени деб зиндон азобини тортяпман. Ўлган разведкачи кўпроқ кўринаверсин кўзингга. Балки у жонингни ҳам тезроқ олақолар».

Ҳалок бўлган разведкачиларнинг онаси қишлоқ ва наслчилик совхозидаги иккала ўғли қабрини зиёрат этгани келиб, Вербнийда умрбод қолишга аҳд қилди.

У боғ қоровули Сулиннинг уйида яшай бошлади. У ҳар гал қишлоқдан кичик ўғлининг қабри ёнига бораркан, Варвара Табуншчикованинг уйи олдидан ўтади. Чунки у ерга бундан бўлак йўл йўқ.

ОРТГА ҚАЙТИШ ЙЎҚ

Антонина Каширина район конференциясида колхозларнинг қурилиш материаллари топишдаги қийинчиликлари ҳақида гапириб, ўзи ҳам юк машинасида ёғоч олиб қайтаётганида Шахта шахри билан Дон атрофидаги қишлоқлар орасига қўйилган милиция соқчиларининг ўқларидан зўрга қутулиб қолганини ҳикоя қилиб берди. Райком секретари Неверов бошқалар қатори бу саргузаштни эшитиб мириқиб кулди-да, катак рўмолчаси билан намиққан кўзойнагини артаётиб луқма ташлади:

— Ўшанда ўқ тегманига шукур қил, бўлмаса сени ҳозир партиядан ўчиришга тўғри келарди. Қўлга тушмаган ўғримас, голибларни эса суд қилмайдилар деганларидек, омон қолдинг. Лекин ўша ёғочдан бутун районга донги кетган зап ғаллахона қуриб олдингларда ўзиям.

У Антонина минбардан тушиб, клуб залидаги ўз жойига қайтаётганда ҳаммадан олдин қўлларини президиум столи узра баланд кўтариб қарсак чалди.

Лекин у роса бир ойдан кейин областдан, Брянск колхоз раиси Каширинанинг хунук ҳаракатлари ва қоронғи ўтмишига райком нега лоқайд қарайди, деган мазмунда расмий хат олинганда Антонинанинг шахсий ишини дарҳол райком бюросига қўйди. Район конференциясининг икки юз қирқ уч делегати орасида Антонинанинг ёғоч билан боғлиқ саргузаштлари тўғрисидаги ошкора ва самимий ҳикоясини эшитиб бошқалар қатори ичаги узунгудек

бўлиб кулган, аслида эса муштини тугиб қўйганлар ҳам бор экан. Неверов райком бюросининг мажлисида:

— Биз илгари сен айтган ёғоч ҳақиқатан ҳам шахтани мустаҳкамлашда ишлатиладиган ўғирлиқ ёғоч эканини аниқ билмасдик. Ҳозир эса бизда инкор қилиб бўлмайдиган далиллар бор, бу масалага бутунлай бошқача қарашга асос беради,— деди.

У оғзидан трубкасини олмай гапиргани учун сўзлари унчалик равшан эшитилмади. Каширина чидаб туролмади:

— Буларни ўзим гапириб бердим-ку, ахир, Павел Иванович!?

Неверов трубкасини оғзидан олиб, у билан стол устидаги ойнага уриб қўйди.

— Каширина, ҳали гапирадиган навбатинг ҳам келади. Бригадирлик вақтингда колхоз молларини қандай кўчирганингни ҳам гапириб берасан.

Каширинанинг ҳайрати яна ҳам ортди:

— Буни ҳам райондагиларнинг ҳаммаси билади-ку, Павел Иванович! Доннинг нарёғига ўтишимиз билан немис танклари йўлимизни тўсиб қўйди.

Неверов трубкасининг кулини тўкаркан, оқ оралаган қора сочли бошини қийшайтириб трубканинг стол ойнасига урилишидан чиққан «тақ-тақ» овозига қулоқ солганича:

— Шунда колхоз моллари сал бўлмаса душман қўлига тушаёзган экан.

— Йўқ, Павел Иванович, биз молларни ўрмонга кўмиб ташлаганмиз. Биттаси ҳам душман қўлига тушмаган.

— Лекин тушиши мумкин эди. Бу ҳам бари бир душман қўлига тушди дегандай гап.— Бармоқлари билан трубкага босиб-босиб тамаки жойлаб, тутатди-да, тутун булути орасидан: — Жуда қизиқ одам экансан, Каширина. Гапингга қулоқ солса, ҳатто немислар

ишғол қилган жойда қолганинг ҳам юксак ватанпарварлик бўлиб чиқади.

Павел Иванович Неверов буларни майин овоз билан гапирарди. У ҳеч қачон одамларга бақирмас, лекин шунга қарамай, райондагилар уни чўрткесар ҳисоблашарди. Ҳозир Каширина ҳам буни ҳис этди.

— Павел Иванович, мен бир ўзим қолганим йўқ-ку ахир...

— Немислар сенинг партия аъзолигига кандидат эканлигингни ҳам билишолмабди-да, а?..

— Қишлоғимизда ҳсинлар йўқ эди, Павел Иванович.

— Казак қишлоғида-я?

Антонина бу саволга жавоб бермади, Неверов бўлса сўроқни давом эттирди:

— Янглишмасам, сенинг уйингда немисларнинг бутун бошли штаби жойлашган экан шекилли? Штаб бўлмаса ҳам, ҳар қалай, катта мансабдаги бир немис билан унинг ёрдамчиси яшаган экан. Буни ўзинг ҳам инкор этолмасанг керак?

— Улар қаерда яшашларини биздан сўраб ўтиришмаган, Павел Иванович!

— Жудаям бунчалик мағрур бўлма,— Неверов унга оталарча танбеҳ берди.— Мағрурлигинг бу ерда асқотмайди. Партия олдида чин юракдан жавоб бериш керак. Сен эса ғалати тасодифлар билан ўзингни оқламоқчи бўласан. Танклар йўлимизни тўсди деб райкомнинг молларини мамлакат ичкарисига ҳайдаш ҳақидаги қарорини бажармагансан. Немис штабининг уйингга жойлашиши ҳам сенингча бир тасодиф. Бунинг устига бирор кимса немисларга сенинг партияда эканлигини шаъма ҳам қилмаган.— Неверов оғзидан трубкасини олиб, бюро аъзоларига бирма-бир қараб чиқди.— Ўртоқлар, бирон бир бошқа жойда эмас, казак қишлоғида-я?!

Бюро аъзолари хижолатдан ерга қарашди. Фақат-

гина Каширинанинг адаши, райкомнинг иккинчи секретари Антонина Ивановна Короткова эътироз билдирди:

— Казаклар хусусидаги фикрингиз ноўрин, Павел Иванович. Мен ҳайрон қоляшман — бу казакларга таъмоман эскича қараш. Немисларнинг казаклардан бирор иш чиқара олмаганини ҳаммамиз беш қўлдай биламиз-ку!

— Масаланинг моҳиятини гапир,— трубкасини тортаётиб сўз қистирди Неверов.

Антонина Ивановна Короткованинг юмалоқ юзлари қизаринқиради. Ўрнидан тураётиб кенг қуймичига тушиб турган кул ранг кофтасини тўғрилади. Тўғри сўзлиги учун райондагилар уни ҳурмат қилишар, ҳатто ҳайиқишарди.

— Мен масаланинг айни моҳиятини гапиряпман. Каширина масаласида сизнинг фикрингизга қўшила олмайман. Уни гўёки кечадан бери билгандек муомала қиляпмиз.

— Ҳамма гап шунда-да, Антонина Ивановна, ҳаммасини билмас эканмиз-да.

Короткова пешанасига тушиб турган қалин қора сочларини орқасига қайтариб, деди:

— Лекин мен районимизда бундан яхшироқ колхоз раиси йўқлигини жуда яхши биламан. Қурилиш материалларини деб қилинадиган бунақанги жиной ҳаракатларга колхоз раисларини биз ўзимиз ундаймиз. Ғолибларни суд қилмайдилар, деб ошкора хурсанд ҳам бўламиз яна.

Неверовнинг юзлари бир оз оловланди.

— Ҳар қалай обкомдан...

— Албатта биз бундан қўрқиб кетамиз-да, дарҳол бир одамга ёпишамиз. Немислар кечув жойини тўсиб қўйишганини била туриб Каширинанинг биргина ўзини моллар учун жавобгар қиламиз. Штаб масаласи ҳам худди шундай. Унинг уйи қишлоқдаги энг яхши

риштли уй-ку, ахир. Урушгача Антонинани энг яхши соҳибкор сифатида ана шу уй билан мукофотлаган ўзимиз эмасмидик? Каширина ўзи ҳақида чурқ этмас экан, мен бюро аъзоларига унинг уруш вақтида яра-ланган лейтенантни авайлаганини, немислардан сақ-лаб қолганини айтиб қўйишга мажбурман.

Незеров трубкасидан сариқ тутун чиқариб:

— Агар шундай факт рўй берган бўлса, бунинг да-лили ҳам бордир албатта. Уни бирор одам кўрганми?

— Менимча кўрмаган. Каширина уни оёққа турғиз-гандан кейин, лейтенант ўзимизникиларга етиб олиш учун йўлга чиққан.

— Қизиқ.

— Бунинг ҳеч қанақа қизиқ жойи йўқ. Ахир у ўз уйида яраланган лейтенант яширинганини қишлоқда-гиларга айтиб юрармиди? Агар у омон қолган бўлса келиб қолар, ё хат ёзар. Балки ёзгандир ҳам?— шун-дай деб Короткова адашига ўгирилди: — Антонина Ка-ширина, нега индамайсан? Ҳозир сенинг ҳаёт-мамотинг ҳал бўляпти-ку, ахир?..

Мабодо Короткова Каширина ўз ҳовлисида душман-дан яширган лейтенант ҳақидаги бу гапларни очмага-нида, балки у бундан кейин ҳамisha пушаймон қилиб юрадиган, фақат мағрурлиги туфайлигина ўзи тан ол-майдиган ҳодиса райком бюросида рўй бермаган бўлар-миди. Лейтенант ҳатто хайрлашмасданоқ жўнаб қол-ган кундан бери Антонина у ҳақда бирор нарса билол-мади, икки энликина хат ҳам олмади. У дом-дарак-сиз кетди... Короткованинг ҳамдардлик билдириб айтган сўзлари Каширинанинг қалб торларига келиб урилди. Бу воқеани ҳеч қачон, ҳеч кимга айтмаган Антонина колхозга командировкага келган Короткова-га ярадор лейтенант ётган боғ чеккасидаги ўрани ку-тилмаган очиқлик билан кўрсатган эди. Короткова-нинг ҳозирги сўзларидан кейин ўтмиш кўз олдидан ялт этиб ўтди, умид ва кутишларининг асоссизлиги

ойдинлашгандай бўлди. Неверов эса чекишни давом эттириб, Каширинага ажаблангандай қаради:

— Қизиқ.

Ҳақиқатан шунча йил давомида ниманидир кутиш, нимагадир ишониш қизиқ ва маънисиз эди. Таранг тортилган қалб торлари энди буларнинг ҳаммасига бардош беришга ожизлик қилаётгандек туюларди. Неверовнинг унга нисбатан қилаётган адолатсизлиги ҳам, у умид боғлаган нарса ҳақиқатда сароб эканлиги, истиқболда ҳеч нарса ярқиллаб кўринмаётганлигини бутун юракдан ҳис этиш ҳам унинг қалбидаги оташни алангалатиб юборди. Қачонлардан бери ўз қалбида ардоқлаб келган нарсаси энди рўёбга чиқмаслиги аниқ эди. Бунинг вақти ўтганди.

Неверов унга ишонқирамай кулимсираб қараб:

— Қизиқ...— деб такрорларди.

Антонина, у қанчалик ковлаштирмасин, ўзининг садпора бўлган юрагини очмоқчи эмас. Гарчи бундан кейинги бутун қисмати шунга боғлиқ бўлса ҳам ҳеч нарса айтмайди. Райком бюросида шундан кейин нималар бўлганини Антонина алоқ-чалоқ тушдай хотирлайди, холос. Антонина фақат рўмолчага ўроғлиқ кандидатлик билетини столга ташлаб: «Олинг! Партиядан ўчирсангиз ўчиравермайсизми, менга энди бари бир!» деганида оғзининг бир бурчагида трубка осилиб турган Неверовнинг юзи бирдан чўзилиб кетгандай бўлганини аниқ эслайди. Короткованинг: «Антонина, нима қиляпсан ўзи, эсингни йиғ!» — деб қилган илтижоларининг ҳам фойдаси бўлмади. У шундай деркан, билетни Каширинанинг қўлига қайтариб беришга ҳам уринди. Антонина бўлса уни Неверовга яқинроқ суриб қўйди. «Антонина, билетни ол, кейин пушаймон бўласан»,— деб кўндирмоқчи бўлди уни Короткова. Шунда биринчи зарбадан кейин эндигина ўзини тутиб олган, ғазабдан афти қорайган Неверов ўрнидан туриб, Коротковага ўшқирди: «Йўқ, кечирадилар, билет-

ни унга қайтариб бермаймиз энди! Биз ҳеч кимнинг партияни калака қилишига йўл қўймаймиз!»

Антонина шартта ўгирилиб, райкомдан извошга қўшилган оти турган станица майдонига қандай чопиб чиқганини ҳам эслолмайди. Отининг жиловини акас дарахтидан қандай бўшатиб олгани ҳам ёдида йўқ. Буларнинг ҳаммасидан фақат бир нарса — жилови қўйиб юборилган, район марказидан қишлоққа ўзи йўл топиши лозим бўлган от туёғининг дупуригина қолганди — шунда ҳам бу овоз қулоғига эмас, юрагига жо бўлган эди. Шунингдек, извош дашт йўллари бўйлаб жар ёқасидаги ўз уйига олға интилган сари хаёлида ортда қолаётган йўл билан бирга ўзи ҳам орқага кетаётгандек туюлганини эс-эс хотирлайди.

* * *

Қўшинларимиз 1942 йилнинг ёзида Ростовдан Сталинград томонга чекинаётган маҳалда оғир яраланган командирни Антонина Каширинага топширишди. Бу Дондан ўтиладиган кечувни ўз қуроллари ўти билан тўсиб турган артиллерия батареясининг командири эди. Кечаси кимдир ўнг қирғоқ билан чап соҳилни бирлаштириб турган ягона паромнинг симини искана билан узиб ташлагач, артиллериячилар ўз тўпларини жардан дарёга ғилдиратиб юбориб, батарея отлари ёрдамида нариги қирғоққа сузиб ўтишдан бошқа чоралари қолмади. Негаки яқин-атрофда биронта шалағи чиққан баркас ҳам қолмаганди — ҳаммасида чекинаётган қисмларнинг солдатлари билан қочиб келаётган аҳоли чап соҳилга сузиб кетгандилар.

Ҳуши жойига келганида ўзи талаб қилганидек оғир яраланган командирларини отиб ташлашга эса ҳеч кимнинг қўли бормади. Батарея лейтенант Никитин бошчилигида нақ Руминия чегарасидан жанг билан чекиниб келаётган эди. Лейтенантни батарея жойлаш-

ган хонадон эгасининг ихтиёрида қолдиришдан бўлак чора топилмагач, политрук аёлни қатъий огоҳлан-тирди:

— Эсингда бўлсин, гўзал хоним, биз мана шу йўл билан яна қайтамиз. Албатта шу қишлоқдан ўтамиз. Командиримизни омон сақлаб берсанг, олқишимизга сазовор бўласан, балки медаль ёки ордenga тақдим этармиз, мабодо сақламасанг...— тўппончаси қинини маънодор ушлаб қўйди у.

— Медалинг ҳам, орденинг ҳам керакмас, қўрқитмай ҳам қўя қол, политрук,— деди хонадон соҳибаси, ўттизлардан ошган дуркун казак аёли яраланган лейтенант устига энгашаркан.— Ундан кўра бошқа жойга кўчиришимга тезроқ ёрдамлаш. Менга кўпроқ бинт билан пахта қолдиришлар. Бу матоҳинг билан мени қўрқитгандан кўра немисларни қўрқитсанг яхшироқ бўлармиди.

— Шунчаки ҳазиллашдим,— деди политрук дудуқланиб.

Заррача имкони бўлганда-ку, у жанговар ўртоғини тақдирнинг ихтиёрига ташлаб қўймасди-я. Бунинг устига командирларини қолдираётган жой казаклар қишлоғи. Ўзи орловлик политрук бундай вақтларда казакларга ишониб бўлмаслигини аллақачон эшитган, киноларда бир неча марта кўрган эди. Қорачадан келган бу гўзал аёлнинг қандай одам эканлигини бирор кимсадан суриштирилса яхши бўларди, лекин аксига олиб одамлар ҳам йўқ, улар хутор учун жанг бошланганда ерга киргандек қаёққадир йўқ бўлишди-кетиди. Бу жувоннинг ўзи эса камгап, нимани сўрама қисқагина жавоб беради:

— Колхозчиман.

— Оддий колхозчими?— суриштирди политрук.

— Ҳозир ҳаммамиз ҳам оддиймиз.

— Нега бошқалар билан, колхоз билан бирга кўчиб кетмадингиз?

— Бу ерда ҳам кимдир қолиши керак-ку.

— Кўп болалилар ҳам, касаллар ҳам кўчиб кетиш-япти, немислар қўлига тушишни исташмаяпти. Сени бўлса фақат биргина боланг бор экан...— дея суриштиришда давом этаверди политрук.

Жувон шундай шиддат билан политрукка қарадики, у бсихтиёр тисарилди:

— Сен менга ташвиқот қилмай қўя қол, сенга дарс беришга қудратим етади. Бундан кўра молларни Дондан олиб ўтишга уринганимизда тўпларинг билан бизни душман танкларидан тўсиб турганингда яхши бўларди. Тўпларингни сувга ташлаб юбориб, Дондан жуфтакни ростламоқчисизлар, биз билан эса ишларинг ҳам йўқ.

Аёлнинг бу гаплари уларда мустаҳкам ишонч уйғотмади. Улар немис танклари ўқлари остида чап қирғоққа ўтиб олишгандан кейин ҳам ёш, туркираган самбиттоллар орасидан ўз командирларини қолдирган, жар тепасидаги уйга анчагача тикилиб туришди. Доннинг нарёғидан диққат билан тикилиб, жарнинг шундайгина тепасидаги катта боғ, ток орасидан кўриниб турган гиштин бежирим уйни эслаб қолишга тиришишди. Қўрғон уч томондан тахта девор билан ўралган, тўрттинчи томони эса очик бўлиб, Донга туташарди.

Бека уйи аҳтиёжлари учун қизғиш тупроғини олавериб чуқур бўлиб кетган ўрада ҳозир уларнинг боши ва кўкрагидан яраланган батарея командирлари Никитин ётибди.

* * *

Фашистлар қишлоқни эгаллашлари биланоқ Каширинанинг уйига немис офицери билан унинг деншчилиги ўрнашиб олди, уларга сездирмасдан боғ бурчагидаги ўрада ётган лейтенантдан хабар олиб туриш

мушкул бўлиб қолди. Лейтенант ҳушидан кетган пайтларида:

— Прицелни тўғрила... тўртта снаряд... Ўт оч!!!— деб алаҳлашлари ҳар дақиқада немислар қулоғига чалиниб қолиши мумкинлиги бундан ҳам даҳшатли эди.

Бунақа онларда у забардаст гавдасига шундай ҳам торлик қиладиган ўрада шердай тўлганарди. Антонина ёнида бўлса дарҳол кафти билан унинг оғзини беркитарди. Кетаётганида эса, яна лейтенант ўрадан сирғалиб чиқиб Донга ағанаб кетмасин, деб қўл-оёқларини боғлаб қўярди. Хайриятки, кейинги ҳафтада лейтенант бир оз ўзига келиб олгунча Доннинг нарёгидан бирор марта ҳам бу кезларда бўладиган одатий шамол эсмади. Акс ҳолда унинг қичқиргани уйга шундоққина эшитиларди. Лекин баъзан офицернинг деншчиги Иоганн безовта бўлар, бошини буриб, қўлини малла қулоқлари орқасига қилиб қотиб қоларди. Лекин қичқириқ қалин буталар орасида йўқолиб кетарди. Бундай пайтларда Антонина ҳовлида қандайдир шовқин кўтарар — ё пақирни тарақлатар, ё кўчада ўйнаб юрган ўғли Гришаткани қичқириб чақирар, ё оёғини тапиллатиб баланд овоз билан казак қўшиқларидан бошлаб юборарди. Иоганн Антонинанинг шунақа қўшиқ айтишини хуш кўрар, кулиб, қарсак чалиб, «Катюша»ни айтишни буюрарди. Унинг бошлиғи майор ҳам бундай пайтларда уйда бўлса бошини ойнадан чиқариб томоша қиларди.

Сўнг яна пайт пойлаб овқат солинган сумкани кўтариб, лип этиб лейтенант ёнига ўтиб келишнинг пайдидан бўларди.

Антонина иккинчи ҳафтага ўтганда тонг гира-ширасида ўрага тушганда, лейтенант:

— Энди мени боғлаб қўйма,— деди-да, ўша ондаёқ буйруқомуз сўради:— Тўппончам қани?

Лейтенантнинг нимқоронги ертўлада милтиллаган

кўзларига боқаркан, жувон энди унга политрук ташлаб кетган тўппончани ҳам, ўқлари билан автоматни ҳам, ингичка тасмали артиллериячилар дурбинини ҳам яширган жойидан олиб, бемалол эгасига топшириши мумкинлигини англади.

У ҳаммадан ҳам дурбинга суюниб кетди чоғи, негаки шу заҳотиёқ Доннинг нариги томонини кузатмоқчи бўлди. Лекин тирсагига тиралиб ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди-ю, яна шилқ этиб тушди жойига. Бинт билан чандиб ташланган кўкрагидан қон сизиб чиқди.

— Менга қара, бунақа қиладиган бўлсанг боғлаб қўяман-а,— Антонина унинг ярасини бошқатдан боғларкан, пўписа қилди.— Сен билан ади-бади айтиб ўтиришга вақтим йўқ.

Лейтенант худди унинг ўн уч яшар ўғли Гришаткадек итоаткорона деди:

— Энди қилмайман.

Политрук бутун батареядан йиғиб, Антонинага ташлаб кетган бир неча шахсий санитар пакетчалару ўзининг бисотидаги бир шишача йод билан бир қутича марганецдан бўлак дори-дармони йўқ эди. Беморни ота-онаси, ёшлигида ўзи ҳам фойдаланган гиёҳлар билан муслажа қилишга тўғри келарди: рашпиль ўтининг барглари яранинг ҳароратини олар, тозаларди, ёш самбиттол новдалари қайнатилган сув эса қонни қуюқлаштирар, яранинг битишига ёрдам берарди. У дераза токчаларидаги тувакларда рашпиль ўстириб қўяр, самбиттол эса Дон соҳилида гуркираб ётибди, шундоққина жар этагига тушилса бас. Қишлоқнинг нариги чеккасидан Иванчиха деган яраларнинг тилини биладиган кампирни олиб келганда-ку соз бўларди-я. Лекин тўқсон учга кириб таноби анча бўшашиб қолган кампир оғзидан гуллаб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас.

Бироқ уйда шундай квартирантлар яшашининг

афзал томонлари ҳам бор эди. Немислар истиқомат қилаётган ана шу уйда совет лейтенанти яширингани ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Немис лагерларида қочган ҳарбий асирларни уйма-уй қидириб юрувчи ака-ука Табуншчиковлар ҳам эшиги олдида деярли ҳамма вақт «мерседес» машинаси навбатчилик қиладиган бу хонадонни четлаб ўтишарди. Бу квартирантларнинг ўзидан эҳтиёт бўлинса, уларнинг ҳимоясида бемалол, хотиржам яшаш мумкин эди. Антонина тез орада ўзига соядай эргашиб юрадиган сони ва кўкракларига киприксиз кўзларини қадаб, ҳирс билан тикиладиган Иоганидан эҳтиёт бўлиши лозим эканини фаҳмлади. Ночор лейтенантни у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдариб қўйиш, жароҳатларини қайта боғлаш, қошиқда товуқ шўрва ичириб қўйиш, унинг кўмагисиз ҳали узоқ вақтгача бажара олмайдиган ишга ёрдамлашиш дақиқаларини ўтказмаслик учун маълум вақтларда командирнинг ёнига бориб туриши лозим эди.

Ҳаммадан ҳам шуниси лейтенантга оғир эди. Ҳар сафар аёл бу ишда кўмаклашаётганида лейтенантнинг аъзойи бадани жирканишдан титрар, бошини девор томонга буриб:

— Чиқиб кет,— дерди.

Аёл эса бу ишдан жирканиш у ёқда турсин заррача сесканмасди ҳам. Бунга унинг ўзи ҳайрон қоларди. Аслида у ёшлигидан бошлаб сал нарсадан ҳазар қилар, мактабда кўпчилик билан бирга катта тоғорачадан овқатланмаганлиги учун онасидан калтак ҳам еганди.

Лейтенантнинг кўк қон томирлари бўртиб турган териси покиза ва нозик бўлгандан кейин нимага ҳам жирканарди. У фақат ярага ёпишиб қолган бинтни авайлаб кўчираётганда ўз ихтиёрисиз бўлса ҳам лейтенантга озор бераётганига жуда ачинарди. Лекин унинг инграганини ёки сўкинганини бирор марта ҳам

эшитмади. Фақат бундай пайтда пешанасида дона-дона тер пайдо бўлар, кўзини юмиб, лабини тишлаганча индамай ётарди. Шундан кейин кўпинча бошини девор томонга буриб уйқуга кетарди. Пешанасига ёпишиб қолган малла ранг сочлари қоронғи ертўлада ялтирарди. Антонина унинг юзи ва бўйинларини рўмолчаси билан авайлаб артиб қўярди. Қўлини кўтара олмагани сабабли сочини тараб қўйишга ҳам тўғри келарди.

Лейтенант бир оз дармонга киргач, Антонинанинг ёрдамидан воз кеча бошлади. У аввал товуқ шўрва ичиладиган чой қошиқчани қўлига олди, сўнг бармоқлари билан сут солинган кружкани аранг ушлайдиган бўлди, кейин узум спирти қўшилган сувда намланган сочиқ билан артинишни ҳам ўзи бажара бошлади. Қўлини яхши қимирлата олмагани туфайли баданлари увушиб қолишидан Антонина ташвишга тушарди. Аммо у ўз аҳдида қаттиқ туриб олди.

Фақат бу орада ўсиб кетган сарғиш соқолини ётган жойида устара билан олишнинг иложини қилолмади, бунинг устига ўра қоронғи эди. Бир неча марта унналиб кўрганидан кейин бундан воз кечди-да:

— Қайтага бундай соқол билан йўлда юриш яхшироқ бўлади,— деди.

Антонина унинг гапини англаёлмай, сўради:

— Қанақа йўлда?

У саволга савол билан жавоб берди:

— Бўлмаса, сенинг бу ўрангда қишлашим керакми?

Антонина бу тўғрида ўйлаб кўрмаган экан, шу туфайли жавоб беролмади. Фақат унинг «...сенинг бу ўрангда» сўзлари бир оз гашига тегди.

Лекин ўзи шу афғонда ётган одамдан ранжиши ҳам мумкин эмасди. Ўз ерида, қоронғи ва дим ўрада, ўртоқларидан ажралиб, худди бўридай писиб ётиш осонми, ахир?

Аёл ўзини ҳар дақиқа таъқиб этаётган деншчик туфайли лейтенант билан бафуржа гаплашолмас, ярасини қайта боғлаётган, овқатлантираётган вақтлардагина унинг саволларига қисқа-қисқа жавоб берарди.

— Дондан сузиб ўтиб кетишаётганини ўз кўзинг билан кўрдингми?

— Ҳа, ўз кўзим билан.

— Уларни ўққа тутишмадими?

— Бунинг иложи йўқ эди, чунки эрталабдан ҳамма ёқни туман босганди.

— Ҳар қалай немислар пайқашгандир уларни?

— Қирғоққа озгина қолгандагина пайқаб қолишди.

— Отлар ҳам бормиди?

— Ҳа.

— Сенингча, паромнинг симини ким узиб юборган бўлиши мумкин?

— Қишлоғимиздагилардан ҳеч ким бу ишни қилиши мумкин эмас. Бу ердагиларнинг ҳаммасини яхши биламан.

Ўзи ҳам лейтенантдан баъзи нарсаларни сўраб олгиси келарди, лекин у гал бермасди.

— Бу офицер доктор эканлигини сен қасрдан билдинг?

— Деншчикдан.

Антонинанинг лейтенантга шўрва ичираётган қўлидаги қошиқ салгина титраб кетди, у сергакланиб дарҳол сўради:

— Сенга нима бўлди?

— Кам гапириб, кўпроқ овқат есанг бўларди,— алам билан деди Антонина.

— Тўйиб кетдим. Товуқ шўрванг мени тез кунда ҳўппа семиз қилиб юборади.— Шу замоноқ яна сўроққа тутишга шошилди:— у русчани биларканми?

— Яхши билмайди, лекин гапларини тушунса бўлади.

— У яна нималар ҳақида гапирди?

— Ҳайвондай ичиб олган вақтларидагина гапирди, бошқа пайтда оғзига толқон солгандай жим юради,— жавоб берди Антонина лейтенантнинг осколка тегиб жароҳатланган кўкрагини ҳафсала билан боғларкан.

— Унга вино қуйиб беришинг қолувмиди?

— Кеча у, тез кунда Сталинградни эгаллаймиз, деди.

— Э, тишлари ўтмайди.

Шундан кейин командир бошини ўранинг деворига ўгириб, анчагача жим қолди.

Тез кунда унга ўрадан ташқарига чиқишни таъқиқлашнинг иложи бўлмай қолди. Кечасини ҳисобга олмаганда бутун вақтини ташқарида ўтказар, қорни билан ерга ётиб олиб, Доннинг ўнг ва чап соҳилларини дурбинда синчиклаб кузатарди. Бир марта Антонина ҳам дурбин билан атрофни кузатганди. Ўшанда терак ва самбиттолларнинг қумлоқ қияликдаги Донга интилган қизғин томирларини шундай олдигинасида кўриб ҳайратда қичқириб юборай деган эди. Пастликда, жар этагида сув шундай қайнаб-биқирлаб оқардики, унга қараб ваҳминг келарди. Шу сабабли дурбинни дарров қайтариб берган эди.

У бир куни лейтенант жазирама маҳалида нон бўлакларини ўра чеккасига ёяётганини кўриб қолди.

— Нега бундай қиляпсан?

У жилмайиб қўйди.

— Қотган нон ҳамма вақт керак бўлади.

Антонина лейтенант ўзи ейдиган нондан орттириб йиғаяпти деб ўйлади-да, ачиниб:

— Энди сенга нонни кўпроқ келтириб тураман.

У аёлни тинчлантирди:

— Мендан бари бир ортиб қолади. Меъёридан кўп ейини ҳам яхши эмас. Кейин кўникиш қийин бўлади.

— Худого шукур, ҳали уним бор.

Бунга лейтенант дарров жавоб қилди:

— Қачонгача сенинг овқатингни еб ётавераман.

Бир куни дурбин билан Дон соҳиллари ва Дон ортидаги ўтлоқларни кузатаётган лейтенант унинг одим шарпасини эшитиб ўгирилиб қаради-да, тўсатдан сўраб қолди:

— Ўғлинг Гришатка нечанчи синфда ўқирди?

— Олтинчида,— деди Антонина, унинг бу жавобдан хурсанд бўлганига ажабланди.

— Бўлмаса, унинг китоблари орасида география дарслиги бўлиши керак. Ўша китобни менга топиб берсанг девдим.

Антонина эртасига Гришатканинг дарслигини келтирганида, дарҳол, китобнинг харита ёпиштирилган жойини очди-да, дарёнинг чап соҳилини ўргана бошлади, ора-чора баъзи нарсаларни сўраб қўярди:

— Манави ўрмонни кесиб нимага йўл очгансизлар?

— Пастликдан бу ёққа хашак ташилади.— Унинг йилтиллаб турган қошлари тикка бўлиб кетганини кўриб қўшиб қўйди:— Соҳилдаги ўтлоқдан.

— Симёгочларнинг нариёгидаги нима?

— У ерда йўл бор.

— Ўша йўлдан ҳеч юрганмисан?

— Ҳа, бир гал Сталинград областидан колхоз учун наслдор буқа олиб келгани борганмиз, у ердан эса пиёда ҳайдаб келганмиз.

Лейтенант жонланиб кетди.

— Барака топгур, ўша йўл ҳақида дурустроқ гапириб бер менга. Ўзи қанақа йўл? Атрофи бий далами ё ўрмондан ҳам ўтадими?

Унинг батареяси ўз ҳовлисига жойлашган вақтдан бери лейтенант уй соҳибаларига кўз олайтирадиган

ҳарбийлардан эмаслигини Антонина сезган эди. Жароҳатлари анча битиб қолгандан кейин ҳам нияти бузилмади. Фақат бир сафар Антонина квартирантлар йўқлигида ўғли Гришатка билан ёзги ошхонада чўмилиб чиққанида:

— Жуда чиройлисан-а...— деб уни биринчи марта кўраётгандек узоқ тикилиб турди-да, кейин сўради:— Анави офицер сенга тегажаклик қилмаяптими?..

— Йўқ, йўқ!— шошиб жавоб берди Антонина.

— Ростданми?

— Ҳа, рост,— қўрқа-писа эътироф этди Антонина, лейтенантнинг ҳамма вақт, ўрадан тепага чиққанида ҳам ажралмайдиган автомати ёнидаги қўли титраб кетганини кўриб.

Аслида бу гап у қадар рост эмасди. Антонина кутганидек офицер эмас, унинг деншчиги таъқиб этаётган, унга ола кўз билан қараётган эди.

Авваллари ўзи тайёрлаган узум виносидан деншчикни ўлгудай ичириб юрди. Бунақа вақтларда у эрталабгача қум-тошдай ухларди. Вино қўр-қути борган сари тугаб борар, янги ачитиб қўйгани эса ҳали етилмаган эди. Майор бор вақтларда одатда босиқ юрадиган деншчик хўжайини кетиши билан шилқимлик қилар, Антонинанинг кетидан қолмасди.

Лекин бирор маротаба ҳам куч ишлатиб ўз муддаосига эришишга ҳаракат қилиб кўрмади. Антонина дуркун, кучли аёл бўлганидан бунга кўзи етмаган бўлиши ҳам эҳтимол. Лекин ёзги ошхонада таом тайёрлаётганида ҳам, тоқлар орасида ўт ўраётганида ҳам, пақир кўтариб Донга тушганида ҳам уни тинч қўймасди. Кечалари ҳам Антонина Гришатка билан ётган ёзги ошхонанинг орқасидан катта ёғоч тамба тиралган эшигини итариб кўрадиган одат чиқарди.

Шунда Антонина майорга шикоят қиламан деб пўниса қилди, чунки деншчикнинг ундан ўлгудек қўрқиб пайқаб олганди. Унинг айтишича майор

кечқурунлари ўз «мерседеси»да гестапога бориб, сўроқ вақтида ҳушини йўқотган асир партизан ва қизил аскарларни ҳушига келтираркан. Қайтиб келгач, майор кун бўйи ойна олдида ўтириб олиб, шнапсли алюмин идишчасини кўзгудаги ўз акси билан чўқиштириб улфатчилик қиларди.

Иоганн Антонинанинг пўписасидан кейин бирмунча муддат жим юрди. Лекин яна илгариги шилқимлигини бошлагач, пўписасини такрорлади. Шунда у бирдан иршайиб, унинг ҳам майорга айтадиган гапи борлигини билдирди.

— Масалан,— деди у Антонинани молхона ичидаги деворга тираб,— нега сен кастрюлькада шунча кўп бинт қайнатдинг, қопқоғини очиб ўз кўзим билан кўрдим.

Шунда у кутилмаган қўрқувдан ўзини йўқотиб қўйган Антонина эсини йиғиб олмасдан пичан ғарамига ағдарди-да, қўполлик билан муддаосини амалга оширди.

Антонина ўзи учун бунчалик қўрқиб кетмаганди. У ўзига келганда таҳқирлангани учун эмас, бутун сир очилиши мумкинлиги ҳақидаги фикрдан сесканиб кетганди. У Иоганни бинтлар қишлоқдан ўтиб кетган госпиталдан қолганлигига, ҳар эҳтимолга қарши уни қайнатиб қўйганига ишонтирмоқчи бўлди.

— Мен бу бинтларни қаердан олганлигинг билан ҳозирча қизиққанам йўқ, лекин бугун бўлмаса эртага қизиқишим ҳам эҳтимол,— деб муғамбирона қараб қўйди Иоганн.

Ана шу «эртага» ташвишида Антонина ўз бошига тушган савдони ўйламай қўйди. У ҳозирча ҳеч нарса билмайди, лекин эртага билгиси келиб қолиши мумкин. У энди жуда ҳам эҳтиёт бўлиши керак. Молхонадаги ўтинлар орасига яшириб қўйган сўнгги бочка тоза виноси иш берадиган пайт ҳам келди.

Иогани винони ичиб кўриб қойил қолди-да, бу немисларнинг рейнвейнидан ҳечам қолишмаслигини айтди. Лекин уни илгаригидагидек эрталабгача уйғонмайдиган даражада маст қилишнинг ҳам иложи йўқ эди. Бу лаззатни узоқроқ чўзиш учун ҳар стакан винодан кейин ёғни горчицага теккизиб газак қилар, шу туфайли жуда секин маст бўлар, фақат уч-тўрт литрдан кейингина ағдариларди. Антонина унинг батомом ўзидан кетганига қатъий ишонч ҳосил қилгач, ўзини ўрада кутаётган лейтенант ҳузурига кетарди. Зарур бўлган пайтларда майор тунги ишини тугатиб, тонг палласида уйга қайтар олдида Иоганни уйғотиб қўйишни ҳам унутмаслиги керак.

Шу туфайли лейтенант олдида узоқ ҳаяллаб қолиши мумкин эмасди.

— Анави ёғочни, кўрдингми, кечаси қирғоққа қанча тортиб чиқарибман,— деди ғурур билан лейтенант бир куни қўли билан жарни кўрсатиб.

Антонина бу ишдан ҳайратда қолди:

— Ўзинг қилдингми?!

У шодиёна кулди:

— Бўлмаса ким бўларди! Жуда катта-я, тўғрими? Сувга тушганингда сен ҳам берироққа тортиб қўй, бўлмаса оқим суриб кетади. Бу ёғига кучим етмади.— У гуноҳкорона жилмайиб қўйди.

— Нима қиласан уни?— ҳайрон бўлди жувон.

Лейтенант ҳам ўз навбатида ҳайрон бўлди:

— Нима қиласан, деганинг нимаси? Сув илиқ вақтида кетволишим керак, бўлмаса қанақа қилиб Дондан сузиб ўтаман.

Антонина эътироз билдирмоқчи бўлди:

— Балки фронтнинг орқага қайтишини шу ерда кутганинг маъқулдир, Николай?..

Антонина унинг оқиш қошлари остидаги мовий кўзлари ғазабнок ўқрайганини биринчи маротаба кўриб жим бўлиб қолди.

— Қачонгача этагинг орасига яшириниб юраман? Мени шунинг учун боқяпсанми?

Унинг важоҳатидан Антонина ҳатто қўли билан ўзини пана қилди:

— Нималар деяпсан, Николай?

Лекин шу ондаёқ лейтенант унинг қўлини ушлаб, кўзига қаради-да:

— Мени кечир, Антонина. Ахир мана бу ўрада ҳар бир товушдан юрак ҳовучлаб ўтира олмайман-ку. Бутун йўлга етадиган қотган нон ғамлаб олдим. Агар Сталинградга борадиган бўлсам ҳам икки ҳафтага етадиган озиғим бор. У ерга етгач, тўнларимизнинг овозидан ўзимизникиларни топиб оламан.

Антонина уни яна қолишга кўндирмоқчи бўлди:

— Ҳали жуда камқувватсан. Дарёнинг оқими бу ерда жуда кучли, унга дош беришинг қийин.

У кулимсираганича ўз фикрини билдирди:

— Анавини нимага тайёрлаб қўйдим бўлмаса? Унинг ёрдамида сузилса ҳеч нарса қилмайди. Кечаси Донни прожектор билан кузатишадиган бўлса ҳам унинг тагида кўринмайман. Сувда бунақа ёғочлар кўп оқиб юради-ку.— Аёл юзларидаги саросимани фаҳмлаб, уни тинчитди:— Мендан хавотир олмасанг ҳам бўлади. Руминия чегарасидан жуда кўп дарёларни кечиб келганман. Ҳатто яроғ-аслаҳа, тўнларимиз билан ҳам ўтганмиз. Менинг аҳволимни тушун, Антонина. Ўзимизникиларга етиб олишим керак, энди бу ерда бир кун ҳам туролмайман. Батареймиздаги от ҳам бир оёғини тиззасигача снаряд узиб кетганида уч оёқлаб сафдаги ўз ўрнига тураверганди. Кейин уни отиб ташлашга мажбур бўлганмиз.

Антонина унинг кўм-кўк паришон кўзларига боқиб, қолишга кўндириш мумкин эмаслигини англади. Бари бир фойдасиз. Шунда у биринчи маротаба лейтенант ўзига ниҳоят даражада яқин бўлиб қолганини чуқур ҳис этди. Яқинлашаётган хайрлашиш онлари

Ўзи учун гоят оғир бўлишини англаб ваҳимага келди.

Бу марҳум эрига нисбатан бўлган туйғусидан бошқачароқ туйғу эди. У ўшанда ҳамманинг ҳурматида сазовор бўлган, энг яхши МТС директори сифатида газеталарда мақталган кишига боғдорчилик бригадасидаги қизлар орасидан ўзини танлаганлиги учун миннатдорчилик сифатида турмушга чиққанини эндигина англади. Улар яхши, осойишта ҳаёт кечирар, Антонина севги деганлари шу бўлса керак деб ҳаёл қиларди. У урушдан салгина олдин Дондан ўтаётганда муз ёрилиб пичан ортиб келаётган машинаси билан бирга чўкиб кетганда қаттиқ изтироб чекди. Бунинг устига қўлида қолган болани отасиз оёққа турғазини, одам қилиш ҳам керак эди.

Фақат ҳозир, ҳаёлида қиёслаб кўриб, севги бутунлай бошқа олам эканлигига ишонди. Севги каталакдай қоронғи ўрани ҳам бирдан ёритиб юбораркан. Қонга беланган бинт ва тер ҳиди ҳам бундай пайтда ёқимли туюларкан. Ўз бағрида ўрани яширган тиканли дарахт ҳам кейинчалик ҳаётингдаги энг муаттар гулдек бутун умрга лаъзат бағишларкан.

Лекин кунлардан бир кун анча соғайган Никитин уни ўз бағрига тортмоқчи бўлганда Антонина:

— Йўқ, Николай, бу яхшимас,— деди-да ўзини четга олди.

Лейтенант таажжубланиб:

— Нега ундай дейсан? Сен ёлғизсан, мен эса бўйдоқ. Урушдан кейин албатта қайтиб келаман барибир. Бизга ҳеч ким, ҳеч нарса халақит беролмайди-ку?!

— Тўғри, Коля, ҳеч ким халал беролмайди. Лекин қайтиб келганингдан кейин бошқа гап. Ҳаяжонланиш сенга тўғри келмайди ҳозир. Ҳали дармонинг йўқ.

Антонинага бу қанчалик қийин бўлмасин ўзини

тийди. Деншчикнинг ифлос қўлларида тўғридан-тўғри унинг қўлига ўтиш гоят бемаънилик бўларди. Бошланишдан уларнинг севгиларини ҳеч қанча ёлгон (гарчи бу унинг ихтиёридан ташқари бўлса ҳам) булғамаслиги керак. Вақт ўтгач эса, балки бу кунлар унутилиб кетар...

— Сенга ҳурматим, меҳрим жуда ҳам ошиб кетди,— деди Никитин ярим қоронғи ўрада милтиллаган кўзлари билан унга тикилиб.— Агар сен рози бўлсанг, мен албатта қайтиб келаман, Тоня.

Аёл бундай гаплардан кейин унинг ихтиёрига берилмаслик учун ўзини зўрға тутиб турарди. Титраётган лаблари билан базўр:

— Мен-ку розиман-а, лекин сен омон-эсон қайтсанг бўлгани,— деди.

— Менга энди бало ҳам урмайди. Сен мени немисларнинг тумшуғи остида омон сақладинг, демак, жоним қаттиқ экан. Мендан ажал ҳам қўрқади, ўқ ҳам ўтмайди.

Антонина бу суҳбатнинг эртасига ўзини нималар кутишини билсайди...

Одатдагидек тонг саҳарда боғ чеккасидаги ўрага қараб юрди. Ўра устига осилиб турган дарахт шохларини қўли билан итариб қарасаки... ўра бўм-бўш. Лейтенант одатда ташқарига чиқиб, дурбин билан атрофни кузатиб ётадиган жойида ҳам кўринмасди. Антонина илтижоли кўзлари билан теварак-атрофга беҳуда жавдирарди. Рўй берган ҳодисага ҳали ҳам ишонгиси келмаган ҳолда тик жарга қараб, Николай сузиш учун тайёрлаб қўйган ёғоч ҳам ўз жойида йўқлигини кўрди.

Деншчикнинг қувноқ овози довдираб қолган Антонинанинг ҳушини жойига келтирди:

— Ҳа, бу ердаминг, ахир топдим-ку. Иоганн сен ўйлаганча анойи эмас. Випо ичириб маст қил-

дим, энди тошдек қотиб ухлайди, деб ўйлабмидинг. У бир кўзи билан ухлаб, бир кўзи билан тухум ва сомсаларни челака жойлаб жўнаб қолганингни кўриб ётганди. Қани кўрсат-чи, буларни кимга олиб келдинг.

Деншчик одатдагидек ҳозир кулимсирамасди, қўли билан Антонинанинг елкасини қаттиқ ушлаб киприксиз совуқ кўзлари билан унга тикилмоқчи бўлди. Немиснинг орқасидаги жар тагида эса Дон дарёси Донец суви билан қўшилган жой зўр бериб бақирлар, қирғоқдаги тўпроқни ялаб қизарган сув томчиларини атрофга сачратарди.

— Энди мен қайси рус илони сени ўз кўкрагида иситаётганини шахсан биладиган бўлдим, — деди деншчик бир қўлининг панжаларини Антонинанинг елкасига қаттиқроқ богириб, нариги қўли билан эса биқинидаги тўппонча қинини пайпаслаб.

Антонина ўзининг бутун дарди-алами, бутун нафратини жамлаб жон-жаҳди билан уни шундай итариб юбордики, ўзи ҳам мункиб кетиб жар ёқасида ўзини аранг тутиб қолди. Антонина шартта ўзини орқага олаётиб, Иоганн жарга орқаси билан қуларкан жон ҳолатда ўра тепасидаги дарахтнинг тиканли шохларига ёпишганинигина кўриб қолди.

Бошқа ҳеч нарсани кўрмади ҳам, эшитмади ҳам. Пастликда эса дарё вишиллар, гирдоб бўлиб айланаётган сув даҳшатли ҳайқирарди. Антонина эсини танигандан бери унга тушган тирик жон омон қолганини билмайди.

Энди майор уйғониб, ўз деншчигини қидириб қолмасдан ўра ичида одам турганидан дарак берадиган жамики нарсани йўқотиши керак. Ўрани асл ҳолига — уй эҳтиёжлари учун лой олинадиган чуқурчага ўхшатиб қўйиш зарур эди. Шунинг учун ўрадан тўпроқ олиб, ёзлик ошхонасининг аллақачонлардан бўён сувоғи кўчиб кетган деворларини чаплагани маъқул.

Бошқасига эса у жавоб бермайди. Майорнинг ўзи ҳам қўлини ювиб қўлтиғига урган, тузалмайдиган ичкиликбоз сифатида қарайдиган деншчик сандирақлаб бирор жойда йиқилиб қолгандир ёки жарга ағнаб тушгандир деб ўйлашлари эҳтимол. Тўхтовсиз ичгани учун уни жазолаш мақсадида станицадаги немис комендатурасига бир неча марта юборди-ку, ахир.

Афтидан, бир неча кун қидиртиргандан кейин майор ҳам шундай фикрга келди чоғи. Бунинг устига уч кундан кейин полицай ака-ука Табуншчиковлар Иоганнинг шишиб кетган жасадини Вербний қишлоғи яқинида дарёдан тутиб олишганда на танасида бирон жароҳат, на кийимида бир зўравонлик нишоналари топилди.

* * *

Армиямиз ҳужумга ўтиб, Сталинграддан бошланган фронт тўлқинлари Донга етиб келганда Антонина Никитинни роса пойлади, қишлоқдан ўтаётган барча батареяларнинг артиллериячиларидан суриштирди. Фронт гарбга ўтиб кетганидан кейин ҳам ундан домдарак бўлмади. Унинг дала почтасига ёзилган хатлари ҳам жавобсиз қолди. Аслида ундан гина қилишга ҳаққим йўқ, мен унга хотин ёки сингил бўлмасам, фронт ўтган ерларда ҳарбийлар орттирадиган оддий бир таниш бўлсам, деб ўйларди Антонина. У баъзи вақтларда боғ, бурчагидаги ўра тепасига бориб, унга термилар, ниманидир кутарди. Бир куни ҳатто ўра ичи ёришиб кетгандек, кимнингдир шарпаси кўрингандек ҳам бўлди. Ҳақиқатда эса бу ер бўм-бўш, қопқоронғи бўлиб, сукунат ҳукм суларди. Ўрани беркитиб турган дарахт ҳам бепарво ва ғамгин кўринарди. Ёввойи гиёҳлар орасида энг ёввойиси бўлган бу дарахтни йўқотиш учун энди ошпичоқ эмас, болта даркор эди.

Урушга кетганлар ўз станица ва қишлоқларига қайтиб кела бошлагандан кейин ҳам, лейтенантнинг ўзи кириб келиши у ёқда турсин, ундан ҳатто бирон дарак ҳам бўлмади. Шундай бўлгач, энди рўёбга чиқмайдиган орзу билан кўнгилни беҳуда юпатмай, ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолгани маъқул. Бу хаёлларга чек қўйиб, ўзини сира кутилмаганда зиммасига юкланган вазифага бағишлаши керак.

Фронт қишлоқдан ғарбга ўтиб кетиши биланоқ аёллар Антонинани колхоз раислигига сайлашди. Аҳвол ниҳоятда мушкул эди. Ҳамма ёқ харобага айланган, ёнган уйларнинг тутини ҳали ҳам бурқсиб ётарди. Қишлоқ ва станицаларда фақат аёллар билан гўдакларгина қолган. Немислар сўйиб ейишга ёки ҳайдаб кетишга улгурмаган сигирларни қўш ҳайдашга ўргатиш лозим эди.

Немислардан кейин колхозда на қоққани қозиғу на оспани хурма қолганди. Ҳаммасини янгитдан қуришга тўғри келарди. Ўшанда, урушдан кейинги дастлабки ҳосил йиғиштирилган паллада Неверов трубкасини бурқситиб, нақ унинг юзига тутун пуркаб, райком ёғоч омбори эмас, буғдойни қандай асрасанг шундай асра, борди-ю нобуд қиладиган бўлсанг, бошинг билан жавоб берасан, деган эди. Ўшанда Антонина қандай йўл билан бўлмасин тахта топишга аҳд қилганди. Ун бочкача винони шахтани мустаҳкамлашга ишлатиладиган ўн машина ёғочга айирбошлаб, милиция постларининг ўқларига чап бериб, шаҳардан қишлоққа олиб боришга муваффақ бўлганди. Ўшанда Неверов Антонинанинг район конференциясидаги узрини эшитиб ҳаммадан қаттиқроқ чанак чалиб, кулган эди.

— Улар орқамиздан отишарди, мен бўлсам Васькага: «Жонинг борми, тезроқ ҳайдасанг-чи!» деб ба-

қирардим. Ұшанда ўқ теккан ойна билан юрибман ҳалигача. Ҳақиқатни олганда, шу ишим учуи мени партиядан ўчириш керак,— деган эди Антонина!

Қарантки, совуқ нафас қилган экан ўшанда.

Антонина район марказидаги бюро мажлисидан қишлоққа извошга қўшилган отнинг тизгинини қўйиб юборганча кириб келди. У гўё туш кўраётгандек эди. Фақат от уйнинг дарвозаси олдида тўхтагандан кейингина эси жойига келди. Зийрак от оқшомги дашт йўллари бўйлаб ўз уйини топиб келганди.

Кўча эшикни очаётиб, деразадан чироқнинг шуъласи тушиб турганини кўрганида ҳам негадир ҳайрон бўлмади. Аслида Гришатка шаҳарга, техникумга ўқишга кетгандан бери чироқни ёқадиган ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Фақат уйнинг эшигини очгандан кейингина дарҳол ўзига келди. Лекин шу ондаёқ ҳамма ёқ айланаётгандек, кўз олди қоронғилашди, кафти билан кўзларини беркитиб олди.

— Сенга нима бўлди? Нима гап ўзи? Бу менман!— дерди қўрқиб кетган Никитин.

— Сенмисан?!

— Ҳа, менман.

— Ростдан ҳам сенмисан?!— кўзини очмасдан қайта сўради Антонина, уни йиқилмасин деб Никитин ушлаб қолганди.

— Бўлмаса ким бўларди? Эҳтимол сен бошқа одамни кутаётгандирсан?— Никитин унинг юзига термилиб кулимсираб гапирарди.— Албатта келаман деб айтгандим-ку. Антонина, нега бундай қалтираяпсан? Ўзингни бос, Тоня, сенга нима бўлди?!

Антонинанинг қулоғига гап кирмасди.

Антонина ўз елкасидаги эски даҳматли гуноҳини олиб ташламасдан уни ўзига яқинлаштиролмасди...

Узоқ давом этган, кишини қўрқувга солувчи жимликдан кейин:

— Бечора, Антонина. Мени деб шунча изтироб чекибсан. Сенинг олдингдаги қарзимни нима билан узсам бўлади?

— Нималар деяпсан, Коля. Омон қолганингни ўзи қарзингни узганинг эмасми? Мени эсдан чиқармай келганинг-чи!— Йиғлаб гапирарди Антонина. У ҳаммасига тушунгани, кечирганидан, ўзининг чекига танаси ва юрагидаги барча нопокликни ювиб ташлашга қодир бўлган шундай севги тушганидан гоят бахтиёр эди.

* *
*

Ҳеч бир инсон эртага уни нималар кутаётганини билмаса керак. Уша Неверов бир ҳафтадан кейин райкомга партия учётига ўтиш учун борган Никитиндан сўраб қолди:

— Хўш, Ватан уруши қаҳрамони, энди нима қилмоқчисан?

Никитин ҳали узил-кесил бир қарорга келмаганди.

— Аввал шароитни ўрганай, ўртоқ секретарь.

— Қачонгача ўрганасан, уруш қаҳрамони? Албатта сен ҳозир дам олишинг, иззат-ҳурматда бўлишинг керак, лекин колхозни ким оёққа турғизади? Яна ўша бевалару гўдакларми?

Унинг сўзларидан гўё Никитин гўдаклару бевалар олдида гуноҳкордай туюлиб қолди. У эътироз билдирди:

— Мен бундай деб ўйлаганим ҳам, гапирганим ҳам йўқ, ўртоқ секретарь.

Лекин Неверов бу психологик усул собиқ жангчиларга қаттиқ таъсир этишини яхши билар, шу туфайли ҳозир ҳам ўз йўлини давом эттираётган эди.

— Лекин ҳозир ҳар бир эркак олтиндан ҳам қимматлигини ўзинг яхши тушунишинг керак. Айниқса, сенга ўхшаган забардаст эркаклар. Бу ерда эркак овозига ҳозир ярим район йиғилади, хоҳласанг, биз сени энг чиройли казак қизига уйлантириб қўйишимиз ҳам мумкин.

Никитин мийиғида кулиб қўйди.

— Ҳимматингиз учун раҳмат, лекин мен, ўртоқ секретарь...

— Ие, уйланиб ҳам бўлдингми? Буни ҳақиқий қаҳрамон деса бўлади. Хўш, мабодо сир бўлмаса, айт-чи, кимга уйландинг ўзи?

— Бу ерда бир танишим бор эди... Каширина Антонина деган.

Неверов эски одати бўйича этигининг қўнжига солиб юрадиган трубкасини олиш учун стол тагига қўл узатди.

— Нима десам экан... Албатта уни районимиздаги энг гўзал аёллардан деб бўлмаса ҳам, ҳар қалай, кўзга яқин аёл, умуман олганда эса...— Неверов қўллари билан ҳавода иккита тўлқинсимон чизик чизди.— Гапнинг сирасини айтганда, биз яқинда унинг масаласини кўришга мажбур бўлган эдик. Лекин бунинг ҳозирги гапимизга алоқаси йўқ. Шахсий ҳаётинг учун бу тўсиқ бўлолмайди. Балки биз ҳам жазони меъёридан ошириб юборгандирмиз; баъзан шароит шунга мажбур қилади. Шикоят қилган бўлса керак албатта?

— Буни ўртоқ секретарь сиздан эшитиб турибман.

Неверов кўзойнагини тўғрилаб қўйди.

— Шунақами? Мағрур-да ўзиям қурмағур. Сен уни анчадан бери биласанми?

— Яраланганимда мени немислардан яшириб оёққа турғазган.

Неверов оғзидаги трубкасини олиб, гугурт чўшқ билан тезалай бошлади.

— Бу ҳол масалага бошқачароқ ёндошишга асос беради. Унга бориб айт, ариза берса эҳтимол партия аъзолигига кандидатликдан ўчириш ҳақидаги қароримизни қайтадан кўраймиз. Мен эҳтимол деб айтаяман, чунки масалани биргина мен ҳал этмайман, бунини ўзинг ҳам тушунасан. Лекин ҳар қандай бўлганда ҳам биз уни колхоз раислигида қолдира олмасдик. Нима қилганда ҳам унинг уйида немис штаби жойлашган. Энди шу колхозга боришингга қўшимча асос ҳам бор экан, Ватан урушининг қаҳрамони. — У шундай деб кресло суянчигига ўзини ташлаганча хахлаб узоқ кулди.

Унинг кулгисидан ҳатто Никитинни тер босиб кетди. Воқеалар шунча яқин тез ривожланардики, Никитин нима қилганини билмай, гарангсиб қолди.

— Қанақа асос ҳақида гапиряпсиз, ўртоқ Неверов? Қаерга борамай?

Неверов кулгини тўхтатиб, кресло суянчигидан столга эйгашди.

— Сен жанг майдониди ҳам шунақа гарангсиганмидинг? Охир ги пайтда фронтда қанақа иш қилгансан ўзи?

— Артиллерия дивизионига қўмондонлик қилганман.

— Колхоз раислиги ҳам дивизия командирлиги бўлмаса-да полк командиридай гап. Сенинг колхозинг йириклашгандан кейин саккиз минг гектар буғдой-зорга эга бўлади. Яйлов ва узумзорларни ҳам қўшганда ўн уч минг гектар ерга эга бўласизлар.

Никитин масаланинг моҳиятига эндигина тушуниб, ёлворишга ўтди:

— Ўртоқ Неверов, ахир мен қишлоқ хўжалигида...

Лекин райком секретари трубкаси ўтхонасидан тутиб столга тақ-тақ урди-да:

— Фақат осен эмас, ҳамма ҳам аввалига шундай

дейди. Аста-секин ўрганиб кетарсан. Жавобгарликдан қўрқясанми? Ватан урушининг қаҳрамони ҳам шунақа бўладими? Ҳозир бюро аъзоларининг фикрини сўраб қарор чиқарамиз, бир ҳафтадан кейин колхозда мажлис ўтказамиз, қўйнидан тўкилса қўнжига деганларидек, Каширинадан ишни қабул қилиб оласан. У сени иш билан таништиради. Сенинг яхши ишлаб кетишинг унинг ҳам обрўси-ку. Умид қиламанки, бу нарса сизларнинг асал ойингизни бемаза қилолмайди. Лекин жуда мағрурда ўзиям! Танлаган хотининг ўз характери билан бутун районга танилган қаҳрамон.— Неверов совуқдан жунжиккандай елкасини қисиб қўйди-да, столдаги телефонга ёпишди:— Молчановми? Сен бўлсанг Бирючинск колхозига лойиқроқ одам йўқ девдинг. Раисполком ҳам одамларни дурустроқ ўрганса бўларди. Менинг ҳузуримга бирпасга кириб кет-чи.

Никитин район марказидан ғоят паришон ва довдираган ҳолда кириб келди. Антонинанинг кўзига ҳам қаролмай, Неверов билан қилинган суҳбатнинг қутилмаган натижа билан тугаганлигини унга гапириб берди. Ҳозир Неверов узоқда эди, шунинг учун Никитинга унинг истеҳзоли, синчков, шунингдек салобатли қарашлари, сўзларни усталик билан донадона қилиб териши ҳозир таъсир кўрсата олмасди. Никитин ҳикоясининг охирида бутунлай асабийлашиб кетди:

— Бари бир рози бўлмайман! Обкомга бораман, биринчи секретарнинг олдига ҳам кираман. Комбайн билан тракторнинг фарқига боролмайдиган одамни колхозга раис қилиб қўйиш бизнинг давримизда ақлга сиғмайдиган нарса-ку ахир. Эрталабоқ обкомга жўнайман.

У Антонинанинг пигоҳи билан тўқнашиб қолмас-

лик учун кўзини четга оларди. Умрида ҳеч қачон ҳозиргидек ноқулай сезмаганди ўзини. Антонина қилган барча яхшиликларга унинг жавоби шу бўладими. Унинг покиза муҳаббатига-я! Бу хиёнат билан баробар-ку, жангда ҳам, бутун ҳаёти мобайнида ҳам у бундай хиёнат кўчасига кирмаган. Ҳеч қанақа Неверов уни ўз йўлидан қайтара олмайди, ундан бошқа одам ясай олмайди. Борди-ю шундай қилса унинг вафодор, меҳрибон кўзларига қандай қарайди! Оғир уруш шароитида юзларча кишига бошчилик қилган жанговар командирни кўзойнак тақиб олган ўша айёр қорасоч одам лақиллатиб кетаверадими?

Бундай бўлиши мумкинмас! Мендан қанақа колхоз раиси чиқарди?! Эшитган одам кулади-я. Эртага-ёқ обкомга бериб бутунлай воз кечаман.

Никитин ўз қароридан енгил тортиб, райкомдан келганидан бери биринчи маротаба Антонинага рўй-рост қаради.

Антонина унинг фикрини қувватламаганига Никитин ҳайрон бўлди. Аксинча бўлди. У Антонинанинг бу гапга бутунлай бошқача қараганига ажабланди.

— Буни хаёлингга ҳам келтирмай қўя қол, Коля,— қатъий гапирди Антонина, уни обдон тинглагандан кейин.— Неверов тўғри айтибди, ҳеч ким раис бўлиб туғилмайди. Фронтида шунча одамга сардор бўлган экансан, колхозимизни эплаштириб кетасан. Ҳозир қишлоғимизда раисликка сендан бўлак муносиброқ эркак йўқ, ўзинг биласан, кексалар ва болаларни бу ишга қўйиб бўлмайди. Аёллар ўз вазифаларини адо этиб бўлишди, улар ҳам дам олишсин. Мен ҳам чарчадим, Коля. Агар мени деб шундай қилмоқчи бўлсанг беқор қиласан. Бу ишинг хато. Сен ҳозир мен ҳақимдамас, колхоз тўғрисида ўйлашинг керак. Колхоз қандайдир товламачи одамларнинг қўлига тушмагани яхши-ку, ахир. Бу жудаам

яхши, Коля. Урушдан олдин районимиздаги учта колхознинг расвосини чиқариб, ҳозир тўртинчисини соғиб ичаётган Черенковга ўхшаганларни юборишганда нима бўларди? Мен бари бир Неверов билан бирга ишлолмайман. Раисликни эплайсан, Коля, жуда яхши эплаштириб кетасан. Кўкрагингдаги шунча мукофотни бекорга олмагансан-ку, паҳлавоним!— Антонина унинг орден ва медалларини силаб, тўғрилаб қўйди.— Олдинига, агар қийналиб қоладиган бўлсанг, қўлимдан келган ёрдамимни аямайман, кейин ўз йўлингни топиб кетасан.

Никитин Антонина хафа бўлар деб ўйлаган, шу туфайли ўзини унинг олдида гуноҳкор деб ҳисоблаётган эди. У бўлса ҳатто хурсанд бўлди-я. Никитинга бўлган севгиси туфайли ўзига нисбатан қилинган адолатсизлик ҳам, шахсий алами ҳам унутилиб кетди. Антонинага тикилгани сайин унинг ҳайрати орта борарди. Буларнинг ҳаммасига нима билан ва қандай қилиб жавоб беради? Антонина ўзини севганичалик сева оладими уни?..

Бу суҳбат давомида Антонина фақат бир марта, ўшанда ҳам бир нафасга ғамгин тусга кирди.

— Лекин ҳисобот-сайлов йиғилишига, сенинг номзодинг қўйиладиган мажлисга бормайман, Коля. Барча мажлисларда мен албатта қатнашардим, лекин бу сафар бора олмайман. Бунинг учун мени кечир. Агар мен мажлисга борсам, иш бузилиши мумкин. Бизнинг казак қишлоғимиз жуда аҳил. Одамлар сени ҳали яхши билишмайди. Мажлисга борсам улар сени сайламасликлари мумкин.

Унинг гапи эллик фоиз рост чиқди. У йиғилишда қатнашмади. Лекин бу билан торгина қишлоқ клубининг деворларини титратгудек эҳтирос заррача пайсайдим. Йиғилишда райком секретари Неверовнинг шахсан ўзи қатнашаётганлиги ҳам ёрдам бермади,

қайтага яранинг устига туз сепгандай бўлди. Неверов президиум столи ёнидаги ўрнидан туриб, трубкасини оғзидан олиб: «Райком бюросининг тавсиясига биноан Будённый номли колхоз раислигига...» — дейиши билан ҳар тарафда қичқириқ, луқмалар бошланиб кетди:

— Каширина!

— Антонина Ивановна бўлсин!

— Четдан келган одамлар керак эмас!

— Бизга Каширинанинг ўзи маъқул!

Бундай бақириқ-чақириқлардан кейин Неверов қизариб кетиб, трубкасини оғзига солганича, тутунга бурканиб, жойига ўтиришга мажбур бўлди. Залда кулги авжига чиқди.

— Бундай чекишда тамаки етмай қолади.

— Настюра, қўлбола тамакингдан опчиқиб бер, сенда кўп-ку!

— У қўлболасидан чекмайди-да!

— Ўзиям жуда қўланса бўлади-да!

— Нима қўланса бўлади?

— Жинни бўлмай ўл!

Никитин ҳам қуруқ қолмади. У фронтда ҳеч маҳал тили бийрон казак аёлларидан ҳозиргидек изза бўлганичалик оғир аҳволга тушганини эслолмайди.

— Антонинаникида турадиган йигит шу экан!

— Раҳмат айтгани бўлса керак-да бу.

— Йўқ, у ҳам ўз ихтиёри билан раис бўлаётганга ўхшамайди.

— Кўзлари билан ер чизиб ўтиришини кўрмайсанми.

— Уларнинг ҳаммаси ҳам бир гўр, тайёр ошга баковул.

Хутор аёлларининг ҳайқиригидан клуб деворлари яна ларзага келди:

— Ҳарбийлар ҳам, орденлилар ҳам керак эмас бизга!

— Каширина раис бўлсин!

— Антонинанинг ўзи!!

Қишлоқ боғларини ўз оғушига оладиган оқшом тушиши билан бошланиб, қишлоқ итлари оёққа турадиган, хўрозлар ҳам янги кунни қаршилаб қичқира бошлайдиган ғира-шира паллада тугайдиган мажлис қаторасига уч кеча давом этди.

Никитин бундай мажлислардан қайтгач, Антонина ундан ҳеч нарса сўрамасди. У Никитиннинг афтангорига бир нигоҳ ташлаши билан ҳамма нарсани англаб оларди. Унинг чеҳраси эса тобора жиддийлашиб борарди. Каравотга ўзини ташлаганича порлаб турган кўзлари-ла шифтга тикилиб ётарди. Бир куни Антонина бошини унинг кўкрагига гуноҳкорона қўйиб:

— Бечора,— деб қўйди.

Никитин лом-мим демай, секингина юзини девор томонга бурди.

Тўртинчи куни Неверов колхоз идорасида Никитинга:

— Қимматли рафиқангнинг ўзи қатнашмаса иш битмайдиганга ўхшайди. Бутун колхозни қанчалик ўз қўлига оливолганини сездингми? Қишлоқ аҳлининг доҳийсига ўхшайди-я худди. Бу иш билан ҳам шуғулланишга тўғри келади. Каширинага бориб айт: собиқ партия аъзолигига кандидат сифатида партия йўлини амалга оширишга ёрдам берсин,— деди.

— Уртоқ Неверов, шу гапларни унга ўзингиз айтсангиз яхши бўлармиди,— жавоб берди Никитин.

Неверов қўлларини силтаб:

— Қўйсанг-чи, бу ишни мен қилмайман. Бу иш ҳали нима билан тугаши номаълум. Бунинг устига менга ола кўз билан қарайди, жини ёқтирмайди мени. Сен, Никитин, ўз хотинингни ҳали яхши билмайсан. У балки сенга меҳрибондир, лекин мени ко-сов билан қувлаши ҳеч гапмас,— деди.

— Йўқ, ўртоқ Неверов, Каширина бу масалада сизнинг тарафингизда.

— Ростданми? Унинг ўзи айтдимми буни сенга?

— Ҳа, ўзи.

— Ана, айтмадимми, унга ишониб бўлмайди деб. Беш минутдан кейин бутунлай ўзгариб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Сенга шундай дейди-ю, мен борсам тўнини тескари кийиб олади. Казак аёллари айёр бўлади, шунақа. Майда-чуйда нарса деб райондаги обрўйимга путур етказайми. Масала фақат менга борлиқ эмаслигини ўзинг ҳам фаҳмлаётган бўлсанг керак. У ҳали обкомга ҳам боради. Йўқ, Никитин, колхозга ўзинг раис бўладиган бўлганингдан кейин бу ёғини ҳам ўзинг эплаштир.

— Павел Иванович, Каширина мажлисга боролмайман деб айтди-да ахир.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да: бутун районда мағрурликда у билан бас бойлашадиган аёл йўқ. Пленум ва конференцияларда роса қонимизга ташна қилган. Гапнинг сирасини айтганда, ундан зўрға қутулдик ўзи. Сенга ҳавас қилмайман. Лекин бу алоҳида масала, шахсий ишинг. Гарчи бизнинг давримизда шахсий масала бўлмаса ҳам мен бунга аралашмайман. Унинг олдига борганда, ҳаммасини тушунтир — бу сенга партия топшириғи. Партия топшириғини бажара олмаганлар нима бўлишини яхши биларсан? Шунинг учун ҳам бу масала фақат сенинг оилавий ишинг эмас. Бизнинг вазифамиз колхозчилар ўртасидаги носоғлом кайфиятга нима қилиб бўлса ҳам барҳам бериш. Ҳозир бу биз учун энг принципиал масала. Ишга кириша қол. Ўз хотинингга сўзинг ўтмаса, қанақасига Ватан урушининг қаҳрамони бўласан. Бунақада сен уни кечаси ҳам... — Никитиннинг авзойи ўзгара бошлаганини кўриб қўлларини столга қўйди-да, — ҳазиллашдим. Умуман, нима қилсанг ҳам айтганимни бажар, — деди.

Неверов «базар» сўзини осонгина айтди-қўйди. Никитин эса Антонинанинг шу вақтгача ўзи ўтирган раислик стулига энди уни ўз қўли билан ўтқазиб қўйишига эришиши керак, гапини қаранг-у. Унга берган азоблари камлик қилган экан-да?

Агар Антонинанинг ўзи бу гапни тўсатдан бошламаганда, эҳтимол Никитиннинг тили бунга бормаган бўларди. Уша куни Никитин туш вақтида овқатлангани идорадан уйига келганда Антонина шундай деди:

— Ҳар қалай, бугун кечқурун мажлисга бормасам бўлмайдиганга ўхшайди, Николай.

Антонина бу ерда бутунлай бошқача қиёфада намоён бўлди. У қишлоқ клуби саҳнасининг чеккасига чиройли тикилган кўк костюм кийиб, жиддий чиқиб келди. Антонина костюмининг ёқасига қизил гул тақиб олган эди. Унинг ҳозирги қиёфаси Никитин одатланиб қолган қиёфасига сира ўхшамасди.

Антонина одамлар билан тўла жажжигина клуб залига кўз югуртирди.

— Онаси тўйга кетган болалардек суюниб қолиб-сизларда,— у бу гапни оҳистагина айтса ҳам зал пашша учса эшитилгудек тинч бўлгани учун ҳар бир сўзи йиғилганларга аниқ етиб борди.— Боғларда узилмаган узумлар чириб ётаверсин, даштдаги ерни шамол ҳайдаб берсин экан-да. Раисликка Черенковни хоҳлаб қолганларинг ростга ўхшайди.— У бу гапдан кейин тамаки тутуни ортига яшириниб ўтирган Неверовга аста қараб қўйди.— Павел Иванович, сиз бу илтимосни амалга оширишингиз қийин эмас. Келинг, Черенков бизнинг колхозни ҳам ичиб, кафангадо қилиб қўя қолсин...

— Каширини, ҳаддингдан ошаверма,— луқма ташлади Неверов тутун пардаси орқасидан. Унинг сўзлари залдаги ғовур-ғувур орасига кўмилиб кетди.

- Черенков керакмас бизга!
- Бизга эски раисамизнинг ўзи бўлаверади.
- Бошқа ҳеч ким керак эмас!
- Каширина раис бўлсин!
- Ўзинг қолавер, Антонина!

Аввалги кунлари клубдаги бундай ғала-говурни ҳеч ким тинчита олмаган эди. Ҳозир эса Антонинанинг қўли ишораси билан залга саҳро сукунати чўкди-қўйди. Очиқ деразадан Дондан ўтиб бораётган шатакчи катернинг овози ҳам эшитила бошлади.

— Авваламбор, мен энди Каширина эмас, Никитинаман.— Залда бошланган кулги босилгунгача қараб турди-да, давом этди:— Иккинчидан, колхозимиз раислигига ҳам райком Никитинни тавсия этяпти.— Кулги яна авж олди. Шунда Антонина бирдан залдагиларга таъзим қилди.— Ҳурматингиз, ишончингиз учун раҳмат, лекин мен энди раислик папкасини кўтара олмай қолдим. Бу папкани эндиликда билаги бақувватроқ одам кўтариши керак. Қўшга сигирни қўшиб ер ҳайдаладиган вақтларда биз, аёллар қўлимиздан келган ишни қилдик, ҳозир давр бошқа, энди тракторларни ишлатамиз. Менинг аҳволимни ҳам тушунинглар. Колхоз кичкиналигида бир амаллаб бошқариб турдим. Колхозимиз тез орада жуда йириклашади, буни ўртоқ Неверов ҳам тасдиқлашлари мумкин. Колхоз ерлари уч минг гектардан ўн минг ёки ўн икки минг гектарга кенгаяди.

— Бу масала ҳал бўлган,— Неверов тасдиқлаб қўйди.

— Шунинг учун ҳам сизларга энди бошқача бошлиқ керак.

Антонина клубга келгандан бери биринчи мартаба Никитинга зимдан қараб қўйди. Никитин хотинининг костюмига қистирилган чиннигулга тикилганча ўтирарди. Антонина сўзини тугатаётганда ранги оқариб кетганига ҳам кўзи тушди.

Антонина сўзини тугатди. Уч кундан бери жар остидаги ўпқондай бақирлаётган кишилардан энди бошқача гаплар чиқа бошлади. Никитин саҳнадан туриб залда ўтирган аёл ва эркакларга ҳайрат билан тикилар, уларни таниёлмасди. Аёлларни-ку айниқса. Гўё уларни бир неча минут ичида алмаштириб қўйгандек эди. Неверов уч кундан бери эпполмаган нарса осонгина ҳал бўлди-қўйди.

Никитинни нонкўрликда айблаётган аёллар энди унинг тўғрисида илиқ сўзлар ҳам гапира бошлади.

— Унинг уйидаги ўрада кўкрагидан яраланиб ётган командир шу-да.

— Гришка Черенковнинг кераги йўқ бизга!

— Антонина қурмагур зап ажойиб эрни топиб олибдими!

— Эҳ, қизлар, менинг ҳам қармоғимга шунақаси илинарманки?

— Мажлисдан кейин яна ўша ўрани қидириб кўрайлик. Зора, бизга ҳам топилиб қолса.

— Антонина шундай деяётган экан, ёмон бўлмаса керак.

— Эру хотин қўш ҳўкиз-ку, ахир.

— Чаккига ўхшамайди, йирик колхозга раис бўлса арзийди.

— Келинлар, овоз бера қолайлик. Бу мунозараю музокараларда ўзимиз ҳам ачиб кетдик.

— Яна чиндан ҳам Черенковни ўтказиб қўйишмасин.

Балки ҳаммадан ҳам ана шу пўписа одамларга кучлироқ таъсир қилгандир. Ҳар қалай, Неверов саҳна чеккасига чиқиб, трубкани оғзидан олиб: «Райком бюросининг топшириғига мувофиқ колхозингиз раислигига...» — дейиши билан гапини тугатишга йўл қўйишмади:

— Бидамиз!

— Олдимизда ўтирибди-ку.

— Овоз берилсин!

Никитин номзодига ҳамма овоз берди. Фақат Антонинагина саҳнадан тушиб, овоз беришни ҳам кутмасдан, қаторлар орасидан эшикка қараб тез-тез юрганича чиқиб кетди.

— Хотининг жуда артист-да,— ҳайратланиб гапирди Неверов Никитин билан мажлисдан кейин машинаси олдида ҳайрлашаркан.— Ўзи ўт қўйиб, яна ўзи сув сеппиб бирпасда ғойиб бўлди-қўйди. У ҳали бошингга кўп маломатларни солмаса дейман.— Неверов бирдан ўзини орқага олди, чунки бу пайт Никитин унга иягини иягига тирагундек бўлиб тақалиб қолганди.— Ў-ҳў, ҳали сенинг ҳам жиловингни тортиб ўтиришга тўғри келмаса деб чўчиб қолдим.

У шундай деди-ю машина эшигини тарақлатиб беркитди.

Икки ҳафталардан кейин жар ёқалаб ўтиб бораётган Неверов қудуқдан сув олаётган Антонинани кўриб қолиб, шофёрга машинани тўхтатишни буюрди-да, эшикдан бошини чиқариб гап қотди:

— Мажлисда бизга жуда катта ёрдам бердинг, қойил, Антонина Ивановна. Сен аралашмасанг балки Никитиннинг номзодини ўтказа олмасмидик. Ҳа, ўтказа олмаслигимиз тайин эди. Сен бу билан ўз манфаатингни ўйлаган, оилангни мустаҳкамлашга интилган бўлсанг ҳам, лекин ҳар қалай яхши иш қилдинг. Нима қилсаям партия таълимини олгансан-да. Умуман, райком сендан миннатдор. Бир оз вақт ўтгач, сенинг ишингни қайта кўриб чиқиш ҳам мумкин бўлар.— Антонина сув тўла челақларини бирин-кетин обкаш илгақларига илиб индамай уйига кетаётганини кўриб, шофёрнинг биқинига туртди:— Ҳайда, ҳайда деяпман. Рулда ҳам ухлайдими одам?!

Қишлоқ ҳали ҳам ҳаяжонда эди. Жар тубидаги сувдай бақирларди. Айниқса мажлисда: «Бизга четдан келганлар ҳам, ҳарбийлар ҳам, орденлилар ҳам керакмас!» — деб ҳаммадан қаттиқроқ қичқирган Настюра Шевцованинг жазаваси ҳамон босилмасди. У ҳар бир ҳаракати билан янги раисни беҳурмат қилишга интиларди. Никитин бригада ва фермаларни айланиб юриб молхонага кириши билан Настюра дарҳол бутун ишини йиғиштириб қўйиб эшик олдида ўрнатилган эшакка оёғини чалкаштириб ўтириб олардида, комбинезони чўнтагидан «Прибой» папиросини чиқариб ҳалқа-ҳалқа тутун таратишга тушарди. Никитин фермада қанча вақт бўлса у шу алфозда оёқларини ликиллатганича лаблари орасидан чиқиб осмонга интилаётган папирос тутунларини томоша қилиб ўтираверарди.

Никитин буларни ҳаммаси атайин, унинг жиғига тегиш учун қилинаётганини ҳис этиб, анчагача чурқ этмади. Лекин бир куни ахир чидай олмади.

— Сенинг танаффусинг соатлаб давом этадими? — деди Никитин молхонадан чиқаётиб Настюра олдида тўхтаб.

У папиросини яна устма-уст тортди-да, ҳалқа-ҳалқа тутун чиқариб:

— Мен ҳеч қаёққа шошаётганим йўқ, — деб қўйди.

— Кабутар учиришни машқ қиляпсанми?

— Топдингиз. Хоҳласангиз сизни ҳам ўргатишим мумкин. Бунинг учун кўп ҳақ олмайман. — Бўялган лабларини чўччайтириб, ҳунарини намойиш қилиб кўрсатди.

— Сигирлар елинигача ифлосга беланиб ётса ҳам майлими?

Настюра пинагини бузмай:

— Олинг, — деди.

— Нимани?— деди Никитин ҳайрон бўлиб.

— Белни-да. Ана бурчакда турибди. Сигирнинг тагини қандай тозалашни кўрсатиб беринг.

— Уялмайсанми шу гапни айтгани?

Настюра ўрнидан тураётиб папиросни ерга ташлади-да, оёғи билан мижгилаб эзди.

— Нимадан уяламан. Сиз аввал Антонина Ивановнанинг қўйнига кириб, сўнг раислик ўрнини эгаллашга уялганингиз йўқ-ку. Шундан кейин ҳам колхозчилар сизга итоат қилишларини хоҳлайсизми?!

Никитин қамчи еган отдай ирғиб тушди, бурнигача оқариб кетди. Лекин унга шивирлагандек оҳиста жавоб берди:

— Ҳеч нарсани билмайсан-у, тилим бор деб вайсайвераркансан-да, сен истасанг-истамасанг энди колхозга Каширина эмас, Никитин раис. Агар кечқурунгача сигирларнинг тагини ёғ тушса ялагудек қилиб тозаламасанг, қайтишимда кавушингни тўғрилаб қўяман. Йигирма йилдан бери молхонада гирдикапалак бўлаётганингга ҳам қарамайман. Гап тамом. Марҳамат қилиб белни олгинда, буйруғимни бажар!

Никитин далаларни кўздан кечириб, кечқурун шу йўл билан қайтаётганда яна молхонадан хабар олди. Настюра Шевцова худди эрталабкидек оёқларини чалиштириб папирос чекиб ўтирарди. Лекин молхона обдан тозаланган, ҳамма ёқ саранжом-саришта, сигирлар тинчгина хашак чайнаб ётишарди. Никитин ҳамма ёқни синчиклаб кузатди-да, лом-мим демай чиқиб кетди.

Орадан талайгина вақт ўтгач, Никитиннинг номи райондаги энг яхши колхоз раиси сифатида машҳур бўлган, портретлари худди Каширина сингари газеталарда тез-тез босилиб турадиган кезларда ҳам унинг умидсизликка берилишини, ўзи билан ўзи олишаётганини ҳеч ким хаёлига келтирмасди. Мухбирлар

туғма раис деб кўкларга кўтараётган бу одам кочқурунлари уйига қайтгач остонадаёқ хотинига шундай бақирардики, азбаройи оғзидан туфук сачраб кетарди:

— Мендан ҳеч қачон колхоз раиси чиқмайди. Буни мен ўшандаёқ билганман!.. Мен ҳеч қачон бу лаънати қишлоқ хўжалигида ҳеч нарсанинг фаҳмига бормаганман, бундан кейин ҳам боролмайман!— Кейин у хотинига ялинишга тушарди.— Тоня, каллам торс ёрилмасдан шу раисликни тезроқ яна ўзинг қабул қилиб ола қолсанг-чи.

Фақат Антонинагина унинг бундай кайфиятидан воқиф эди. Фақат уларнинг иккаласигина эр-хотин ўртасида қандай гап-сўзлар бўлиб ўтганини кейинчалик эслашлари мумкин эди.

— Бундай одамлар билан коммунизм қуриш у ёқда турсин, социализмни бой бериб қўйиш ҳам ҳеч гапмас. Қаёққа қарасанг ўғри. Бир қарасанг, бирортаси колхоз ғарамидан қайиқда хашак ўмариб келаятган бўлади, бошқаси полиздан қопда тарвуз ўтирлайди, фермадан уйига сут ташийди. Аёлларнинг бирортаси ишга челақсиз бормади.

— Улар челақда тушликка овқат олиб боришади-да, Коля,— деб қўйди Антонина.

— У ердан челақларини тўлдириб помидор, пиёз ёки узум олиб кетишади. Ҳеч қайсиси челагини қуруқ олиб кетмайди. Мен ҳовлингдаги ўрада душманлар қуришовида ётганимда ҳам бунчалик қийналмаганман. Фронгда ҳам нима қилишимни яхши билардим. Бу ерда ҳаммаси ўзимизникилар; бевалар, собиқ солдатлар-у, лекин улар билан тил топишиб бўлмайди. Сира эпини қилолмайсан.

— Сенингча ким билан тил топишиб бўлмайди, Коля?— кулимсираб сўради Антонина.

У энсаси қотиб қўлини силтади.

— Қошки ўзинг яхши билмасанг. Уларнинг қай бирини айтай. Мапа, масалан, дугонанг Настюра Шев-

цовани олиб кўрайлик. Лабларини роса бўяб олади-да, папиросини тутатиб, тутун орасидан чақчайган қора кўзларини қадаб, нақ одамни ўққа тутади. — Антонина кулимсираган кўзлари билан Никитин Настюранинг қилиқларини аниқ тасвирлаб бераётганини кузатарди.

— Унга ҳақиқатан ҳам қийин, Коля. Шунча сигирга овқат бериш, тагини тозалаш, ўзини ювиб-тараш, соғиш албатта оғир-да. Бунинг устига уларга хашакни ҳам аравада ўзи олиб келади.

— Бўлмаса унга ким келтириб беради? Колхозимизда ҳали анча вақтгача одам етишмаслигини ўзинг биласан-ку. Ҳозирги болалар катта бўлгунгача шундай бўлаверади.

Антонина маъюслик билан унинг фикрига қўшилди:

— Бу гапнинг рост. Настюранинг характери ҳақиқатан оғир, лекин унга бошқачароқ муомала қилсанг бўлармиди. У яхши гапнинг гадойи. Шундай қилсанг жонини ҳам аямайди. У эри қўл-оёқлари чўлтоқ бўлиб қолганлигини, энди қишлоққа бутунлай қайтмаслигини ёзгандан кейин чекадиган бўлиб қолди. Эри ўзи турган жойнинг адресини ёзмаган, ҳатто милиция ёрдамида ҳам, радио орқали ҳам қидириб кўрди — бўлмади. Коля, сен у билан бошқачароқ муомала қилиб кўр-чи.

Никитиннинг баттарроқ жаҳли чиқарди.

— Бутун колхоз қўлимда бўлса, дуч келган бунақанги тақводор билан оғиз-бурун ўпишишга вақт қайда.

— Ҳеч ким сени шундай қил деётгани йўқ. У эридан хат олгандан бери бошқачароқ, художўйроқ бўлиб қолди. Настюра олдида мен гуноҳқорман. Энди раисликка сайланган кезларим бўлгани-чун нима қилишимни билмаганман. Унинг бошига мусибат тушиши ўша вақтга тўғри келди. Руҳоний Виссарион ҳам уни ўша

пайтлари ўз домига илинтирган. Настюрани унинг чангалидан қутқариб олиш ҳали ҳам кеч эмас.

— Шу етмай турувди менга. Сенинг Настюрани деб энди руҳоний билан жанг қилишим қолувди. Хафа бўлмагин-у, Тоня, ҳаммаларинг бир-бирингни шундай қўллаб-қувватлайдиган бўйсизларки, асти иложи йўқ. Ўринлими, ўринсизми, бари бир орага тушаверасизлар. Бундан колхоз зарар кўради. Балки аввало мана шу иллатга қарши уруш очган яхшидир.

— Коля, сен қишлоғимиздаги қайси одам билан урушмоқчисан? Бебалару болалар биланми? Сен ҳали уларни дурустроқ билиб ҳам олганинг йўқ-ку, қишлоғимиздагилар ўзига яраша мағрур одамлар, бунақада уларга узоқ раҳбарлик қилолмайсан. Фронтдаги одатларингни бу ерда бугунми, эртами, бари бир ташлашга тўғри келади, Коля.

Бунақанги гапдан кейин Никитин ўзини шунчалик йўқотиб қўярдики, одатдагидай хотинини Тоня деб аташни ҳам унутарди.

— Фронтдаги одатларимнинг бу ерга алоқаси йўқ, Антонина. Ўзинг эса раисона одатларингни чиндан ҳам ташласанг бўларди. Шундоқ ҳам районда бизнинг колхозда бир эмас, иккита раис бор деб гапиришяпти. Ҳатто Неверов охирги пленумда менга қараб: «Ўз каллагиз билан ўйлайдиган пайт келмадимикан, ўртоқ Никитин?» деб уялтирди.— У Антонинанинг юзига гуноҳ-корона тикилиб, ялинишга тушди:— Тоня, сенинг ёрдамингсиз дастлабки пайтларда ҳеч нарса қилолмасдим, бунинг учун сенга раҳмат. Лекин энди чиндан ҳам сенинг кўрсатмангсиз ишлаб кўрай. Шунда тезроқ иш ўрганаман. Фақат бунинг учун ранжимасанг бас.

Антонина эрини тинчитди:

— Нега сендан ранжирканман.— У шу заҳотиёқ худди бир вақтлар ўрада Никитин ваъда берганидагидек:— Яхши, энди бундай бўлмайди,— деди.

Кишилар билан муомалада фронтдаги одатларини қўллаганлиги учун колхозчилар анча вақтларгача Никитинни кўрс, ҳатто тошбағир одам деб ҳисоблаб юришди. Лекин унинг бунақа одам эмаслигини Антонина яхши биларди. Никитин қишлоқ болалари билан жуда тез тил топишиб кетди, болалар эса одамнинг қанақалигини дарров билиб олишади. У қишлоқдан ўтаётганида ёки дашт йўли ёқасида болаларни учратиб қолса бирортасини ҳам қолдирмай машинасига ўтқазиб, бригадама-бригада айлантитар, ошпазларга айтиб уларни яхшилаб овқатлантирарди. Ошпазлар эса ортиқча хўрандалар кўпайганидан хурсанд бўлишмасди, лекин гўштли, мазали боршчдан бир-икки товоқдан сузиб беришга, тарвуз билан меҳмон қилишга мажбур бўлишарди.

Никитин болалар боғчасидан ҳам тез-тез хабар олиб турарди. Боғчадаги кичкинтойларгача раисни таниб қолишган, шу туфайли кириши биланоқ қурсаб олишарди. Раис ўз навбатида улардан ҳар бирини исмигача биларди. Улар билан катталардек суҳбат қилиши, туш пайтларида кичкина стулга ўтириб бирга овқатланиши кичкинтойларни айниқса хурсанд қиларди. Кечқурун ишдан қайтганда улардан энг қизиқларининг қилиқларини Антонинага ҳаяжон билан гапириб берар, охирида гапни ҳамма вақт бир нарсага олиб келиб тақарди:

— Фарзандсиз ўтяпмиз. Болалик уй бозор дейишади...

— Менинг ёшим ўтиб қолди.

Шунда унинг жаҳли чиқарди:

— Қанақасига ёшинг ўтиб қолади? Сенинг ёшингда фарзанд кўриш гуноҳ бўлибдими? Ўғил ёки қизча кўрсак, уни катта қилишга ҳам улгурамиз ҳали. Сен ҳали ёшсан, ҳатто ҳар қандай ёш жувонни ҳаваси келади сенга.

— Одамлардан андиша қиламан, Коля. Ўғлим

кап-катта йигит бўлиб қолди, яқинда техникумни та-
момлаб келади-я.

Никитиннинг баттар жаҳли чиқарди:

— Ўғлинг сенга қозимиди, унинг нима иши бор? —
Кейин Антонинани эркалаб, илтижо қилишга тушар-
ди: — Хўп дея қол, Тоня. Туғиб берсанг сени бошимга
кўтариб юришга ҳам тайёрман!

— Наҳотки ҳозир севмасанг? — кулимсираб мотга
тутарди Антонина.

— Унда ҳозиргидан ҳам кўпроқ севардим-да.

Бу хилдаги гаплар ўғли Григорий техникумни ту-
гатиб келгунгача давом этди. Григорийнинг оилада
пайдо бўлиши шундай йигитнинг онаси чақалоқ кўта-
риб юриши ҳақиқатан ҳам кеч ва уят эканлигини
тасдиқлади. Бунинг устига уйнинг бир томонида ёш
ўқитувчи хотини билан яшаётган Григорий тез орада
ўғил кўрди. Хаш-паш дегунча чақалоқ эрталаблари
бувиси ва буваси яшайдиган хонага эмаклаб киради-
ган бўлиб қолди.

Набира саҳарлаб бувасининг кўкрагига чиқиб олиб
қиқирлашиб ўйнашганда четдан кузатган одам улар-
нинг қайси бири кўпроқ қувнаётганини аниқлаши
қийин эди. Нима бўлганда ҳам Никитиннинг Антони-
на билан бўладиган бола ҳақидаги гаплари барҳам
топди.

* * *

Келин Антонинага биринчи кўришдаёқ маъқул
бўлди. Феруза кўзли, истараси иссиққина жувон ай-
ниқса кулган пайтларида ғоят жозибали кўринарди.
Келин уйда илк маротаба пайдо бўлган кунни унга
разм солган Никитин кечқурун хотинига:

— Ўғлинг Григорийнинг диди чакки эмас. Топ-
ган қайлигини қара.

Бу гапга Антонина бир оз ранжигандек бўлди.

— Гришанинг ўзи чўлоқ-мўлоқмиди.

— Мен бундай деганим йўқ шекилли.

Оиланинг кўпайишига Никитин қандай муносабатда бўлишини билмаган Антонина шошилиб огоҳлантирди:

— Коля, улар бизникида озгина туришади-да, сўнг мактаб ҳузуридаги уйга кўчиб ўтишади.

— Кўчиб нима қилишади? Уйимиз катта, жой кўп бўлса. Қишлоқ марказига кўчиб ўтсак, яна ҳам каттароқ уйда турамиз. Катта оилада яшаш қизиқроқ бўлади. Мактабга ҳам келини ҳамма вақт ўзим билан бирга олиб кетишим мумкин. Агар ўзлари хоҳланса, қозон-товоқларини бошқа қилишлари мумкин.

Антонина бу гапни эшитиб ўзида йўқ хурсанд бўлди.

* * *

Кўп ўтмай, бир вақтлар Каширина билан бўлгани сингари, Бирючинск колхози раиси Никитиннинг сураги область газетаси «Молот»да тез-тез босиладиган бўлиб қолди. Лекин ҳозир шароит бошқа, шу туфайли Каширина ҳозир колхозни эплай олармиди, йўқми, номаълум эди. Никитиннинг бу ишнинг уддасидан чиқаётганлигига эса ҳеч қанақа шак-шубҳа бўлиши мумкин эмасди. Каширина вақтида ҳам колхоз илғор хўжаликлардан саналгани, лекин Никитин вақтидагидек донг таратмаганини ҳамма тан оладиган бўлиб қолди. Ҳар қандай раис ҳам колхоз учун ҳаммадан олдин трактор, комбайн, қурилиш материалларини район раҳбарларидан ундиришнинг уддасидан чиқавермасди. Буларнинг барчасида раиснинг забардаст қўли сезилиб турарди. Районда анча илгари бошланган шов-шувлар ниҳоят амалга ошиб колхозлар йириклашганда энг катта хўжаликка Никитин раис бўлиши ҳам ҳеч кимни ажаблантирмади.

Никитинлар оиласи қишлоқдан станицага кўчиб ўтишди. Антонина жар ёқасидаги илгариги уйини қулфлаб, Настюра Шевцовага қараб туришни тайинлади. У аслида уйни сотмоқчийди, бунинг устига Никитин ҳам Неверовнинг иккита уйингиз бор деб очиқ-ойдин шама қилаётганини айтиб, сотишга қистаётган эди, лекин харидор топилмади. Колхоз идораси станицага кўчгандан бери қишлоқ бутунлай ҳувиллаб қолди. Уйни бутунлай ташлаб қўйишга эса Антонинанинг юраги ачишарди. Нима бўлганда ҳам Гриша шу ерда туғилган, умуман Антонина ҳаётидаги жуда кўп хотиралар шу уй билан боғлиқ эди. Шаҳарлик бир пенсионер умрининг қолган қисмини табиат қучогида осойишта ўтказиш учун то уйни сотиб олмагунича кутишга тўғри келарди.

Уша кун келгунича эса Антонина уй-жой бутунлай ишдан чиқмаслиги учун аҳён-аҳёнда бўлса-да хабар олиши, узум сўриларини тартибга келтириши, пушталардаги ўтларни ўриши, ҳосилни йиғиштириб туриши лозим эди. Табиийки, ҳар замонда бир келганида уй-жойни бу ерда яшаган пайтларидагидек саранжом-саришта қилиб қўйиш мумкин эмасди. Бунинг устига янги жойда ҳам уй-рўзгорнинг бутун ташвиши унинг зиммасида эди. Чунки бутун оилада фақат угина ишламасди, холос. Бошқалар эса эрта-лабданоқ ўз ишларига тарқаб кетишарди: Никитин колхозга, ўғли мол касалхонаси, келини мактабга равона бўлишарди. Уйдаги икир-чикир ишлар кўзга кўринмайди, қайтага бундан кўра эртадан-кечгача далада ишлаган ҳам маъқул.

Оилада набира дунёга келиши билан Антонинанинг ташвишлари яна ҳам ортди. Лекин бу ташвишлар унга фақат қувонч бағишларди.

Антонина кечалари ҳам жуда оз ухларди. Набирасини ўзи билан бирга олиб ётадиган бўлгандан кейин бир неча марта туриб унга қарашга тўғри келарди.

Набираси эндигина уч ойлик бўлганда келини Ирнининг кўкрагига сут келмай қолди. Кичкинтой эса ҳар уч соатда овқатланишга одатланган эди. Уйдагиларнинг уйқусини бузмаслик учун митти оғизларини очиб сўргичли шишчасини қидириб йиғлашга тушмасидан олдинроқ сутини илитиб қўйиши даркор эди.

— Бунақада ўғлимни мендан бегоналаштириб қўясиз-ку, Антонина Ивановна, — дерди ойи дейишга одатланмаган келини.

Лекин Антонина келинига кечасилари чақалоққа қарашга рухсат бермасди. Шусиз ҳам у ярим кечагача ўқувчиларнинг дафтарларини текширарди. Ёшлигида уйқуга тўйиб олмаса қачон тўяди ахир. Сирасини айтганда, Антонина ёшлигида ҳам бирор марта мириқиб ухлаганини эслай олмайди. Лекин у бошқа замонлар эди. Антонина учун набираси Петушокнинг жажжи қўлчалари билан ўз шишчасини қучоқлаб олиб сутини охиригача ичиб қўйиши, уйқули кўзларини бир дақиқа очиб, илк маротаба «був-ви» дейишини эшитишдан лаззатлироқ нарса йўқ эди.

Шундай қилиб тонг ҳам яқинлашарди. Уйдагилар уйқудан турмасдан нонуштага бирор нарса тайёрлаб қўярди. Хизматга кетувчилар ювингандан кейин буларни столга келтиришгина қоларди.

Ҳаммадан олдин апил-тапил нонушта қилиб олган Григорий велосипедида жўнаб қоларди. Тез орада Никитинни олиб кетадиган «Победа» эшак олдида сигнал чаларди. Эрталабдан далалар, узумзорларни айланадиган Никитин Ирнини машинасида олиб кетиб, қишлоқнинг нариги чеккасидаги мактаб олдида тушириб қолдиради.

Антонина набирасини кўтариб уларни эшиккача кузатиб чиқар, кичкинтой эса машина йўлнинг қайилишидаги тераклар орқасига яширингунича жажжи қўлчаларини силкитиб турарди. Сал суяги қотгач, эрталаб машина келиши билан унга ўтириб қайилиш-

гача бориб, сўнг дикир-дикир орқага, бувиси ёнига хурсанд ҳолда чопиб келадиган бўлди. Лекин кўпинча бу вақтларда ухлаб қоларди, бундай пайтларда у ўз онасини фақат кечқурунгина кўрарди, холос. Бегона болаларнинг тарбиясига берилиб кетган онаси эса ўз боласининг тарбиясига деярли вақт тополмасди. Эрталаб ўгли ухлаб ётганида мактабга кетган она кечқурун уйга дафтар тўла портфель билан қайтар, бу дафтарларни текшириб чиққунгача қишлоқдаги барча уйларнинг чироқлари ўчган бўларди. У уйқудан уйғониб, бувиси ёнига қўйилган каравотчасидан нариги хонага кўз ташларди-да, хўрсиниб сўрарди:

- Ира ойим кетиб бўлдимиди?
- Ҳа, Петушок, кетиб бўлди...
- Бувам биланми?
- Ҳа, буванг билан.
- Гриша дадам ҳам кетдимиди?
- Гриша даданг ҳам кетди.

Шундан кейин то қишлоққа оқшом чўкиб, эшик олдида машина овози эшитилгунча улар ҳақида чурқ этиб бирон нарса сўрамасди. Машина овози келиши билан ҳамма нарсаларини улоқтириб кўчага чопар, у ердан эса одатда бувасининг қўлларида қайтарди.

Фақат ўз отасини негадир ҳеч қачон бунақа чопиб кутиб олмасди. Буни Антонина анчадан бери сезиб юрарди. Бунга сабаб отаси кечқурун велосипедда ишдан қайтганда деярли ҳамма вақт ундан вино ҳиди гуркираб туриши бўлса керак, дилидан ўтказарди Антонина маъюслик билан. Болалар эса бунақаларни ёқтирмаслиги аён.

Никитининг довруғи ошгандан-ошиб борарди. Антонина энди Никитини райком пленумлари, қишлоқ хўжалик ходимларининг йиғилишларига овлантириб улгурмасди. Шундай таптанали кунларда киядиган

костюмини тозалаб, дазмоллаётган пайтларда вақт ўтган сайин хиралашиб бораётган фронтдаги олтин ва кумуш нишонлар билан ярқираб турган янги нишонлар мусобақалашаётганини хурсанд бўлиб гапириб қўярди. Бу ярқироқ нишонларнинг нури қачонлардир ўзи районда эга бўлган шуҳратнинг охириги изларини ҳам кўмиб юбормоқда эди. Бошқалар у ёқда турсин, ўша шуҳратни Антонинанинг ўзи ҳам унутаёзган эди.

Вақт ўтиши билан райком секретарлари ҳам бирин-кетин ўзгариб турди. Илгариги колхоз раислари орасида Каширина деган аёл борлигини эслайдиган одамлар районда деярли қолмади. Бунинг устига одатда дунёда борлигини ўзи билдириб турадиган одамларни эслашларини хотирага олинса масала равшанлашади.

Бир тасодиф рўй бермаганда уни бутунлай унутиб юборишлари ҳеч гапмасди. Бу тасодиф райком инструктори Константин Сухаревнинг бюро мажлисида Бирючинск колхозига бориб келгани тўғрисидаги ҳисоботи охирида яшил папкаси қулфини шиқирлатиб қўйгани бўлди.

* * *

Райком ҳамма вақт шуғулланадиган одатий ишлардан ташқари қандай юмушлар билан шуғулланмайди дейсиз. Ғалла тайёрлаш, маккажўхорини квадрат-уялаб экиш, ем-хашак ғамлаш, силос бостириш, сут етиштириш, ҳар бир мол бошига гўшт миқдорини ошириш сингари масалалардан ташқари яна қанча варур ишлар топилади.

Булар етишмагандай, ора-чора шахсий масала деб юритиладиган масала ҳам чиқиб туради. Булар орасида ҳатто энг тажрибали бюро аъзолари бир нарса

дейишга ожизлик қиладиганлари ҳам учраб қолади. Бундай пайтда комбайн тишлари остидан тош чиқиб қолиб, унинг ғирчиллашидан юрак орзиқиб тушганден бўлади киши. Ҳаётда баъзан шундай ҳодисалар учрайдики, ҳайратдан ёқа ушламай иложинг йўқ. Ҳатто ҳаммиша ўзини вазмин тутадиган райком секретари Егоров кутилмаганда инструкторга нозик овози билан шундай бақирдики, ҳамма бошини ҳам қилиб олди.

— Ўртоқ Сухарев, одам нима деяётганини яхши билиши керак!

Шу аснода ҳеч ким бунақа ишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Район ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Неверов Сухарев ўз ҳисоботини бошламасдан олдин кафти билан биқинини ушлаб қўйиб илтимос қилди:

— Костя, гапни калтароқ қилиб, лўндасини гапир қолсанг. Никитини ҳаммамиз яхши биламиз. Кечикиб овқатлансам жигарим ғалаён кўтаради.

...Сухаревнинг сафари ҳиссбот сайлов мажлислари олдидан колхозчиларнинг кайфиятини аниқлаш учун бўладиган одатий сафарлардан эди. Сухарев стол устида очиқ турган папкасининг икки тарафидаги ўз ёзувларидан келтираётган кўрсаткичлари ҳам бундан дарак берарди.

— Гектар бошига йигирма саккиз центнер ғалла, тўрт юз қирқ центнер маккажўхори пояси, соғиладиган ҳар бир сигирдан уч минг бир юз бир килограмм сут,— Сухарев бу рақамларни папкасига ҳар замонда кўз қирини ташлаб, деярли ёддан айтарди.

— Никитин ишни бошлайди-да ўзи,— деб қўйди район ижроия комитетининг раиси Фёдоров.

— Ҳамма раислар ҳам Никитинга ўхшаганда ишимиз қойил-мақом бўларди-я,— деб қўйди унинг фикрини тасдиқлаб район прокурори Нсфедов.

— Товуқларнинг сертухумлигини оширишнинг йўлини билади-да,— кўп нарсадан хабардорлиги, овози-

нинг қўнғироқдайлигидан қувонаётгандай оҳангда гапини давом эттирди Сухарев.

— Антонина Ивановна, мана бу колхоз раиси шахсининг роли ҳақидаги охириги баҳсимизга жонли мисол бўла олади,— деди район газетасининг редактори Прохоров ёнида ўтирган Коротковага.

— Лекин Никитин ҳамма вақт ҳам ҳозиргидақа бўлмаган албатта,— эътироз билдирди Короткова пешанасига тушиб турган соч толаларини орқасига ташларкан.

— Гапингни тугата қолсанг бўларди,— инструкторга эслатди Неверов яна биқинини ушлаб.

Агар райком секретари мамнуният билан унинг гапини бўлмаганда Сухарев Бирючинск колхозидан ўз папкасида олиб келган барча кўрсаткичларини ҳали узоқ вақтгача санайверган бўларди.

— Демак, кейинги муддатга Никитиннинг номзодини кўрсатишга колхозчиларнинг рози эканликларига шубҳа қолмабди...— деди у.

Шу ерга келганда инструктор папкаси қулфини шиқирлатиб қўйди.

— Лекин мен бундай дея олмайман, Алексей Владимирович.

Райком секретари кабинетидagi барча стуллар ва диван пружиналари ғичирлаб кетди.

— Бу қанақа гап бўлди?

— Бошида кўкларга кўтардинг-у, охирида бунақа...

— Никитинга ўхшаган раисларни ҳар томонга отаверсак районимизнинг ҳоли нима кечади?

Шу ерга келганда райком секретари одатдаги бошиқлигига хилоф равишда ўткир товуш билан бақирди:

— Бундай ўйлаб гапириш керак, ўртоқ Сухарев!— у ўзини тутиб одатий овози билан давом этди, лекин унинг суяклари қизиб бораётгандек эди:— Ахборо-

тингизга қараганда, Будённий номли колхоз ҳосилдорлик бўйича ҳам, кундалик ўсиш бўйича ҳам ўтган йилдагига нисбатан яхши-ю, яна ўзингиз Никитин номзодига қарши чиқаясиз.

Бечора инструктор буткул ўзини йўқотиб қўйди. Ўзининг гапи бюрода бу қадар катта шов-шув кўтаришини билганда у лом-мим демаган бўларди. Зеро бу нарса колхозга жўнаш олдидан унга топширилган вазифалар қаторига ҳам кирмас эди. Ҳар томондан ўзига отилаётган таъна тошлари остида Сухарев ёлворингга тушди.

— Мен бундай деганим йўқ-ку. Шахсан менинг ўзим Никитин номзодига қарши эмасман. Колхоз унинг даврида тобора юксалиб борапти. Фирибгар ҳам эмас, бюрократ ҳам.

— Бўлмаса нимани кўзда тутиб шундай дедингиз,— ҳайрон бўлиб сўради Егоров.— Балки ичар?

Бу саволга Сухаревдан олдин раисполком раиси Фёдоров жавоб берди:

— Бошқалардан кўп эмас.

— Фақат байрамларда,— тасдиқлади Сухарев.

Егоров кўзларини қисиб Фёдоровнинг кўкимтир, қон томирлари қизариб турган юзига нигоҳ ташлади-да, ҳеч нарса демай Сухарев томонга ўгирилди, у эса гуноҳкорларча тушунтирарди.

— Алексей Владимирович, сиз мени унчалик тўғри тушунмадингиз. Мен фақат бирор дилсиёҳликка йўлиқиб қолмайлик деяпман, холос. Колхозчилар орасида ихтилоф чиққан. Кўпчилик албатта Никитин тарафида, лекин унга қаршилар ҳам бор.

Егоровнинг қошлари чимирилди.

— Энди мен ҳеч нарсани тушунмай қолдим.

Инструкторнинг сочи калта қилиб қирқилган бошига яна ҳар томондан таъна ёғила бошлади:

— Нима деётганини унинг ўзи ҳам билмайди.

— Ҳамма нарсаниям гап деб гапиравераркан-да.

— Костя, болалик қилиқларингни ташласанг бўларди энди,— деб маслаҳат берди Неверов инструкторга.

Сухарев овоз келаётган томонга қарашга зўрға улгурарди. Биргина Короткова унинг ёнини олишга ўриниб кўрди:

— Гапини тугатишига имкон бермаяпсизлар-ку, ахир.

Сухарев папкаси қулфини яна шиқирлатиб қўйди.

— Юқорида айтганларимнинг ёнига яна Николай Яковлевич Никитиннинг Антонина билан энди эр-хотин эмаслигини ҳам қўшсам ҳурматли бюро аъзолари нима дейишаркин? — деди.

Ҳамма худди биров команда бергандек бараварига деразадан куз келиши билан кўринишини анча ўзгартирган Задонье устидаги жар томонга тикилди.

Янгигина пичан ғарамлари тўқ сариқ похол ғарамлари орасида бахмалсимон ҳайдалган ерлар фониди қорайиб кўринарди. Чап қирғоқдаги самбиттол ва теракларнинг барги тўкилиб бўлган эди. Яланғочланиб қолган дарахтлар орасидан гиштин уйнинг қизғиш деворлари аниқ кўзга ташланарди.

Фақат бир кишигина бошқаларнинг бу ҳаракатини пайқамай қолди. Райком секретари Егоров инструкторга ҳануз ҳайрон бўлиб тикиларди.

— Буларнинг бир-бирига қандай алоқаси борлигини тушунмаяпман... — деди у қуруққина қилиб.

Энди ҳамма бошини деразадан хона ичига бурди.

— Унинг гапига қулоқ солманг!

— Сухаревдан бундан баттарроғини ҳам кутса бўлади.

— Нима деётганингни биласанми, Никитин Антонинани ташлаб кетадими?!

Яна Сухаревнинг сочи калта қирқилган боши у
ёқдан-бу ёққа қарашга базўр улгурарди.

— Мен у ташлаб кетди деганим йўқ-ку!

Ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмай қўйди.

— Никитинни энди билаётганимиз йўқ.

— Ў қандайдир фирибгар эмас.

— Антонина Никитинни илғор колхоз раиси
қилди-я.

Короткова аниқлик киритди:

— Йўқ, Виктор Иванович, у Никитинни одам
қилди.

— Жуда ҳам ошириб юбординг, Антонина Ива-
новна. Биламан, ўртоғинг ва адашинг бўлгани учун
ҳам шундай қиялсан-да,— кулимсираб жавоб берди
Фёдоров.— У ҳам осмондан шир яланғоч тушгани
йўқ, бу ерга келганда майор унвони бор эди.

— Унвон билан иш битармиди, Виктор Иванович?

Неверов кулимсираган ҳолда якун ясамоқчи
бўлди:

— Бу сафар қуюшқондан чиқиб кетдинг, Костя.
Жуда ҳам ҳаддингдан ошаверма.

Сухарев ҳам бўш келмади:

— Бу ҳодисалар ҳаммадан кўра сизга кўпроқ
маълум бўлиши керак, Павел Иванович,— деди.

Неверов кўзойнагини қўлига олиб, катак-катак
сарик рўмолчаси билан арта бошлади:

— Бюро аъзолари орасида энг эскиси мен бўлма-
сам керак,— деди-да Коротковага кўз қирини ташлаб
қўйди.— Бунинг устига партия мактабига кетгач рай-
онда ўн йилча бўлмадим. Агар Костя бу ишнинг
уддасидан чиқолмаган бўлса, билмасдан бировга чоқ
қазиб ўтириш ноўрин.

Агар Егоров офтобда қорайган қўлини столга қў-
йиб, «етар, бас» ишорасини қилмаганда бу даҳанаки
жанг қанча давом этини номатълум эди:

— Бу қанақаси бўлди, ўртоқлар, яхшимас ахир.

Бу кутилмаган ва хунук ҳодиса эканлигини тушуниб турибман. Лекин сирасини айтганда, Сухаревнинг гапида жон бор.

Сухарев дадилланиб, ўтирган жойидан туриб кетди.

-- Мен кўра-била туриб индамаслигим мумкинмасди, Алексей Владимирович.

Егоров қўл ишораси билан уни жойига ўтқазди.

— Лекин фактларни шундоққина қайд этиб қўя-қолишингиз ҳам нотўғри. Шунинг учун биз бу масалани келаси бюро мажлисигача кечиктиришга мажбур бўляпмиз.— Район газетаси редактори Прохоровнинг қимирлаб қўйишидан гапирмоқчи бўлганини сезган Егоров:— Бир нарсa демоқчисиз чоғи?— деб сўради.

— Бу масалани бировлардан эшитган гапларга қараб эмас, уларнинг ўзи билан гаплашиб, обдон аниқлаб ҳал этишимиз керак демоқчийдим, Алексей Владимирович.

— Каширина партия аъзоси эмас. Биз уни бюро мажлисига чақира олмаймиз,— чаққонлик билан эслатди Неверов.

— Бўлмаса, қандайдир бошқа йўл топишимиз керак. Каширинани бутунлай четлаб ўтиш мумкин эмас, ахир.

Редакторнинг гапини район прокурори Нефедов ҳам қувватлади:

— Халқ судьяси Пономарёвнинг хотини ҳам партия аъзоси эмас эди. Эри бошқа аёл билан айланишиб қолганда райком, обкомларга бораверди, ярим йилгача қабулхоналарда тентираб юрди. Мени ҳам ҳолжонимга қўймади — эрини жинойт жавобгарликка тортишимни талаб этди. Қаранг, халқ судьясини-я.— Нефедов ўтирганларга бирма-бир назар ташлади.— Агар Каширинани бюрога шахсан чақиришнинг иложи бўлмаса, унга яқинлашишнинг бирор йўлини то-

пишимиз керак. У билан шахсан учрашиб, юрагига қўл солиб кўриш лозим.

Прокурорнинг бу гапларидан кейин Неверов ўтирган диван томондан масхараомуз кулги эшитилди.

— Каширина юрагини очадиган одам ҳали дунёга келгани йўқ.

— Йўқ, Павел Иванович, бундай дема. Каширина ҳамиша ҳам бунақа эмасди,— эътироз билдирди Короткова.

— Ҳукуматчилик чоғларимда район конференцияси делегатларининг ҳаммасини кулдириб ичагини узгани ҳали ҳам эсимда. Ўзинг ҳам кўзингдан ёш чиқиб кетгунча кулгансан-ку, Павел Иванович,— тасдиқлади Прохоров.

Короткова яширин алам билан қўшиб қўйди:

— Ўша кулдиргани учун кейин ўзи йиғлаган эди. Ҳаммаси ўшандан бошланган шекилли.

Бюро аъзоларининг энг камгапи, виночилик совхозининг директори Краснов қаттиқ хўрсиниб қўйди, буни ҳамма эшитди:

— Шундай одамни бекордан-бекорга йўқотган эди-а. Районимизнинг обрўси ва фахри эди-я.

Район прокурори Нефедов бояги фикрини давом эттирди:

— Райкомга келиб бирор мартаба шикоят ҳам қилмабдими?

Короткова яна алам аралаш кулимсираб, Прохоров билан кўз уриштириб олди, Неверов бўлса яна масхараомуз кулди:

— Андрей Иванович, сенга Пономарёв хотинининг шикояти камлик қиляптими дейман-а.

— Йўқ, хотиримча шикоят қилмаган,— қатъий жавоб берди Егоров прокурорга ва нигоҳини Неверовга қадади.— Лекин мен хурсандчиликка ҳеч қанақа асос кўрмайман. Бугун бюрода кўтарилган гап жуда хунук ва ачинарли.

Егоровнинг тикилишидан калта қирқилган оппоқ сочларининг тагигача қизариб кетган Неверов даст-рўмолини олиб кўзойнагини арта бошлади. Нефедов тинчимасди:

— У ҳолда райкомдан бирор киши Каширинанинг олдига бориб келиши лозим. Бирор баҳонани ҳар қачон топса бўлади. Масалан, ўша жойларга командировкага борган одам бўлиб тунашга жой сўрабми.

Короткова прокурорга энсаси қотиб тикилди, ҳатто стулини ундан нарироққа сурди.

— Сенингча, Андрей Иванович, ҳамма нарса ха-мирдан қил суғургандай ҳал бўлаверар экан-да. Ке-чирасан-у, Каширинани қип-қизил аҳмоққа чиқариб қўйдинг-ку. Аввал райондаги одамларни ўрганиб, сўнг уларга прокурорлик очқичини қўллаш керак.

Нефедов иккала қўлини силтаб қўйди.

— Бу гапингга ҳечам қўшилмайман. Куппа-кундузи чўкиб кетаётган одамнинг тепасида томоша қилиб тураверар эканмиз-да. Сен, Антонина Ивановна, киноя қилмасанг ҳам бўларди. Шундай дейиш ҳозир одат тусига кирган, лекин сенга ярашмас экан бу. Одамни ўз ҳолига ташлаб қўйиш яхшимас ахир. Бунга ҳеч қачон қўшилмайман.

Короткованинг қизариш навбати келди. Нефедовнинг тикилишидан Короткованинг кул ранг кўзлари-да паришонлик сезилди. Нефедов стули билан унга яқинлашиб, қўлини елкасига ташлади:

— Мендан хафа бўлмассан деб умид қиламан, Антонина Ивановна. Энди орамиз очиқ бўлди десак ҳам бўлаверади.

Короткова унинг қўлини елкасидан олиб ташлади.

— Хафа бўлсам, аввало ўзимдан хафа бўламан.

— Каширинани яхши биладиганлардан бирортаси унинг олдига бориб, гаплашиб келиши кераклиги ҳақи-даги фикрга қаршимасдирсан?..

— Бу шунчаки ҳал бўладиган иш эмас, Андрей Иванович.

Улар шивирлаб гаплашишарди, лекин Егоров Короткованинг охирги сўзларини эшитиб қолди. Ўрнидан туриб, қўлини яна столга қўйди.

— Агар сизларки бу ишнинг уддасидан чиқолмасанглар, мен райондаги нисбатан янги одам сифатида ҳаракат ҳам қилмасам бўларкан-да. Масалани кейинги бюрога қолдирамиз, Будённий колхозидаги ҳисобот-сайлов мажлисига ҳали вақт бор. Сиз ҳам бу ҳафтани бўш ўтказманг, ўртоқ Сухарев.

Прохоров ишончсизроқ овоз билан таклиф киритди:

— Алексей Владимирович, бу ишни бирор тажрибалироқ... — у дудуқланди. — Бюро аъзоларидан бирор кишига топширилса яхши бўлмасмикин?

— Масалан кимга?

Неверов бу ёғини илиб кетди:

— Масалан, шу Антонина Ивановнанинг ўзгинасига. Биринчидан, аёл бўлганлиги учун масала унга осонроқ кўчади. Иккинчидан, — у Сухаревга юзланди, — сен хафа бўлмайсан-да, Костя, бунақа ишлар ёшингга ҳам тўғри келмайди. Ҳали бўйдоқсан.

— Хафа бўлиши борақанми, Павел Иванович, қайтага хурсанд бўламан.

Егоров бошини эгди.

— Дарҳақиқат, шундай қилинса яхши бўлар. Менинг қаршилигим йўқ.

— Лекин мен бунга қаршиман, Алексей Владимирович, — қатъий деди Короткова.

— Антонина Ивановна, агар бу ерда айтишлари-ча...

Короткова гапини тугатишига имкон бермади:

— Худди шу туфайли мен бунга рози эмасман. Бу ерда Фёдоров шама қилган ўша дўстлигим вадидан шундай деялман. Биз Каширина билан ҳақиқа-

тан эски дўстлармиз, лекин у негадир анчадан бери мени эсламай қўйди. Жар ёқасидаги уйига кириб кетганича бедому дарак. Илгарилари чақирмаса ҳам йўлим тушиши билан уйига кириб бораверардим, энди юрагим дов бермайди. Бир сафар бораман деб атайин отландим, уйига яқинлашганда бари бир киришга юрагим дов бермади. Менга раҳми келганидан келди деб ўйлашидан қўрқаман. Ўзим ҳам раҳми келадиганларни жиним ёқтирмайди, уни-ку жуда ҳам яхши биламан. Райкомнинг топшириғи билан оилавий ҳаётини изга солгани борганимни сезиб қолса борми, у билан алоқани абадий узишга тўғри келадим.— Короткова офтобда куйган киприклари тагидан кўзини қисиб жар томонга қараркан, такрорлади:— Мен уни яхши биламан. Меҳри ҳам, қаҳри ҳам қаттиқ. Агар севса бутун умрга севади, бировдан юз ўтирса, абадул-абад унга қиё боқмайди. Мен у билан дўстлигимча қолишни истайман, Алексей Владимирович. Янги дўст орттирадиган пайтдан эса ўтдик.

— Бўлмаса Сухаревнинг ўзи ишни охиригача етказаркан-да,— деб якунлади Егоров.— Гарчи у ора-мизда ягона бўйдоқ бўлса ҳам.— Секретарнинг лаб-ларига биринчи маротаба билинар-билинемас кулги югургандек бўлди.

Бюро аъзолари стулларни стол тагига суриб, эшик томон ошиқишди.

— Сенинг Каширинанг бугун бизни роса терлатди-да,— ўпкалади Неверов Коротковани олдинга ўтказиб юбораркан.

— Нега энди меники бўларкан, балки у сизники-дир?

— Ҳар ҳолда...

Короткова остона ҳатлаб ўтаётганда Егоровнинг оўзлари эшитилди:

— Антонина Ивановна, қолишингизни илтимос қиламан.

Кабинет бўшаб, икковларигина қолганда Егоров тушунтирди:

— Антонина Ивановна, сиз бутун мажлис давомида нимадир демоқчи бўлдингиз шекилли, чамамда. Бир нима демоқчимидингиз?

— Шундай нарсалар бўладики, Алексей Владимирович, улар ҳақида гапиришга тил ҳам айланмайди.

— Лекин, ҳар қалай, ёлғиз менгагина айтишингиз мумкиндир?

— Фақат ўзим билган нарсаларнигина айтишим мумкин. Лекин мен кўп нарсани биламан деб айта олмайман.

Қизил жар кун ботиш яллиғида узоқдан қандайдир баҳайбат чўл қушига ўхшаб кўринар, Задонье устидан худди қанотларини ёзиб учиб ўтаётгандек туюларди.

* * *

Баҳор келиб чўл йўллари қурий бошлаши билан Никитин кўпинча шофёрга дам бериб, «Победа»нинг рулига ўзи ўтирадиган бўлиб қолди. Шофёр эса бундан хурсанд эди, вақтдан фойдаланиб хотинига хўжалик ишларида ёрдам беради: ерини чонади, тоқларга тиргак қўяди.

Никитиннинг машинани тез ҳайдаш одати фронтдан қолганди. Унинг катта, офтобда қорайган қўллари фил суягига ўхшаган оппоқ руль чамбарагини ишонч билан бошқарарди. Эрталабки қуёш нурида ҳамма ёқ ярқираб, жилоланиб кўринарди. Тоқ новдаларидаги кўм-кўк барглар ҳам, теракларнинг оч яшил, орқа томони кумуш ранг барглари ҳам, самбитоллар орасида деярли кўринмай кетган кекса Доннинг бурилиш жойи ҳам, худди ҳавода сузаётгандай муаллақ турган қишлоқ черковининг гумбази ҳам — ҳамма-ҳаммаси киши кўзига ажиб кўринар-

ди. Утлоқ бағрида кўзга чалинаётган дала шийпонлари, чорвачилик фермаларининг шифер томлари гўё қор севалаб ўтгандек товланиб, оқариб кўринарди. Мана шунақа чиройли жойлар яна бирор ерда борлигини тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Бутун атроф кенглик, кўз илғамас бепоёнлик! Никитин йўл-йўлакай мактабга ёки мактабдан уйга олиб кетаётган келини ҳам табиатнинг кишини маст қилувчи бу сеҳрига бефарқ эмаслиги юзларидан билиниб турарди. Лекин Никитин бунга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди:

— Чиройлими?

Келини тасдиқлади:

— Жуда ҳам.

Никитин машина ойналарининг бәрчасини очиб юборди, машина ичига чўл шамолни ўзини урди. Ирнанинг кўзлари яшнаб, ёноқларига қизил югурди. Бармоғига ингичкагина олтин узук тақиб олган қўли билан сочини ушлаб ўтирарди. Унинг сочлари эса тим қора эди. Умуман у истараси иссиқ, оташин кўринарди.

Никитин уни қишлоқдаги ўн йиллик мактаб олдига тушириб, ўзи тор кўчадан чапга, дашт томонга қайрилиб кетгандан кейин ҳам анчагача машинадан атир ҳиди келиб турди. Йўл боғлар орасидан ўтиб тепага, даштга кўтариларди. Машинадан гуркираётган атир ҳиди гуллаётган токнинг нозик бўйи билан омухта бўлиб кетарди.

Никитин қишлоқдан чиқиб, дашт бўйлаб кетаётиб орқасига ўгириларкан, мактаб томон кетаётган Ирнанинг баҳорий либосига кўзи тушарди. У гоҳида янги ток баргидек кўм-кўк, гоҳида зангори ёки кўзни қамаштиргудек оппоқ, гоҳида эса қип-қизил кўйлак киярди.

Унинг кийимидан ҳам бу ерлик эмаслигини билиб олса бўларди. Бошқа аёллар биргина кўйлак тикиб

оладиган материалдан у ўзига иккита кўйлак чиқарди. Мактабдаги ҳамкасабалари ўқитувчилар хонасида навбатдаги янги кўйлагини томоша қилиб, унинг бу ишига таажжубланганларида:

— Бунинг ҳеч қийинчилиги йўқ. Биринчидан, роҳибаларга ўхшаб ҳамма ёқни беркитмаслик керак, қуёшдан баҳра олиши лозим бўлган нарсаларни қуёш нуридан яширишга не ҳожат, иккинчидан, ё хипча белу нозик гавдани, ёки оппоқ нону қаймоқларни танлаш керак.

Иринанинг биққа семиз ҳамкасабаларига бу киноя ёқмасди албатта. Шу туфайли ўқитувчилар хонасида муомала маданиятининг пасайиб кетаётганлиги ҳақида тез-тез баҳслашадиган бўлиб қолишганди. Баъзан бунақа гапларга берилиб кетиб дарсга чорловчи қўнғироқни ҳам эшитишмасди. Фикрлардаги ўзига хосликка қарамасдан, пировард-натижада, ўқувчи қизлардан сочини ўриб юришини талаб қиладиган ўқитувчи ўз сочини ғарамга ўхшатиб ҳурпайтириб юриши мутлақо нотўғри, деган яқунга келишарди.

Ирина Алексеевна одатда ўзига қаратилган бундай очиқ-ойдин кинояли гапларни кулимсираганча жимгина эшитиб ўтираверарди. Ҳаммадан ҳам кўпроқ шуниси алам қиларди ҳамкасабаларига. Улардан бирортаси чидолмай, ахийри унга юзланарди:

— Ҳурматли Ирина Алексеевнанинг бу тўғридаги фикрларини эшитсак бўладими?

Қўли билан «ғарам»ини оҳиста тузатиб, у ҳам ўз навбатида савол берарди:

— Нима учун ҳамма ўқувчилар сочини ўриб юриши керак экан?

Унинг бу сўзларидан ўқитувчилар хонасидагилар ҳайратга тушишарди.

Мактаб директори, собиқ подполковник бир кун унинг янги кийган кўйлагига ажабланиб қараганда Ирина дарҳол фикрини сўради:

— Чиройлимасми?

— Йўқ, мен бундай демоқчимасман, — Иринанинг тикилишидан ўқувчидек қизариб кетган директор чўчиб, ишонтирмоқчи бўлди: — Қайтага, аксинча. Лекин, Ирина Алексеевна, сизнинг ўқувчиларга таъсир даражангизни ҳисобга олганда...

— Ўқувчиларимнинг ўзлаштириши пасайиб кетдими, Максим Максимович?

— Сизнинг синфингиз мактабдаги энг яхши синф, Ирина Алексеевна, — қатъий деди директор. — Шахсан менинг сизга ҳеч қанақа давоим йўқ. Лекин бошқа факторларни ҳам инобатга олиш лозим. Масалан, ота-оналарнинг фикрлари билан ҳам ҳисоблашни керак.

— Улар менинг устимдан шикоят қилишдими, Максим Максимович?

Директор илтимос қилгандай гапирди:

— Бундай ҳам деганим йўқ, Ирина Алексеевна. Мен фақат ҳамма ҳам буни тўғри тушунмаслигини айтмоқчи эдим. Ота-оналар орасида хурофотга берилганлари учраб қолиши мумкин. Бу ер шаҳар эмас, бор-йўғи казаклар қишлоғи эканлигини унутмаслигингиз керак.

— Сизнинг казак қишлоғингизда, Максим Максимович, ишқилиб паранжи ёпинишмайдими?

Директор Иринанинг бу сўзларидан кейин у билан баҳслашмаслик энг оқилона йўл эканлигига ишонч ҳосил қилди. Унинг тилини қичитиш тинч ётган илонни бошини босишдай хавфли эканлигига яна бир қара имони комил бўлди. Нафсиламбирини айтганда, аёллар кўйлагини сантиметр билан ўлчаб ўтириш эркакларнинг, унинг ишимиди. Очиги, шахсан унга Иринанинг ярқираган, кутилмаган кийимлари ҳатто ёқарди. Ирина Алексеевна остонада пайдо бўлиши биланоқ ўқитувчилар хонаси қандайдир ёришиб, янариб кетгандек туюларди. Бунинг устига Максим

Максимович ахлоқ нормаларининг даражаси ҳамма вақт ҳам кийилган кўйлакнинг узун-қисқалигига боғлиқ эмаслигини яхши биларди. Ким истаса, қўлига сантиметр олиб унинг кийимини ўлчаса ўлчайверсин, лекин ўзи бу ишни қилмайди. Бир марта бунга уриниб, изга бўлгани ҳам етар. Ўшанда ҳам мактабга янги кўҳликкина ўқитувчи келганидан тинчлигини йўқотган хотинининг тазйиқи билан шундай қилган эди. Ҳақиқатини олганда, ўшанда Ирина билан шу гапни қўзғашни ножўя ҳаракат бўлди. Бунга директорнинг ҳеч қанақа асоси ҳам йўқ эди. Ҳақиқатан унинг синфи мактабдаги энг намунали синф.

Хотинига унинг кўйлаги ёқмаса, билганини қилавермайдими. Унинг ўзи шунақа, дуч келган аёлдан рашк қилади. Азбаройи тўпиғигача тушадиган кўйлак кийиб олгани билан синфидаги ўзлаштириш ва интизом яхшиланаётгани йўқ-ку, ахир.

Ўқитувчилар коллективи билан директорнинг ўзаро муносабатларига у илгари ҳам кўп марта аралашган эди. Лекин бундан кейин эҳтимол бунга йўл қўймас. Ўша кун Ирилага қип-қизил нодон ва мунофиқларча муомала қилгани учун ўзини ҳамон кечири олмайди. Наҳотки, директор бўлатуриб шу қадар андишасизликка йўл қўйган бўлса?

Иринанинг кийимларидан уйда ҳам ҳатто қиш фаслида баҳор нафаси анқиб тургандай бўларди. Эртадан-кечгача сигир ва чўчқаларни даволаш билан машғул бўладиган эри Григорийдан эса қандайдир қўланса ҳид келарди. Кейинги пайтларда кечқурунлари уйига қайтганда ундан ичкилик ҳиди ҳам гупиллаб турадиган бўлиб қолди. Антонина илгари ҳеч қачон бунақа одатини сезмаган эди. Ҳатто Никитин якшанба кунлари оила даврасида Григорий ўзига қуёйилган бир қадаҳ арақни ичолмай, анчагача йўталиб,

калласини қимирлатишидан куларди ҳам. Энди эса кечқурунлари уйига қайтаётганда велосипедида илон изи ҳосил қилиб келаётганини узоқданоқ пайқаса бўларди. Қишлоқ аёллари бу ҳолни кўриб бошларини қимирлатишар, болалар эса тупроқли йўлда Григорийнинг велосипеди чизган ғалати изларни бир-бирларига қиқирлашиб кўрсатишарди.

Бир куни кечқурун уйнинг ёшлар турадиган томонидан Антонинанинг қулоғига кайф устида хотинига шилқимлик қилаётган Григорийни Ирина жеркиб ташлагани чалиниб қолди:

— Шунақа одамни ҳам севиб бўларканми?

Григорий тўсатдан сергак овоз билан сўраб қолди:

— Сенга ўхшаганларни-чи?

Ирина ўз навбатида дарҳол сўради:

— «Сенга ўхшаган» деганинг қанақаси бўлди?

— Ўзинг ҳам яхши биласан,— гўлдираб қўйди Григорий.

— Балки яхши кўрар... бирортаси,— бир оз сукутдан сўнг жавоб берди Ирина.

Антонина бу гапларнинг давомини эшитмаслик учун шошилганича эшикни беркитди.

Якшанба кунлари ҳамма стол атрофида жам бўлган пайтларда ҳар ким ҳафта давомида топган янгилигини ўртага ташларди. Одатда Никитин билан Ирина ўртасида сўз ўйини бошланарди. Никитин олдин кулиб, мактаб директори хотини билан соч ва кўйлакнинг узун-қисқалиги борасидаги жангнинг сўнгги тафсилотларини айтиб беришини талаб этарди. Ўз навбатида у ҳам ҳар сафар албатта бирор кулгили гап топиб келарди.

— Колхозимиздаги кампирлар нега менинг кабинетимга бирор марта қадам ранжида қилмаслигига илгари ҳечам ақлим етмасди. Мавра хола кексалар

уйига йўлланма сўраб келди-ю, ҳамма нарса аён бўлди-қўйди. Аввалига Мавра хола ҳам кирмоқчи эмасди — остонага қадам қўйиши билан тўхтаб, орқасига қайтмоқчи бўлди, сўнг полдаги гиламга тикилганча чўқинди-да, этагини қўллари билан аста кўтариб менга яқинлашди. Фақат шундагина кабинетимдаги гилам черков совети томонидан ортиқча илоҳий моллар сотилганда олинганлиги, бу ерга тўғри черков меҳробидан келтирилганлиги ёдимга тушди. Меҳробга эса, маълумки, аёллар ва мушуклар мутлақо йўлатилмаган.

Никитин буни Иринага ҳикоя қилаётиб стул суянчигига ўзини ташлаб, кўзидан ёш чиққунгача куларди. Антонина унинг бунақа кулгисини анчадан бери эшитмаган эди. Унга қараб Ирина ҳам қўлини лунжига қўйиб олганча тўхтовсиз куларди.

Уларнинг қаҳқаҳасини кузатиб турган Антонина негадир ғалати бўлиб кетарди. Улар кулаётган нарса ҳақиқатда кулгили эди, лекин бу атрофда бошқа одамлар ўтирганини буткул унутиб, шунчалик зўр қаҳқаҳа уришга асос бўлолмасди. У Григорий ҳам кўзларини тарелкадан узмай, истар-истамас кулаётганини кўриб турарди.

Григорий овқатланиб ўз хонасига кириб кетгандан кейин ҳам улар жойларидан қўзғалишмасди.

— Ҳозир, ҳозир деяман, — паришонхотир жавоб берарди Ирина ўз ёнига чақираётган эри томонга қиё ҳам боқмай.

Яна Никитинга тикилиб, янги айтадиган гапига (уларнинг баъзилари гарчи кулгили бўлмаса-да) кулишга ҳозирланарди. Бир куни Никитин ёш қишлоқ руҳонийсининг қавмларидан бирининг уйида эканида тўсатдан эри кириб келганда каравот тагига қандай яширинганини гапириб бераётганда Антонина чидаб туролмади.

— ...Жун пайпоқ кийган оёқлари каравот тагидан

чиқиб турганмиш. Эри руҳонийнинг тоза таъвирини бериб, эрталабгача каравот тагидан чиқармабди. У девордаги милтиққа қўл узатай деганда руҳоний қўрққанидан шунчалик титрармишки, оёқлари полни нақ дўмбира қилиб чалармиш.

Никитин муштуми билан столга уриб, қотиб кулаётган Иринага руҳонийнинг ҳолатини кўрсатиб берди. Антонина қўрқиб сўради:

— Ўлдириб қўйса нима бўларди?

Хотини томонга қиё ҳам боқмай, Никитин жавобни қисқа қилди:

— Бунинг учун ўлдиришмайди, ҳозир Антонина Ивановна. Ҳозир замон бошқа.— У яна Иринага руҳонийнинг ҳаракатларини кўрсатишни давом эттирди.

Эри қаёқдан уни Антонина Ивановна деб чақирадиган одат чиқарди? Набираси Петушок эса шу пайтда бувасининг тиззасида сакраб-сакраб ўйнарди.

Фақат Антонинодагина суҳбатга қўшилиш учун бирор янгилик топилмасди. Фақат набираси, ҳовли жой, хўжаликдаги одатий юмушлар билан банд аёлда уларни қизиқтирадиган қандай янгилик ҳам бўлисин? Ахир у эртадан-кечгача остона ҳатлаб кўчага чиқмаса, унинг олдига ҳам деярли қеч зот келмаса, Фақат Настюра Шевцовагина уни унутмаган — аҳён-аҳёнда хабар оларди.

Шу сабабли Антонина набирасига яна ҳам кўпроқ ёпишди. Ҳатто ўз ўғли Гришани бунчалик ардоқлаб тарбиялай олмаганини пушаймон билан эслади. Унинг тўнғичи, танҳоси ҳам мурғак вақтида онасининг ҳаёти ва юрагида набирасичалик катта ўрин тутмаганди. Ё у пайтларда ғўр, тентакроқ эканман, ёки ҳаёт тарзи бошқачароқ бўлганлиги учун ҳаёлим бошқа нарсалар билан банд экан, деб ўйларди Антонина.

Ҳозир эса аҳвол бошқача. У набирасини кунига чўмилтириши, ўз қўли билан кийим тикиб кийинтириши, дудуқланиб гапирган ҳар бир сўзини кейин

бошқаларга айтиб бериш учун эслаб қолиши мумкин. Жажжигина бу қўлчаларнинг катталар юрагини, меҳрини забт этишига киши ҳайрон қоларди. Энг ҳайратланарлиси, зиғирдек вақтидаёқ унда тўсатдан ўз ота ва онаси у ёқда турсин, ҳатто ўгай бувасининг одат ва хислатлари ҳам пайдо бўлганлиги эди. Петушок оёққа киргандан кейин хонада бош бармогини липасига тикиб олиб салобат билан юриши қуйиб қўйгандай бувасининг ўзгинаси эди.

Антонина бундай пайтларда ўзида йўқ қувонар, Никитин эса хахолаганча набирасини осмонга отиб ўйнатиб:

— Ўғил болада, ўғил бола,— дея қичқирарди.

Шундан кейин уйда қий-чув бошланар, ўз хонасида дафтар текшириб ўтирган келини Ирина бошини кўтариб, жаҳл билан ташқарига чиқишларини буюрарди. Шунда Никитин дарҳол тинчиб, набирасини кўтарарди-да:

— Петушок, секинроқ, бўлмаса ойнинг ҳамма дафтарларни текширишга улгурмайди,— деб ташқарига интиларди.

Антонина вақт ўтган сари Григорийнинг ўз фарзандига бефарқ қараётганига тобора кўпроқ ҳайрон бўларди. Ўғлини бирор марта тиззасига ўтқазиб эркалаётганини, бувасига ўхшаб гугурт қутичаси, тахтачалардан ё бўлмаса тарвуз палласидан аравача, ёки бирор бошқа ўйинчоқ ясаб берганини кўрмади. Қишлоқ магазинидан сурнай, рангли болалар кубиклари, ўзи юрадиган самосвал олиб келиб тўнғичини хурсанд қилиш-ку хаёлига ҳам келмасди.

— Онаси, сен энди бизда хўжалик мудирисанда,— дерди Никитин.— Фронгда бу лавозимдаги шахс ҳамма вақт катта ўрин тутган, галабанинг асосий сабабчиларидан ҳисобланган. Уни тарихий шахс деса ҳам бўлади.

Гарчи Никитиннинг бу гаплари ғалатироқ туюлса, отини айтмай, онаси деб мурожаат қилаётган бўлса ҳам Антонинага ёқарди. Кейинги вақтда кўпроқ кампир деб чақирадиган одат чиқарди.

Аслида ҳақиқатан ҳам шундай деса бўлаверарди. Жар ёқасидаги уйида ёлғиз истиқомат қилаётган аёлга шундай катта, қувноқ оила келиб қўшилгани ҳаммадан ҳам муҳим эди. Башартики оиласининг тинчлиги унга боғлиқ экан, қўлидан келган, кучи етган нарсани қилишга тайёр-ку, ахир. Ишқилиб ўғли Григорий билан хотини Иринанинг ёш оиласига ғубор тегмаса бас.

Лекин Антонинага анчадан бери улар ўртасида нимадир содир бўлаётгандек туюларди. Гарчи на Григорий, на Ирина бир-бирларидан ҳеч қачон шикоят қилишмаган бўлса ҳам, чет кўзга улар ўртасидаги парда кўринмаса-да, Антонина буни аниқ сезарди. Кўринишдан улар ўртасидаги муносабат эскича давом этарди. Лекин у шунинг учун ҳам онаки, бошқалар илғамаган нарсаларни ҳам қалб кўзи билан кўра оларди. Улар қанчалик сир сақлашмасин, бир том остида яшаб туриб нариги хонада бўлаётган ҳодисани, ойни этак билан яшириб бўлмагандек, беркитиб бўлмасди.

— Яна сендан худди бочкадан келгандек ҳид кел-
апти-ку. Ҳар куни шу аҳвол-а. Шундан кейин яна
мендан қанақасига бирор нарса талаб қила оласан?

— Нимага ича бошлаганимни ўзинг ҳам биласан-
ку. Кел, Ирина, бу ердан тезроқ кетайлик. Биз ҳаёт-
га эндигина қадам қўйяпмиз. Ҳеч қачон юзингга сол-
майман.

— Мен ўзимни гуноҳкор деб ҳисобламайман, бил-
дингми. Бир пайтлар, студентлик вақтимизда муҳаб-
батдан юксакроқ нарса йўқ деб ўзинг айтгансан-ку.

Сенинг ўрнингда бошқа одам бўлганда нима қилишини биларди. Сенда эса на мардлик, на ғурур бор.

— Ҳечам тушунмас экансан-да...

Гап шу ерга келганда Антонина беихтиёр бўш челаққа қоқилиб кетди-ю, ичкаридагиларнинг тортишуви тўхтади.

Бу гаплардан бирор нарсани билиш мушкул бўлса-да, ҳар қалай улар ўртасидаги муносабат дарз кетгани аниқ эди. Антонина эшитган гаплар орасида фақат келинининг: муҳаббатдан юксакроқ нарса йўқ, деган фикрига тамомила қўшилди. Антонина бунга Никитин ўрада немислардан яшириниб ётган, ўзи бир амаллаб бир неча дақиқа фурсат топиб унинг олдида борган пайтларда ишонган эди.

Ўз ўғлига нисбатан юрагида нафратнамо қандайдир ҳислар уйғонарди. Афтидан тентак ўғли хотинини кимдандир рашк қилаётганга ўхшарди. Муҳаббат ҳамма ғуборларни худди кўз ёшидек юзиб кетадиган бўлгандан кейин нимага рашк қиларкин. Ахир инсон севги туфайли дунёга янги келгандек бўлади-ку. У тамоман янги, мусаффо бўлиб қолади-ку.

Иринанинг инсон ҳеч қачон ўз ғурурини йўқотмаслиги кераклиги хусусидаги гапи ҳам тўғри. У ўз шахсий тажрибасидан ҳам буни яхши биларди. Антонина райком бюроси мажлисидан чиқиб, худди биров қувлагандек извошда қочганида алам ҳиссига берилганини ўкинч билан хотирласа-да, ўша вақтда қадрқиммати, ғурурини Неверов олдида оёқ ости қилмаганига юракдан хурсанд бўлар, ўзига тасалли берарди. Кейин ҳам ҳеч ким унинг хотиржамлигига нима сабабчи эканини била олмади. Унинг хотиржамлигига эса ҳамма ҳам қўйил қоларди.

Антонина ўз кузатишларини анча вақтгача яшириб юрди-ю, ниҳоят Никитин билан маслаҳатлашмоқчи бўлди:

— Коля, назаримда, уларнинг ораси бузуқроқ кўринади.

— Нега ундай дейсан?— Никитин папиросини оҳиста тортиб, қизиқиб сўради.

Антонина ўғли билан келини ўртасида бўлиб ўтган гапни айтиб берганда Никитин қайта сўради:

— Ирина тўғридан-тўғри шундай дедими?

— Ҳа, муҳаббатдан юксакроқ нарса йўқ, деди. Коля, аёл сифатида унинг гапига қўшиламан, лекин она сифатида эса нима қилганда ҳам Гришага раҳмим юелади. У кейинги пайтларда жуда ўзгариб қолди. Ўзинг биласан-ку, у илгарилари ҳеч қачон бунақа ичмасди. Ёш бўлишганий-чун шунақамикин, яхши бўлиб кетишармикин, Коля?— Антонина ёстиқдан бошини кўтариб, эрининг кўзларига умид билан тикилди.— Ёшларда бунақа ҳодисалар учраб туради, кейинчалик бир-бирларига кўникиб кетишади, дейишадик-ку ахир. Тўғри, биз унақа бўлмагандик, мен сенга жуда ҳам тез ўрганиб кетгандим. Ўтиб кетармикин, сен нима дейсан?

Антонина эрининг жавобини ҳам кутмай ўзига ўзи тасалли берди.

— Ўтиб кетар. Уларнинг жанжаллашишига ўрин йўқ. Ўғиллари Петушок ҳам катта бўляпти.— Ўз сўзларидан ўзи мамнун бўлиб енгил тортди:— Ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади, тўғрими, Коля?

— Эҳтимол,— жавоб берди Никитин. У ўрнидан туриб, янги папирос тутатди, деразанинг боғ томонга очилган дарчаси ёнига бориб, тутунни ўша томонга пуфлади.— Аллақачон йўлга тушиши лозим эди. Умуман олганда, сен уларнинг ишига аралашмасанг ҳам бўларди, ўзлари ҳал қилишсин.

Антонина қўрқиб кетди.

— Нималар деясан, Коля? Мен уларнинг ишига сира аралашаётганим йўқ-ку, бу гапни қаердан чи-

қардинг. Ҳатто сенга айтишга ҳам истиҳола қилиб юрувдим, яхши бўлиб кетишар деб ўйловдим.

Никитин папирос қолдигини шиддат билан дарчадан улоқтирди-да, унга ўғирилди:

— Ундан кўра менга ертўладан муздеккина вино олиб чиқсанг бўларди.

Антонина ҳайрон бўлди:

— Нега бунақа тўсатдан ичгинг келиб қолди?

— Ўзим ҳам билмайман. Ё ҳаво димлигидан, ё овқатингнинг зўрлигидан. Ичгим келиб кетди.

— Балки муздеккина қатиқ олиб чиқсам яхши бўлар?

— Қўйсангчи! Яхшиси қатиқни ўғлинг Григорийга бер,— деди Никитин заҳарханда билан.

* * *

Антонина вино бочкалари сақланадиган ертўлага кун давомида одатдагидан кўпроқ тушиб чиқаётганини сезиб қолди. Ҳамма боғи бор ҳамқишлоқлари қатори уларникидан ҳам ҳеч қачон вино аримасди. Боғ эса бу ердаги деярли барча хонадонда бор эди. Меҳнат кунига колхоздан вино бериладиган пайтлар ҳам бўларди. Бу ерларда яшайдиган казакларнинг танглайи вино билан кўтарилган, жон чиқиши олдида ҳам вино томизишади деса ҳам лоф бўлмайди. Аёллар ҳам вино ичишда эркаклардан қолишмасди. Айниқса урушдан кейин бева қолган аёллар.

Лекин Антонина илгари ҳеч қачон ичмаганди. Балки урушда бирор яқин кишисидан айрилмагани, бахтим хазон бўлди деб ғам-ғуссага берилмагани сабаб бўлгандир бунга. Унинг бахти ёнида, ҳамиша ўзи билан бирга эди. Байрам кунлари ёки саратоннинг жазирама пайтларида ертўлага тушиб қолсагина чанқоғини босиш учун муздеккина винодан бир-икки стакан ичарди, холос. Бирор юмуш билан ертўлага

тушмаса бу ерда вино сақланиши кейинги байрамлар-
гача эсига ҳам келмасди.

Энди бўлса кунига бир неча марта ертўлага тушиш
учун ишончли баҳоналар топа бошлади. Буни илк
маротаба ўзи сезиб қолганида жуда қўрқиб кетди. Ке-
рак вақтда албатта ўзимни қўлга оламан, буткул
ичмайман, деб қатъий қарор қилди. Лекин ҳозирча
бу ишни қилолмайди. Вино юрагида қандайдир туғ-
ёнлар уйғотар, кўнглидаги ўзига ҳам ноаниқ бўлган
гашликни тарқатарди. У ҳеч қачон маст бўлгунча
ичмасди. Ширакайф вақтларида хаёлини қандайдир
хотиротлар чулғаб оларди.

Айниқса деншчик Иоганнинг назоратидан қочиб
юрган кезлари оғир бўлган эди. Деншчик Антонинани
кун бўйи кузатгани учун фақат кечасиларигина лей-
тенантнинг олдига борарди. Шунда ҳам деншчик
унинг виносидан ўлардек маст бўлиб, данг қотиб уй-
қуга кетган вақтлардагина бу ишни қила оларди. Ро-
манов партизанларининг немис комендатурасига ҳу-
жумидан кейин аҳвол янада мушкуллашди. Офицер-
лар яшайдиган хонадонларга тунда соқчилар қўйила-
диган бўлди. Бу соқчилар Антонина Никитин яширин-
ган ўрага тушиб кетган пайтда ҳар дақиқада чақи-
риб қолишлари мумкин эди. Ўша кунларни хаёлида
қайта жонлантириб, Никитин билан эр-хотин бўлиш-
ган давр эмас, балки ўша таҳликали кунлар ҳаёти-
даги энг бахтли дамлар бўлганлиги ҳақидаги хулоса-
га келарди. Ҳа, уни севиб қолганига иқрор бўлган,
дарахт тагидаги нимқоронғи ўрага машғалдек интил-
ган, бу дамларни орзиқиб кутган ўша онлар ажойиб
эди. Чор атрофдаги немис соқчиларининг пайзалари
қоронғиликда ярқираб турган, сал эҳтиётсизлик ўлим
билан баробар бўлган ўша дамлар севгилиси билан
висол онлари бўлгани учун унга ором бағишларди.
Ҳа, бу вақтга келиб Никитин Антонина учун немис-
лардан бекитиши ва сақлаши лозим бўлган ярадор

лейтенантгина эмасди. Антонина ўз боғидаги ҳар бир дарахт ўрнида солдат турганда ҳам, эмаклаб бўлса-да, улар орасидан ўтиб, севгилиси олдига борган бўларди. Бундай ҳушёр ва айёр бўлишга ҳам севги ўргатди. Ўттиз ёшлик юрагига тўсатдан ва бемаҳал гулгула солган севги эди бу.

Ўша пайтдан қолган ўз боғи ҳозир кўзига бутунлай бошқача бўлиб кўринарди. Тунда ой чиққан пайтларда дарахт шохлари, ток новдаларининг соялари ерда ажиб бир нақшлар чизар, қоронғи кечаларда эса шохлар милтиллаб кўринар, тўкилган барглари шитирлатиб у ёқдан-бу ёққа чопаетган типратикан соқчилари сергаклантириб, милтиқларининг тепкисига ёпишиб, «халт» деб бақиринишга мажбур этарди. Бунақа пайтларда Антонина ерга қапишиб кетар, бир оз кутгач, яна эмаклашда давом этарди. Бундай дамларда жуссадор гавдаси эгилиб-букилувчан бўлиб кетишига унинг ўзи ҳам ҳайрон бўларди.

Ҳанузгача Антонина димоғига Никитин ётган ертўладаги пичан ва қўлбола тамаки ҳиди урилиб тургандек бўлади. Ўрани беркитиб турган супургигул, унинг гуллари ҳам ўшандан бери қадрдон бўлиб қолганди Антонинага. Эндиликда боғни тозалаб, ўша ёввойи ўтлари суғуриб ташлаётган пайтларида кўнгли ғаш тортади.

Лекин нима бўлганда ҳам бу ёввойи ўтни чопқи билан чопиш у ёқда турсин, белкурак билан майда илдизларигача қўпориб ташлаш лозим эди. Акс ҳолда яна кўкариб, ҳамма ёқни қоплаб ётаверарди.

* * *

Антонина эрталабдан тушгача кетмонча билан ерни юмшатди. Тушлик олдидан сув иситиб чўмилмоқчи, танасидаги тер ва қизғин чанг-губорларни ювмоқчи бўлди. Одатда бу пайтда неварасини овқат-

лантириб ухлатарди, бошқалар эса кечқурун қайтишади, шунинг учун ҳам унга ҳеч ким халақит бермайди.

Чўмилиб бўлиб, оёғини энгашиб артаётганда кўзгуда ўзини кўриб қолди. Илгари ҳеч қачон яланғоч ҳолда ўзини ойнадан кузатмаганди. Тўғрироғи, бундан жирканарди. Бошқа одамлар олдида, улар ким бўлишидан қатъи назар, ҳатто аёл киши бўлганида ҳам чўмила олмасди. Ёшлигидан шунга одатланганди. Ҳозир ҳам, баъзан қиш вақтида, шанба оқшомлари сув иситиб, Никитинни папирос чекиб тур деб ташқарига қайдарди-да, уйни ичидан бекитиб оларди. Никитин уй атрофида у ёқдан-бу ёққа юриб гўлдирарди:

— Топган қилиғини қара, келиб-келиб мендан уяласанми? Сандақаси дунёда танҳо бўлса ажабмас.

Лекин овозидан хотинининг бу одати унга маъқуллиги сезилиб турарди. Ёзда ҳам Доннинг ёлғиз ўзи чўмиладиган, бошқалар нигоҳидан холи, мажнунтоллар орасига яширинган жойи бор эди. Аёлларнинг ишдан кейин гала-гала бўлиб Дон бўйига тушиб, ким озгину ким семиз, кимнинг оёғи қанақаю бели қанақалигини муҳокама қилишларини, ўз эрлари ва бошқа эриакларнинг икир-чикирлари ҳақидаги тафсилотлар билан ўртоқлашишларини ҳаммадан ҳам жини ёқтирмасди.

Бунга уруш йиллари, урушдан кейинги дастлабки пайтларда чидаса бўларди. Чунки у вақтда қишлоқдаги ҳар бир аёлга яримтадан инвалид тўғри келарди. Лекин ҳозир аҳвол ўзгарди, бу соҳадаги тафовут деярли йўқолди, шу туфайли уруш даврининг қонунлари билан яшаш энди ярашмайди.

Антонина катта трюмо олдига келди-да, ҳаётида биринчи маротаба ўзини қип-яланғоч ҳолда ойнадан кузатди. Қаршисида қорачадан келган жуессадор аёл турарди. Яқиндагина қадди-қомати келишган жувон эди. Кейинги йилларда ўзида қандай ўзгариш рўй бер-

гашини билишни истарди. Албатта йиллар бир-бирини қувиб жуда тез ўтяпти, ҳамма нарсада ўз изини қолдирапти. Жумладан унда ҳам, Албатта ўттиз ёшлик вақтлари орқада қолди. Лекин унчалик қариб ҳам қолгани йўқ.

Ҳар қалай, ўзида алоҳида ўзгариш сезмади, Фақат кўзларигина қандайдир ўзгачароқ, ғамгинроқ бўлиб қолган, унинг бундай ташвишли кўриниши ўзига ҳам ёқмасди.

Трюмога тикилиб турганида Никитиннинг шу сочларини қўлига олиб, бармоқларига ўраб ўйнашни жуда ёқтирганини эслади. Сочлари эса белигача тушарди. Антонина баъзан эрига ярим ҳазил, ярим чин қилиб сочини шартта кесиб ташлашини, яхши ювиб ҳам, тараб ҳам бўлмайдиган, ёзда бугдой ғарами тагида юргандек иситиб юборадиган сочи жонига теқканини айтарди. Ўзи ҳам сочларини иккита қилиб ўриб юрадиган ёшдамасди. Антонина шундай деганда Никитин доимо чўчиб тушарди:

— Жинни бўлдингми, ростдан ҳам сочингни кесиб қўйма тагин. Шу сочларингни деб севиб қолгандирман балки сени.

Энди бўлса сочларини елкасидан тушириб, тараб турмакляётганида у томонга ақалли қиё боқмайди. Ойнадан тушиб турган эрталабки қуёш нурида жилваланиб, гўё ҳавода сузаётгандек ҳилпираётган, ҳали орасига бирорта оқ ораламаган сочлари ҳам уни қизиқтирмай қўйганди.

Антонина, каравотда ўтириб олиб папирос тутатаётган Никитин бу вақтда уйнинг нариги томонида мактабга кетиш олдидан шифоньер олдида ўзига оро бераётган келинига тикилиб турганини аниқ кўрарди. Иринанинг сочлари эса қора ҳам эмас, қандайдир би-нафша рангга ўхшайди. Тароқ текканда темирдек чирсиллайди. Иринанинг безанишини сабр-қаноат билан кузатиб, чекиб ўтирган Никитин эрталабки қуёш

нури билан йўғрилган, шовиллаб тушиб турган бугдой оқимидек эшилаётган сочга эмас, темирдек чирсиллаётганига тикиларди.

Эшик тагида эса уларни идора шофёри кутарди.

...Унинг янгоҳи тўсатдан трюмо олдидаги михга илиб қўйилган қайчига тушди. Оқибати нима бўлишини билмаган қолда қайчини михдан чиқарди, пастки жавондан катта ёғоч тароқни олди, елкасидаги сочларини кўрагига туширди-да, уни тараб туриб гарданига яқин ердан қирқиб ташлади. Узилган сочлари шитирлаб оёқлари остига сирғалиб тушди. Елкаси оша эйнага тикилганда худди келини Иринанинг сочларига ўхшаган калта сочли, тамомила нотаниш аёл қараб турарди.

Бу ҳолатдан сесканиб юзини қўллари билан беркитди.

Антонина учун энг даҳшатлиси кечқурун рўй берди. Ҳамма йиғилгандан кейин Антонина калта қирқилган сочлари билан ошхонадан чиқиб келиб, столга яқинлашганда Никитин унга кўз қирини ташлади-ю, ҳеч нарсани пайқамади. Фақат Ириналина ачингандай бир қараш қилди. Лекин у ҳам ҳеч нарса демай, бошини қўйи эгди.

Эртасига эрталаб бўлиб ўтган ҳодисаларга бошқача кўз билан қаради, бунинг учун фақат ўзини айбдор деб топди. Унга кесиб ташланган сочидан ҳам кўра шу йиллар ичида ўзининг жуда ўзгариб кетгани, рўзгор икир-чикирлари билан ўралашиб, эрини сал нарсадан рашк қиладиган хотинга айланиб қолгани кўпроқ алам қилди.

Миясига келган бу фикрдан бутун аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетди, ўзига нафрати қўзғади. Колхозда кунига қанча аёл билан муомала қилишга тўғри келади. Хоҳлаганича, кўнгли тусаганича қараса-

қарайвермайдими. Улар билан гаплашса, ҳазиллашса бир нарса бўптими? Казак аёллари ўзига маълум-ку. Эркаклардан олдин гап отишади. У хотинлар гап отганда мум тишлаб жавоб беролмаса ёки ўзини баланд тутиб уларни хафа қилса аҳволига вой. Ҳазилга ҳазил билан жавоб бера олмаса, уларни гаҳ деганда қўлига қўнадиган қила олмаса қандай раис бўларди.

Келинига қараса қарайвермайдими. Бунақа ёш, чиройли аёлга ҳамманинг ҳам қарагиси келади-да, шунгайм ота гўри қозихонами? Унинг ўзи ҳам аломат-да. Худди Донцнинг Донга қўшиладиган ерида бир пароходдан тушиб қолиб, кейингисида йўлини давом эттирадиган саёҳатчига ўхшайди. У бегонамидики, гаплашмаса, ҳазиллашмаса. Эри Григорий бўлса ёшлигидан гапиришдан кўра оғзига толқон солиб ўтиришни афзал кўради, битта сўзни қармоқ билан тортиб олиш керак. Сочини кесиб ташлаганини кўрмаса бир нарса бўптими. Ўзининг миясига келган ҳар қандай хомхаёл учун эри айбдорми. Унинг гарданида бир вақтлар ўзи бошқаргандақа митти колхоз эмас, райондаги энг катта хўжаликнинг ташвиши турибди. Колхоздаги ҳар бир одам билан жавоб-муомала қилади, ахир. Турли вакил ва тафтишчиларнинг ўзиёқ унинг тинкасини қуритади. Шунинг учун ҳам Никитин стол атрофида ўтиришганда Иринага, колхоз раиси симёғочга ўхшайди, доддираган ҳар бир чўчқа унга ишқаланиб кетади, деганида ҳақ эди. Шунақа бўлгандан кейин хотини сочини қандай безаганини қаёқдан сезсин бечора. Бугун хотиним сочини қандай тараркан, деб юришга вақт қани унда?

Антонина шуларни ўйлаганда уятдан бутун аъзо-йи бадани қалтираб кетарди. Лекин бу кейинги пайтларда ўзига азоб бераётган ғалаёнли хаёллари, қайғу-ҳасратини эритиб юборадиган қандайдир роҳатбахш, ёдимли туйғу эди. Ўзини қанчалик кўпроқ қораласа, шунчалик кўпроқ енгиллашар, елкаси ғам-

андух тошларидан шунчалик тезроқ ҳоли бўлаётгандек туюларди. Бундай онларда у худди илгариги ташишсиз дамларига қайтгандек сезарди ўзини.

Назарида ҳеч нарса ўзгармаганга, фақат ўзи бошқачароқ бўлиб қолганга ўхшарди. Аёл киши ҳар қандай шароитда ҳам пастлашмаслиги лозим бўлган баландликдан тушиб кетганлигини англади.

Агар ҳақиқатан ҳам шундай ҳодиса рўй бериб, ҳамма нарса унга боғлиқ бўлса, ҳаммасини тузатса бўлади. Бунинг учун фақат шу вақтгача ўзи англамаган ёки қабул қилмаган нарсаларга бошқачароқ муносабатда бўлиши керак. Токи майда-чуйда, ортиқча нарсалар турмушларига заррача доғ туширмасин.

Настюра Шевцова бошидаги рўмолчаси елкасига сирғалиб тушганини ҳам пайқамай, қишлоқдан станицага ҳовлиқиб келганида Антонина ана шундай руҳий кайфиятда эди. У кўча эшигидаёқ, нафаси бўғанга тиқилиб, кўрганларини ганира кетди.

* * *

Настюранинг сўзига қараганда, у бир нарсани сезгандай бўлиб бир ойдан бери Никитин билан Иринанинг йўлини пойлабди. У ҳар куни раис билан келини ўтадиган пайтларда станица билан ферма ўртасидаги йўл ёқасида биқиниб, эринмай навбатчилик қилибди. Улар бир ойдан бери машинада тўхтамай ўтиб кетишаркан. Бугун тўсатдан Настюра нафасини ичига ютиб, ўтлар орасида яшириниб ётган жой яқинида машинани буриб, соҳилдаги дарахтзорга кириб кетишибди. Нарироққа боргач, Никитин билан Ирина машинадан чиқиб, олдинма-кейин жар тагига тушиб кетишибди. Дарё қайиладиган бу ерда Дон оҳиста оқарди. Ана шу жойда чўмилаётганларни эса бу қирғоқдан ҳам, нариги қирғоқдан ҳам ҳеч ким кўрмас экан. Настюранинг ўзи ҳам фермадан қишлоққа қайтаёт-

ганда ўша жойга тушиб маза қилиб чўмиларкан. Жар ёқасига ёнбошлаб, калласини осилтирганча пастда нима бўлаётганини томоша қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас экан.

Лекин Настюра эринмабди. У қорни билан сурғалиб жар ёқасига бориб, пастга, Никитин билан Ирина тушиб кетган томонга қарабди.

Ҳикояси шу ерга келганда Антонина дугонасининг башарасига қараб туриб, заҳарханда кулганча жеркиб берганда Настюра ҳайратдан ёқасини ушлади. У илгари ҳеч қачон Настюрага бундай муомала қилмаганди.

— Йўқол! Кучала еган жойингга бориб тириш. Одамлар иссиққа чидамай чўмилса ҳам алжирайвера-санми?

Антонина шундай деди-ю, кўча эшикни чунонам тарақлатиб беркитдики, наҳ Настюранинг бурнига тегай деди.

Ҳеч нарсани кўрмайдиган аҳмоқ хотинга яхшилик қиламан деб бир ой вақтини пойлоқчиликда ўтказгани эвазига бундай дашном эшитгани Настюрага алам қилди.

Настюра Шевцова яна бир бор эшикни тақиллатганда Антонина четан девор орқасида туриб, агар туҳмат қилишининг қўймасанг кўппакни бўшатиб юбораман, деб дўқ қилди:

— Дарров йўлингни топиб беради. Бу гапларни ҳаммасини қасддан тўқиб чиқараётганингни кошки билмасам. Заҳар-заққум тилинг туфайли сени жини ёқтирмаслиги учун ўч олмоқчисан.

Раҳмат дегани шуми ҳали. Бундан беш баттар бўлмайсанми, менга нима. Ўзини, ўзига ўхшаган лапашанг ўғлини куппа-кундуз кунни алдаб кетишса ҳам парвойи фалаг-а. Осмонга туфласа юзига қайтиб ту-

нишини билмайди, аҳмоқ. Ҳаммани ўзига ўхшаган
оғзинг қани деса қулоғини кўрсатадиган лақма деб
ўйлайди шекилли. Бунақайкансан, эрга теккандан
кўра Монастирга борсанг бўлмайдим. Яна бу казак
аслмиш. Қанотининг тагидан эрини суғуриб кетгуни-
рича қараб ўтирибди-я.

Бунақа одамнинг жазоси шу. Баттар бўлсин.

Настюра Шевцова шундай хаёллар билан эшикдан
узоқлашаркан, нафрат билан орқасига туфлади.

* * *

Антонина эрталаб уйдагиларни овқатлантириб —
ишга, набирасини боқчага кузатгач, одатда Доннинг
нарёғидаги илгариги ҳовлисида хабар олишга, кейин
қайтиб келиб тушлик тайёрлашга улгурарди. Бугун
навбат алмашаётган паромчилар муштлашгудек бў-
либ жанжаллашганлари учун кеч қолди. Қўрғонга
кирганда Никитин билан Ирина ровонда ўтириб ов-
қатланишаётган эди.

Антонина уларнинг овозини анча наридан эшитган
эди. Улар нима ҳақдадир оҳиста гаплашиб ўтири-
шарди. Унинг юраги бир нарсани сезгандай бўлди.
Агар Настюра билан уришиб қолишига сабаб бўлган
гапни эшитмаганида балки у қадамини секинлатма-
ган, ровоннинг ярим очиқ эшигига етиб, даҳлизда тўх-
таб қолмаган бўларди. Уларнинг гапидан ҳали ҳеч
нарсаси тушунмаган Антонина ўзида тўсатдан қандай-
дир бир кўнгилсиз бесаранжомлик сезгандай тўхтаб
қолган бўлиши ҳам эҳтимол.

Келини Никитин билан, гўё бунга ҳақи бор одам-
дек, жуда эркин муомала қиларди. Антонинанинг ўзи
шунча йил бирга яшаб бундай муомала қилишга одат-
ланмаган эди.

— Қандай қилиб ахир? — кулимсираб сўрарди
Ирина.

Антонина уларнинг гапини атайин эшитмоқчи

эмасди, шунинг учун ҳам виждони қийналмади. Лекин вазият шундай бўлиб қолгандан кейин келини қайси асосга кўра Никитин билан бунақа муомала қилишини охиригача билиб олиш гуноҳмас деб ўйлади.

— Қандай қилиб?— ижикиларди Ирина.

Никитин бир оз муддат унга жавоб бермади, сўнг овози чайналиб чиқди:

— Хотинлар жуда кўп йўл-йўриғини билади, дейишади-ку.

— Ўзинг ишни ҳозирча қўйди-чиқдигача олиб бориш керакмаслигини айтгандинг-ку.

— Бу бутунлай бошқа гап. Мен сенга ўрани кўрсатдим-ку ахир.

— Уни илгарироқ кўрсатганингдайди...

Антонинанинг эшик олдида туриши амри маҳол, даҳлиз эса чидаб бўлмас даражада дим эди. У орқасига тисарилиб тош деворга суяниб қолди.

Келин қўрқув ичида Никитиндан сўради:

— Биров келди шекилли?

Никитиннинг қадамидан ровондаги пол тахталари гичирлади. У эшикни тортиб беркитди.

— Ҳеч ким йўқ.

Эшик орқасидан уларнинг овози бўғиқроқ эшитила бошлади. Дим даҳлизда Антонинанинг аъзойи баданидан тер чиқиб кетди, фақат муздеккина девор унинг жонига оро кирарди. Ровонни Никитиннинг ўзи ўтган йили тошдан қурган эди.

— Нима бўлганда ҳам сен унга рухсат этмаслигинг керак эди,— эшик орқасидан Никитиннинг қатъий овози келди.

— Бу янгилик. Рашк қиляпсанми?

— Бўлмаса буни менга айтмасанг ҳам бўларди...

Энди унга жавоб бераётган Иринанинг истеҳзоли овозида очиқдан-очиқ жирканиш оҳанглари сезиларди.

— Шунақами? Шунда кўнглинг тинч бўлармиди?

Антонинанинг бутун баданидан шаррос тер қуярди. Лекин иссиқдан эмас, совуқдан қалтирарди. Бутун ҳаёти мобайнида ҳозиргичалик совуқдан қалтирамаган эди. Тош девор унинг елкасинигина эмас, бутун вужудини музлатганди гўё. Антонина ҳаммадан ҳам шу девордан узилиб даҳлиздан сирғалиб чиқишга, бу ердан узоқроққа кетишга мажолим етмайди деб қўрқарди. Аввалига маъносига тушуниб етмаган эри ва келинининг узук-юлуқ гаплари тўсатдан бирлашиб миясига ярқ этиб урилди, анчадан бери уни ҳаёлга ботириб юрган, Настюрадан эшитганда ҳам ишонгиси келмаган шубҳа-гумонлари билан қўшилиб кетди. Ҳамма нарса ойдинлашгандай, кўзи очилгандай бўлди. Антонина ҳаммасига тушунди. Энди улар ўзаро гаплашаётган нарсаларни билишга, бирор сўзни эшитишга ҳам ҳожат қолмади, чунки бу энди Антонинанинг эмас, уларнинг ҳаёти эди. Ўзининг Никитин билан ўтган ҳаёти энди бирданига ойнадек чил-чил синди, батамом адо бўлди. Энди бу ҳаёт абадий ўша ерда, остонанинг нарёғида қолади. Антонина энди уларга халақит бермай, бу ердан бир амаллаб чиқиб олса бас.

Антонина кейинчалик даҳлиздан шарпа чиқармай, амал-тақал қилиб чиқиб кетганини, ёзнинг жазирама кунларида жон сақлайдиган ертўлада юз тубан ётиб қолганини эс-эс хотирлайди.

Григорий ҳақидаги фикрдан уйғониб кетди. У бўлмаганда-ку, бирон сония ҳам кечиктирмай, ҳозироқ масалани бир ёқлик қиларди-я. Лекин она-бола бамисоли бир тузоққа илинган эдилар. Антонина бу тузоқдан аввал ўғлини қутқармасдан туриб ўз тақдири хусусида ўйламайди ҳам. Агар ҳеч гапдан хабари бўлмаса, уни бу кутилмаган зарбанинг хунук оқибат-

ларидан асраб қолиши керак. Мабодо сезган ва бу аҳволдан қутулишнинг йўлини ахтараётган бўлса, унда бу йўлни топгунча ўғли ёнидан жилмаслиги даркор. Ёшлар атрофдаги нарсаларга ўзларича қара-шади, сен учун мақбул бўлган нарса уларга бутун-лай тўғри келмаслиги мумкин. Уларнинг ишига бе-маврид аралашиб қолсанг ёрдам бериш ўрнига зарар келтиришнинг ҳеч гапмас.

Шундай экан, Антонина учун ҳозирча фақат бир йўл — кутишгина қолади, холос. Ҳар сония сергак туриш, унга ёрдам берадиган дақиқани эътибордан қочирмаслик лозим. Ҳозирча туя кўрдингми-йўқ қа-билида, илгари уйда ўзини қандай тутган бўлса шун-дай юргани маъқул. Шу вақтгача бўлганидек, қуёш-дан олдин уйғониши, нонушта тайёрлаши, уйдагилар-ни овқатлантириб, ишга, боқчага жўнатиши, кечқу-рун кутиб олиши, уларнинг кийим-кечакларини ювиб-дазмоллаши, экинларни суғориши, ҳаммадан кейин ётиши керак. Ўзига қанчалик қийин бўлмасин, бу ишларни илгаридагидек адо этаверишга мажбур. Ўғ-лининг бошида шундай бахтсизлик бор экан, ўзининг бутун дард-алами, ташвишини унутмоғи зарур.

Антонина янги ролини ёмон бажармади чоғи. Зеро Никитин бу вақт ичида фақат бир мартагина унга диққат ва таажжуб билан тикилиб сўраб қолди:

— Нима бало, онаси, бир нарсани сендан уч мар-талаб сўраш керакми? Кар бўлиб қолдингми ўзи?

Антонинанинг ўзини бу гал ҳам эрининг гапиғи эшитмаганга олишдан ўзга чораси қолмади. У ўзини мажбур қила олмаётган ягона нарса мана шу — эри-нинг саволларига жавоб қайтариш эди. Чиндан ҳам эрининг барча гаплари, қилиқларига кар ва кўр бў-либ қолгандай эди тўё. Илгари оғзидан чиққан ҳар бир товушини бутун вужуди қулоқ бўлиб эшитган, бу-

тун жони-жаҳонини беришга тайёр турган эрининг гапларига энди қулоғи том битганди.

Антонина узум пишиб қолгани, болалар эса девордан ошиб тушаётганини баҳона қилиб ташқарида, сўри тагида ёта бошлади.

У ҳеч кимга халақит беришни истамасди.

Антонина ўғлини диққат билан кузатарди. У ўт-мишини эслаб, ўзи билан овора бўлиб, ўғлига зарур вақтда, эҳтимол ҳали олдини олиш мумкин бўлган пайтда ёрдам бермагани учун ўзини қарғарди.

Албатта у ҳамма нарсадан аллақачон воқиф бўлса керак. Бўлмаса хотинига: «Ирина, юр, бу ердан кетайлик», деб илтижо қилармиди? Онасидан-ку бундай нарсани яширган экан, у нимадандир умид қилган, аламини винодан олиб юрганга ўхшайди. Балки онасига раҳми келгандир. Онаси билан бир тузоқча илингани унга жуда қаттиқ зарба бўлгани аниқ. Онасига азоб бермаслик учун ўз ғамини ундан яширган, ичга ютган, бу эса ҳаммадан оғир нарса.

У ёшлигидаёқ онасига меҳрибон ва ғамхўр бўлиб, оғирини енгил қилишга интиларди. Лекин ҳеч қачон эркаланмасди, бундан ор қиларди. Дондан сув келтиринг дейсизми, сигирга ўт ўриш дейсизми, барини онасидан олдинроқ ўзи бажаришга уринарди. Сигир кечқурун подадан қайтганда унга ўзи қарар, баъзан ёзда бутун қишга етадиган ўтинни тайёрлаб, ошхонанинг орқасидаги айвонга чиройли қилиб тахлаб қўярди. Онасидан ҳеч қачон ортиқча нарса талаб этмас, студентлик вақтигача ҳам ағдартирилган эски кийимларни кийиб юришга ор қилмасди. Техникумда ўқиб юрган кезларида ҳатто стипендиясидан орттириб онасига совға-салом юбориб турарди. Демак, онасини ҳанузгача авайларкан, сирасини олганда эса, ўғлининг бахтига шу онаси зомин бўлди-ку. Унинг ёш бахтига тўғаноқ бўлган одамни оилага олиб кирган онаси

эмасми ахир? Фақат бахтига эмас, бутун ҳаётига тўғаноқ бўлди у.

Шунда ҳам у онасидан яшириб, бахтига чанг солган кулфатни ўзи даф этмоқчи, нимадандир умидвор, дарди-аламтини вино билан босмоқчи. Антонина жигарбандининг юрагидаги оташни ичкилик билан ҳам ўчириб бўлмай қоладиган дақиқа етиб келиши муқаррарлигини биларди. Бунн у оналик туйғуси билан яхши ҳис этарди. Шу туфайли ҳам бу дақиқани ўиложи борица орқага суришга интилар, лекин унинг тобора яқинлашаётганини сезиб қаттиқ изтиробга тушарди.

Шундай бўлса-да, бир куни Григорий одатдагидан анча олдин уйга қайтганда ўша дақиқа етганини тан олгиси келмади. Антонина маст ўғлига жуда кўп марта эшик очган бўлса-да, бундай ҳол ҳеч қачон бундай маҳалига тўғри келмасди. Ичганида ҳам ҳозиргидай юзлари оқариб кетгунча ичмасди. У жимгина ўғлига йўл берди. Григорий бошини қуйи солиб унинг ёнидан ўтиб кетди. Шу пайт ўғлининг елкасидаги қўшотар ов милтигига кўзи тушди. Унинг аъзойи бадани титраб кетди, лекин ҳаяжонини яшириб, милтиқни елкасидан олишга, ўзини ўтқазиб қўйишга ёрдамлашди-да, оҳиста сўради:

— Бунн қаердан олдинг?

Григорий ерга қараганча бошини сарак-сарак қилди, милтиқ онасининг қўлида қолишини истамай, тиззалари орасига олди.

— Ишхонамнинг қоровулидан олдим.

— Нега?

Антонина шу ондаёқ ўзини тутолмаганига, ноўрин савол берганига пушаймон бўлди.

У маст вақтида бунн сўрамаслиги лозим эди. Шунда у ҳозиргидай бошини кўтариб, онасининг юзига тик қараб айтган сўзларни гапирмасди? Антонина ўғлининг гапидан кўра ҳам бошини кўтарганида тў-

сатдан бутунлай ҳушёр тортган қарашидан қўрқиб кетди:

— Мен уни ўлдиришим керак!

У яна бошини ҳам қилди. Она ўғлининг тор елкалари, ихчам жуссаси, милтиқни маҳкам чангаллаб турган узун бармоқли оқариб кетган қўлларига нигоҳи тушиб ичидан зил кетди. Унинг гардани шундай нозик эдики, гўё унда осилиб турган пахмоқ сочли каттакон калла ҳозир узилиб стол устида думалаб кетадигандек эди. Онасининг тикилишидан бутун юзи мисоли қип-қизил лолага айланиб катта-катта сепкиллари қўшилиб кетган Григорий ёшли кўзлари билан тушунтирмоқчи бўлди:

— Ойи, мен уни мана шу қўшотар билан ўлдираман.

— Зимдан-а? — хотиржам сўради онаси, бу хотиржамликка ўзи ҳам ҳайрон бўлиб.

— У мени ҳалол қулатдими?! Рашк туфайли одам ўлдирса саккиз йилдан ортиқ қамашмайди дейишяпти. Муҳлатни битказиб қайтиб келаман. Ҳали ёшман-ку.

У ўзини идора қила олмайдиган даражада маст эмасди. Маст одамларда бунақа туйғун қараш, мулоҳазали фикр юритиш нима қилсин.

— Сен шунақамидинг ҳали, ўғлим, мен билмаган эканман.

— Ойижон! Мен усиз ҳечам яшай олмайман!..

У пешанасини столга ишқади. Антонина шу дамда худди гўдаклигидагидек бармоқлари билан Григорийнинг сочларини тараши, кафти билан бошини силашни шу қадар истадики, ўзини аранг тийди. Бунақа эркалаш билан овунадиган вақти аллақачон ўтиб кетганди унинг. Қачонлардир ипакдек майин сочлари ҳам дағаллашиб, жингалаги ҳам йўқолиб битганди.

— Зимдан сен уни албатта ўлдиришинг мумкин, Гриша. Ахир ҳалол курашсанг у сенинг қовургангни

синдириб ташлайди. Мен унинг кучини биламан. Мабадо сен зўр бўлган тақдирингда ҳам бундай қилинганга ҳаққинг йўқ. Гришагинам, бунақанги иш учун бир одам иккинчисини ўлдиришига ҳуқуқ берилмаган.— Антонина қўлини узатиб, ўғли тиззалари орасига қисиб ўтирган милтиқни ушлаб кўрди.— Бунингда иккита ўқ борми?

Григорий бошини кўтармай жавоб берди:

— Ҳа, иккита.

— Демак, менга ҳам етаркан-да?

У бошини столдан кўтарди, ҳайратдан кўзлари бақрайди.

— Нималар деяпсиз, ойи?!

— Уни ўлдирадиган бўлсанг, мен ҳам бу дунёда ортиқча бўлиб қолишимни айтяпман, болам. Агар у бу ердан кетса ё бўлмаса,— она бир оз сукут сақлади-да, сўнг давом этди,— мен уни ташлаб кетсам, менга қийин бўлади. Лекин мен унинг ёруғ жаҳонда яшаётганини, қаердадир ёнгинамда юрганини билиб тураман-ку ҳар қалай. Қазосини ҳозирги тинч даврда сенинг қўлингдан топиши учун унинг жонини ўрада сақлаб қолмаганман, ўғилгинам.

Антонина ўғлининг тиззалари орасидаги милтиқни шиддат билан тортиб олди. Григорий эса бунга қаршилиқ ҳам кўрсатмай, итоаткорона сўради:

— Бўлмаса нима қилай, ойи?

Шундагина она бармоқлари билан ўғлининг тўзиб кетган сочларини худди болалигидагидек силади:

— Илгари нима қилмоқчи бўлган бўлсанг шуни қилавер, болагинам!— Онанинг қўли остидаги бош тинчиди.

— Тушунмадим, ойи?

Антонина ўзини зўрға тутиб, пичирлагандай гапирди:

— Ҳозирча қаёққадир кетиш керак, у ёғи бир гап бўлар.

Шу гапдан кейин Григорий бир ҳафта уйда яшадди. Кечқурунлари уйга ҳам ичмасдан қайтарди. Сўнг кўнгилли бўлиб Қўстанай томонга, қўриқ ерларга кетди. Энди навбат Антонинага келган эди.

Қизил жар ёқасидаги уйига харидор топилмаганига Антонина жуда хурсанд бўлди шунда.

Ҳар бир қишлоқда ҳам радио вазифасини ўтайдиган аёллар бўлади. Улар қишлоқдаги ҳар бир янгиликни бутун икир-чикирларигача уйма-уй юриб айтиб чиқишга ҳеч қачон эринишмайди. Шундай радионинг хабарига қараганда, бир куни оқшом пайтида уйига қайтиб келган Антонинанинг эшиги олдида раиснинг ОХ 98—68 номерли «Победа»си тўхтабди. Никитин машинадан тушиб, эшик зулфинини роса тақиллатибди. У нарироқ бориб, бармоғини букиб деразани аввал оҳиста, сўнг қаттиқ-қаттиқ тақиллатгандан кейин ҳам эшик очилмабди. Ичкарида чироқ ёниб, оқ дераза парданинг бир чеккаси очилиб, шу ондаёқ қайта ёпилибди. Никитин бир оз дераза олдида пойлабди, уй олдида у ёқдан-бу ёққа юрибди, сўнг машинага қайтибди. Кейин мотор гуриллабди.

Шу дақиқадаёқ эшикдан узун оқ кўйлакли Антонина чиқибди. Кузнинг баданни жунжиктирувчи совуқ оқшоми бўлишига, булут билан қопланган осмондан ёмғир томчилаб турганига эътибор ҳам бермай, ўйдим-чуқур чўл йўлини пайпаслаб тебрана-тебрана тобора узоқлашиб бораётган машина чироқларига тикилганча турибди. Машина чироғи қоронғилик қаърига сингиб кетмагунича, эҳтимолки тепалик нарёғига ўтиб кўздан ғойиб бўлмагунича шу алфозда тураверибди.

Фақат шундан кейингина уйига қайтиб кирибди ва шу ондаёқ чироғи ўчибди.

...Короткованинг охирги сўзларидан кейин Егоров ҳам беихтиёр кеч куз оқшомидан кўкимтир тусга кирган ойнага қаради. Район маркази гира-шира юлдузлар шуъласи оғушида эди. Олис-олислардан эса қоронғилик ва туман орасидан қишлоқ ҳамда станицаларнинг чироқлари милтиллаб кўринарди. Бу милтиллаётган чироқлар тунаш учун манзилгоҳ қидираётган ғозлар тўдасига ўхшарди бамисоли.

* *
*

Бюро аъзолари бир ҳафтадан кейин яна жам бўлишди. Агар китоб жавони ёнидан ўрин олган Бирючинск колхозининг раиси Никитин елкаси билан деразани тўсиб ўтирмаганда яна ҳамманинг нигоҳи кузги Доннинг нарёғида буғланиб турган жарга қаратилган бўлармиди. Деярли бутун мажлис давомида катта-катта қўлларини тизвасига қўйиб ўтирган Никитин ўзини босиқ тутди. Унинг шундоққина рўпарасига қўйилган стулнинг бир чеккасида бюро мажлисига таклиф қилинган Бирючинск мактабининг паст бўйли ва ориқ директори ҳам ўтирарди.

— Бу бошқа гап,— уларга кўз қирини ташлаб мамнуният билан гапирди раисполком раиси Фёдоров.— Энди ҳақиқий аҳволни аниқлаш мумкин бўлади.

Лекин район прокурори Нефедовнинг фикри бошқачароқ эди:

— Каширинани нима қиламиз? Яна муҳокамани усиз ўтказамизми? Шундай қилиб унинг олдига ҳеч ким бормадимми?

Ҳамма Никитиннинг китоб жавони ёнидан чиқиб турган қўллари қимирлаб қўйганини кўрди, лекин у қўлларини тиззасидан олмади.

— Йўқ, жуда ҳам унчалик эмас,— деди Егоров. У йўталиб туриб район прокурорига жавоб бераркан, унинг овозида қандайдир хижолатпазликка ўхшаш

оҳанг борлигини ҳамма ҳам сизди.— Ҳамма гап шундаки, Андрей Иванович, Каширинанинг олдига бориб келинди.

— Шундайми?.. Мен буни билмаган эканман. Ҳар ҳолда ўзи бўлганда нур устига аъло нур бўларди-да. Алексей Владимирович, унинг олдига ким бориб келди? Сухаревми?

— Йўқ, Андрей Иванович, мен бордим.

Неверов ҳовлиқиб қолди:

— Зап иш бўпти-да! Бунинг учун сизни «Ҳасорати учун» медали билан мукофотлаш керак, Алексей Владимирович!

— Ҳа, унинг олдига ўзим бориб келишга қарор қилдим,— энди қатъий такрорлади Егоров.— Лекин аввалги мажлисда маслаҳат берилганидек тунашга жой сўрамадим ундан... У ер билан район маркази ораси бир соатга борар-бормас йўл бўлгандан кейин бунга ҳожат ҳам йўқ эди-да ўзи. Бунақада асл мақсадимни сезиб қоларди. Шундоқ ҳам сизди бари бир.

Неверовнинг юзида мамнун кулги пайдо бўлди.

— Алексей Владимирович, унинг характериini ҳисобга олганда сизнинг таширфингиз албатта муваффақиятсиз...

— Иқрор бўлишим керакки, мен ҳам аввалига шундай деб ўйлагандим. Ун минутча машина сигнални чалиб турдим, эшик тирқишидан: «Хўжайка!»— деб бақирдим роса. Эндигина кетмоқчи бўлиб тургандим эшик очилди. Маълум бўлишича, у бонинг нариги бурчагидаги қандайдир ўрани тўлдираётган экан, чақирганимни эшитмабди.

Егоровнинг бу гапидан кейин ҳамма бараварига Никитинга қаради. У жавон билан дераза ўртасида башараси тундай қорайиб ўтирарди. Анчадан бери қирилмаган соқоли йилтирарди. Унинг елкалари оҳиста қимирлаб қўйди. Лекин шунинг ўзиёқ деразадан кўриниб турган жарни тўсиб қўйди.

Фақат прокуроргина гапнинг давомини кутганча. Егоровга тикилиб турарди.

Демак, райкомнинг ойнасидан кўриниб турган жар ёқасидаги уйга йўл топиш ўйлаганларича осон эмас экан-да. Дарҳақиқат ҳовли каттагина, деворга эса қўл етмасди. Егоров бюро мажлисида Никитин тарихи очилмагунча бу аёл ҳақида фақат бировлардан эшитганларига қаноат қилиб келганига ўзини қойиди. Девор орқасидан черепица ёпилган том аранг кўринарди. Хонадон соҳибасини чақиришнинг сира иложи йўқ эди.

Егоров бу аёлнинг яқин ўтмишда бутун областга донги кетган раиса бўлганлиги, сўнг қандайдир сабаблар билан саҳнадан тушиб қолганлигини одамлардан эшитганди. Бошқача айтганда, рўйхатдан тушиб қолган, сояга ўтиб кетганди. Бунақа одамлар одатда рўзгор ташвишлари билан ўралашиб қолади, токка қарайди, асалари тутади, набираларини тарбиялайди, баъзилари озми-кўнми отиб туради. Лекин бундай одамлар ҳақидаги хотира худди соядек унинг орқасидан эргашиб юраверади. Гарчи у ҳали ҳаёт бўлса ҳам, ер юзида яшаётган бўлса ҳам. Одамлар ҳали ҳаёт вақтидаёқ «ундай эди, бундай эди» деб ўтган замонда гаплашадиган кишилар ҳақидаги котиrotлар ҳамма вақт Егоровда аллақандай ғамгин, ҳатто ваҳимали туйғулар уйғотарди.

Хонадон соҳибасини чақира олмаган Егоров дилида бекорга овора бўлганига ачиниш ўрнига вазиятнинг бундай кўчишидан мамнун ҳолда эшик олдидан машинаси томон юрди. Ўзи ҳам у қадар интилмаётган бу учрашув унинг ихтиёрисиз содир бўлаётган эди. Одамлар ҳаётининг одатда бошқалар кўзидан яширадиган томонларига мансаб важидан суқулаверишни хуш кўрмасди у. Никитиннинг қилмиши эса афтидан жуда кўнгилсиз эди. Бу аёлнинг ўз ҳаётига бошқаларнинг аралашishiга қандай қараши ҳам номаълум.

Хушламаса керак, албатта. Бўлмаса ҳовлисини шундай баланд девор билан ўраб, устига-устак ириллаб, ҳар сапчиганида малла тумшуғи тахта оша кўринаётган, алаמידан ер тирнаётган даҳшатли итни боқиб қўймаган бўларди.

Лекин Егоров қачонлардир бу аёл, Никитинга тегмасдан олдин, ўзи раислик маҳалида одамохун эканлигини ҳам эшитган эди. Райондаги бирор конференция ёки пленум унинг нутқисиз ўтмас экан. Бошқа раисларнинг хотинларини-ку унча-мунча билади-я, лекин негадир Егоров шу вақтгача Никитиннинг хотини билан таниша олмади. Никитин билан муносабати яхши бўлса-да, лекин у ҳеч қачон уйига бир пиёла чой ичишга таклиф этмасди. Баъзан Никитин меҳмонларни уйга чақиришдан атайин қочаётганга ўхшаб кўринарди. Идорада бўладиган мажлислардан кейин одатда уни уйига эмас, ошхонага таклиф этар, меҳмондўстлигини ўша ерда намойиш қиларди. Агар командировкаларга боришганда феъл-атворини билиб олмаганида, Егоров уни зиқналикда айблаган бўларди. Ушанақа жойларда, конференциядан кейин райондан борган делегатлар жам бўлиб ресторанда овқатланишарди. Ҳисоб-китоб вақтида Никитин ҳаммадан олдин ўзининг катта сариқ ҳамёнини чиқарарди. Ҳеч қачон ҳеч кимга пул тўлаттирмасди: «Худого шукур, бизнинг колхозчиларимиз ўз раисларига яхши ҳақ тўлашади», дерди у гурур билан бундай пайтда.

Албатта янги бюро олдидан Егоров хонадон соҳибаси билан учрашганда-ку ёмон бўлмасди. Бироқ аёл буни истамаса на чора. Кўпшаги бўлса ҳадеб деворга сапчийди. Учрашолмагани учун Егоров айбдор эмас, демак уни бирор қулайроқ фурсатга суришга тўғри келади.

Шу хаёллар билан машина зинасига оёқ қўяётган

Егоров хотин кишининг овози туфайли орқага қарашга мажбур бўлганда у қадар хурсанд ҳам бўлмади:

— Агар сиз, ўртоқ Егоров, Каширинани излаётган бўлсангиз, ўша аёл мен бўламан.

Эшик олдида баланд бўйли, тўлагина аёл истеҳзоли кўзлари билан қараб турарди.

Егоров ҳикоясини шу ерда бўлиб, Никитинга гуноҳкорона назар ташлади:

— Николай Яковлевич, афв этасиз-у, лекин мен сизнинг... собиқ хотинингиз ҳали бунчалик ёш кўришинини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Ростини айтсам, мен ўйловдимки...— Егоровнинг чеҳраси қизариб кетди, бошлаган қандайдир фикрини тугатмай, гапини давом эттирди:— Антонина ҳали ёши ўтиб қолиш у ёқда турсин, жуда гўзал аёл экан.

Бу сўзлардан кейин Егоров юзидаги қизиллик Никитинга ўтганини ҳамма кўрди. Унинг башараси шу қадар қизариб кетдики, қараш ноқулай бўлиб қолди. Ўтирганлар беихтиёр кўзини ундан олди, фақат Антонина Ивановна Коротковагина нафрат билан ҳамон раисга тикиларди:

— Гўзал ҳам гапми, Алексей Владимирович. Сиз, эркаклар чинакам гўзалликнинг қадрига етармидинглар...

У стулини тўғрилаб, қадини ростлаб ўтирди. Эндигина оқ оралаган қора сочлари бошида гулчамбардай турар, мусаффо феруза кўзлари кишига тетик боқарди.

Афтидан, Егоров ҳайрон бўлаётганлигини фаҳмлаб, уни ичкарига ўтказиб юбораётганда Каширина тушунтирди:

— Сиз мени танимайсиз, мен эса машинангизни

анчадан бери биламан. Никитин ҳам сиз тўғрингизда гапирганди. Жимсанг-чи!— У катта малла кўппакка пўписа қилди.

Шу кунни бутун суҳбат мобайнида Никитиннинг немини бундан бошқа тилга олмади. Егоров аёл орқасидан эргашди. Кафтдай қилиб чопилиб, хаскаш билан текисланган ер ўртасидаги йўлакдан уй сари боришаркан, секретарь унинг кенг елкаси, енгилгина қадам ташлашига ҳайрат билан тикиларди.

Боғнинг ичкарасида клеёнка ёпилган стол турарди. Барглари тўкилиб бўлай деган дарахтлар остига ола-чалпоқ куз қуёши нурлари тушиб турарди.

— Марҳамат, ўтиринг,— деди аёл курсича кўрса-тиб,— устига сочиқ ташлаб қўйилган кўзача бандига қўл чўзаркан:— Ҳозир ертўладан вино олиб чиқаман. Бирга ичамиз.

Егоров виноли кўза турган столнинг нариги томонида, рўпарасида ўтирган аёлни энди бемалол кузата оларди. Ҳаммадан ҳам уни бу аёлнинг кўзлари тонг қолдираётганди чамаси. Егоров сира кутмаганда бу кўзлар кулимсираб, ёниб турганини кўрди. Аҳён-аҳёнда чехрасига қандайдир алам излари соя ташлаб ўтаётганини ҳисобга олмаса, бу аёл ўзини бахтсиз деб ҳисоблашга асос йўқдай туюларди.

Егоров унинг нигоҳидан ўз таширфининг асл моҳиятини фаҳмлаганлигини дарҳол сезд ва хаёлига келган дастлабки баҳонани айтишга шошилди — райондаги энг тажрибали соҳибкор сифатида анчадан бери у билан бир суҳбатлашмоқчи бўлиб юрганини айтди.

— Суҳбатлашсак-суҳбатлашаверамиз-да,— стакандаги винони оз-оздан ҳўпларкан, хотиржам жавоб берди.— Мен аллақачон илғорликдан қолиб кетган, сиз эса албатта бунинг учун эмас, бошқа боисдан келган бўлсангиз ҳам суҳбатлашаверамиз.

Егоровнинг стакан ушлаб турган қўли қалтиради.

Стаканни бўшатишга азбаройи шошилганидан қалқиб кетди. Ертўлада турган вино муздеккина бўлиб, ундан эман бочканинг таъми келарди.

— Узим ҳам анчадан бери ҳузурингизга бормоқчи бўлиб юрувдим.

Егоров енгил нафас олди. Энди қандайдир аси юришлар билан мақсадга интилишга ҳожат қолмаган эди. Бировни мажбур қилиб ичидаги гапни тортиб олиш кишида ҳамиша ёмон таассурот қолдиради. Худди бировнинг уйига эшик тирқишидан қарагандасига ўхшаб виждонинг азоб чекади. Агар у дилидагисини ўз ихтиёри билан чиқарса, бу бутунлай бошқа гап.

Аёл стаканни столга қўйиб, кулимсиради:

— Фақат сиз ҳозир хаёлингизга келтирган нарса учун эмас. Бунинг учун олдингизга бормоқчи бўлганим йўқ, ҳеч кимнинг олдига бормаيمان ҳам. Сиз балки Антонина Ивановна Коротковадан мен ҳақимда эшитгандирсиз?

— Ундан ҳам эшитганман.

— Аҳмоқчилик қилиб партиядан чиқиб кетганимни ҳам эшитдингизми?

— Бу ҳақда ҳам оз-моз эшитганман,— жавоб берди Егоров.

— Партияга қайта тикланишни илтимос қилади деб ўйламанг тағин. Мен бу иш хамирдан қил суғургандай осонгина бўлмаслигини яхши тушунаман. Лекин бундан-буён мана шунақа яшайверишни ҳам истамайман, бу менга ярашмайди. Сўққабош бўлиб яшаётганимни ўзингиз кўриб турибсиз.— У яна винодан ҳўплаб, стаканни столга қўйди.— Лекин сиз ўйлаган нарса учун қисматимдан нолиб райкомга ҳам, обкомга ҳам бормаيمان. Мен уни севиб қолганимда на райкомга ва на обкомга маслаҳат солганман. Зўрма-зўр севишини хоҳламайман. Мен, худога шукр, у билан ўн беш йил бахтли яшадим, шунга ҳам

рахмат. Бошқа аёлларга шу ҳам насиб бўлмаган. Чер-атроф ғам-андудан ҳали қутулмаган бир шароитда шунчалик бахтга эришганимдан ҳаддан зиёд хурсанд бўлганлигимнинг жазоси бўлса ажабмас буларнинг ҳаммаси. Ўз бахти нашидасига шўнғиб, карва кўр бўлиб қолган мендай одамнинг шундай аҳволга тушиши муқаррар шекилли. Энди тўсатдан раҳми келиб ёки миннатдорчилик юзасидан қайтиб келиши ҳам керакмас менга. Мен билан яшасин-у, уни ўйласин учунми?! Нима, мен зиндонбонмидим?!

Егоров унга тикилгани, гапларини эшитгани сайин Никитин ундан айрилиб, ўз ҳаётида бошқа ҳеч қандай одам тўлдира олмайдиган жуда азиз нарсасидан жудо бўлганига ишонч ҳосил қила борди. Ҳеч қанақа аёл энди унинг ўрнини босолмайди.

* * *

Егоров узоқ сукутга кетди. Бюро аъзолари ҳам жим ўтиришарди. Деразадан эса Қизил жар рамкага олинган суратдай кўзга ташланарди. Чунки унинг устини зангори осмон қоплаган бўлса, пастини кўкимтир рангдаги Дон билан Донц қўшилган жой эгаллаганди.

— Шундай бебаҳо аёлни қандайдир таннозга алмаштирса-я, — сукунатни бузди Фёдоров. — Мен унинг ўрнида бўлсам умримнинг охиригача оёгини ўпардим.

Никитин ярим жингала сочли бошини энгаштирганича ўтираркан, жавон ёнидан сал-пал кўриниб турарди. Егоров Фёдоровга танбеҳ берди:

— Виктор Иванович, бу мулоҳазангни бирпас қўя турсанг бўларди.

Фёдоров секретарнинг таънали қарашидан бир неча дақиқа ўзини йўқотгандай бўлса-да, лекин тезда ўзини ўнглаб олди:

— Ҳали биз мактаб директори ўртоқ Пашковнинг бу хусусда қандай фикрдалигини билмаймиз. У бу ишга алоқасиз эмас. Бюро мажлисига ҳам уни дим ўйнагани чақирганимиз йўқ. Совет педагогининг маънавий қиёфаси ҳамда ахлоқи нуқтаи назаридан бу масалага қандай ёндашишини эшитсак бўларди.

— Тўғри, Максим Максимович, шу ҳақдаги фикрингиз бизни қизиқтиради, — деди Егоров ҳам.

Бошидаги сочи қарийб тўкилиб бўлган, бутун мажлис мобайнида эшик олдида жимгина ўтирган Бирючинск мактабининг пастаккина директори Пашков ўрнидан туриб, қаддини ростлади. Бошқа фронтвиклар сингари у ҳам ҳарбий кийимларини киймай қўйганига анча вақт бўлган эди. Лекин у ўқитувчилик костюмини ҳам худди офицер костюмидек тутарди. Шунинг учун бўлса керак ўзи сезмаган ҳолда костюмининг баридан тортиб қўйди:

— Очиқроқ айтганда, сиз айнан нимани кўзда тутаясиз, Виктор Иванович.

Фёдоровнинг жаҳли чиқди:

— Очиқроқ айтганда, сизга топширилган мактабда айнан ғоявий-тарбиявий ишнинг жуда ёмон аҳволдалигини кўзда тутаяпман.

Директорнинг юзи оқаринқиради, жуссаси янада кичрайиб кетгандай бўлди.

— Виктор Иванович, бари бир тушунтириброқ айтишингизни илтимос қиламан сиздан. Агар сизни Ирина Алексеевна ҳақидаги менинг фикрим қизиқтирса, шуни айта оламанки, педагог сифатида ундан ҳеч қандай шикоятим йўқ...

Унинг гапини ғазаб билан бўлган Фёдоров ўшқирӣқа ўтди:

— Мактабингизни ёпиб қўймасларидан олдин шундай педагогларни ҳайдаш керак, ўртоқ Пашков! Уларга қўшиб баъзи латтачайнар директорларни ҳам ҳайдаш керак!..

Шу пайт Никитиннинг ўтирган жойидан бирданига туриб, кабинет ўртасига калласини қийшайтириб келаётганини кўрган Фёдоровнинг сўзи бўғзида қолди. Унинг ҳозиргина лолақизғалдоқдай қизариб турган башараси бўздай оқариб кетганди.

Егоров шоша-пиша гап қўшди:

— Виктор Иванович, сиз ўз ҳукмларингизни йиғиштириб турсангиз бўларди. Сиз уйингизда эмас, райком бюросининг мажлисида ўтирибсиз, ахир.

Никитин яна бир оз турди-да, жавон ёнидаги жойига ўтирди. Шунда ҳамма тўсатдан Бирючинск мактаби нимжон директорининг овози Фёдоровнинг овозидан йўғонроқ эканлигининг гувоҳи бўлди. Бу овозни эшитганлар мактаб директори Пашков ўқитувчилик костюмини бекорга офицер кийимига ўхшатиб киймаслигини энди тушунишди.

— Сиз менга ўшқирманг, ўртоқ раисполком раиси. Сиз фақат ўқитувчиларга дўқ қилишни биласиз, мактаб директори қабулингизда кун бўйи саргайиб, бир амаллаб ҳузурингизга кирганда лоақал ўтиришга таклиф қилиш ҳам эсингизга келмайди.

Фёдоров мактаб директорининг қўмондонларга хос овозидан кейин сувга тушган мушукдай бўшашди-ю:

— Бунинг ҳозирги ишга алоқаси йўқ...— деб гўлдираб қўйди, холос.

Лекин қўмондонона овоз мактаб директорининг кўнгилчан юрагида шунча йилдан бери ўз кучини кўрсатиш учун худди шу кунни кутиб ётганга ўхшарди.

— Сизнинг ўдағайлашингиздан райондаги барча одамларнинг қулоғи жаранглайдиган бўлиб қолган. Бу қилиқларингизни энди ташласангиз бўларди, ўртоқ Фёдоров. Шундоқ ҳам қабулингизга одамлар келмайдиган бўлиб қолди.

Қип-қизариб кетган Фёдоров ҳайрон бўлиб Егоровга қаради:

— Алексей Владимирович, бугун биз кимнинг масаласини кўряймиз ўзи, Никитинними ё раисполком раисиними?

Егоров имо билан уни тинчитди:

— Виктор Иванович, қизишиш яхши эмас. Сиз ҳам, ўртоқ Пашков, илтимос, секинроқ гапиринг.

— Алексей Владимирович, гуноҳкорман, дардларим йиғилиб қолган экан.— Яна мактаб директорининг овози майин ва нозик чиқди. Лекин унинг мускуллари бўртиб турар, соқоли хафсала билан олинган юзлари ҳамон қип-қизил эди.— Лекин ўртоқ Фёдоров менинг Ирина Алексеевна ёмон ўқитувчи деган сўзимни эшитмоқчи бўлса овора бўлади. У жуда яхши ўқитувчи, Виктор Иванович, яхши,— гўё дарс пайтида ўқувчиларга тушунтираётгандай бўгинларга ажратиб такрорлади.— Унинг синфи энг намунали синф.

Никитин ўтирган бурчакдаги стул ғичирлади.

— Бу яхши одам деган гап эмас,— енгилгиси келмай гўлдиради Фёдоров.— Туз ичган уйнинг тузлигига тупуриш даражасигача борадими киши? Бунақа одамлар билан мактабингизда ҳеч нарса қилолмайсиз, ўртоқ Пашков.

Гап шу ерга келганда Короткова Бирючинск мактаби директорининг тарафини олиб қатъий гапирди:

— Сизнингча, Виктор Иванович, у ўқитувчисини нима қилиши керак эди? Қип-қизил мунофиқлик бўлмасмиди бу?

— Агар сенинг гапингга қулоқ солса, Антонина Ивановна, Никитинни ҳам қаҳрамонга чиқариб қўясан,— кулимсираб сўз қистирди Неверов.

Короткова у томонга хиёл эгилди.

— Никитинни оқлаётганим йўқ, лекин уни қораламоқчи ҳам эмасман. Каширина учун ташвиш тортмасак ҳам бўлади. Баъзи одамларни бунақа ташвиш адоий тамом қилади, бошқаларни эса...— Антонина

Ивановна Короткова фақат бир дақиқа жим қолди,— қайтага юксакликка кўтариши мумкин. Унинг ишини охирига етказмаганим учун ўзимни ҳамон кечира олмайман. Обкомга ёздим, бордим ҳам, масалани қайта кўрилишигача етказдим-у, рад этишганидан кейин Марказкомгача олиб чиқмадим, ташлаб қўйдим. Афтидан, қўрқдим шекилли. А-а, нимасини айтаман энди...

Антонина Ивановна Короткова шу гапидан кейин жойига ўтирди ва бюронинг охиригача лом-мим демади. Фақат анча сўлиб қолган, лекин ҳали ҳам чиройли, виқорли юзига қандайдир хотиралар соя ташлаб турарди. У қалин қошларини чимираб, пешанасига тушиб турган соч толаларини боши билан орқага итқитарди. Шунда унинг юзи ғазабли ва даҳшатли ифодаларга тўларди.

— Мажлисни шу билан тугатсак ҳам бўлади,— деди Егоров, одатдагидай қўлини стол ойнасига қўйиб.

— Қарор нима бўлади?— ҳайратланиб сўради Нефедов.

— Қанақа қарор? Мен Антонина Ивановнанинг фикрига қўшиламан: Никитин учун ҳеч ким қарор қабул қила олмайди. Ҳар биримиз ўзимиз учун хулоса чиқариб олсак бас, бизда яқка шахслар бўлмаслиги лозим. Ортга, неверовчиликка қайтиш йўқ энди. У дамлар ўтиб кетган.

— Бунга менинг нима даҳлим бор?— диванда ўтирган еридан аччиғланиб сўз ташлади Неверов.— Шароит шунақа бўлгандан кейин нима қилиш керак эди?!

— Буни шахсан сиз тўғрингиздамас, мажозий маънода айтяпман, Павел Иванович. Ёки шу гапим ноўринми?

Егоров тикилиб турганини кўриб Неверов қимирлаб қўйди, диваннинг пружиналари гирчиллади.

— Йўқ, нега энди? Агар ҳамма бюро аъзолари шундай деб ҳисоблашса мен ҳам қаршимасман.

Егоров ҳаммага қараб чиқди.

— Балки, бирор одам қаршидир? — Ҳеч ким жавоб бермади. — Бюро мажлисини ёпиқ деб ҳисоблайман.

— Ҳар қалай, жудаям ғалати бўлди-да, — деб қўйди Нефедов ўрнидан тураётиб.

Кеч куз оқшоми аллақачон ўв ўрнини тунга бўшатиб берган. Доннинг Шимолий Донц билан қўшиладиган жойида олтин тусли нуқта милтиллаб кўри-
нади.



М У Н Д А Р И Ж А

Урушнинг акс-сароси	3
Ортга қайтиш йури	84

K $\frac{70302-45\ 5}{356\ (06)-7\ 6}$ 64-76

**«ЕШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ
КИТОВЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:**

Суннатилла Анорбоев.	Олтин қозиқ.	Қисса ва ҳикоялар.
Анвар Эшонов.	Йигирма миллион оппоқ кабутар.	Ҳикоялар.
Ўктам Усмонов.	Нотинч кеча.	Ҳикоялар.
Саид Равшанов.	Керакли одам.	Ҳикоялар.
Умарали Норматов.	Гўзаллик билан учрашув.	Адабий ўйлар.
Амин Турдиев.	Саҳнам,	саҳнадўшларим.

Калинин А.

Урушининг акс-садоси. Ортга қайтиш йўқ.
Қиссалар. (Р. Иноғомов тарж.) Т., «Ёш
гвардия», 1976. ©.
192 б.

Калинин А. Возврата нет. Повести.

P2

**«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ
КИТОБЛАРНИ БЎСМАДАН ЧИҚАРДИ:**

Суннатилла Анорбоев.	Олтин қозиқ.	Қисса ва ҳикоялар.
Анвар Эшонов.	Йигирма миллион оппоқ кабутар.	Ҳикоялар.
Ўктам Усмонов.	Нотинч кеча.	Ҳикоялар.
Саид Равшанов.	Керакли одам.	Ҳикоялар.
Умарали Норматов.	Гўзаллик билан учрашув.	Адабий ўйлар.
Амин Турдиев.	Саҳнам, саҳнадошларим.	

На узбекском языке
Калинин Анатолий Вениаминович

ВОЗВРАТА НЕТ

(П о в е с т и)

Издательство „Ёш гвардия“, Ташкент—1976

Перевод с издания издательства „Современник“, Москва, 1972

Редактор Э. Миробидов

Рассом Т. Гамидов

Расмлар редактори Қ. Алиев

Техн. редактор Т. Гулак

Корректорлар: М. Тоиров, Ш. Шоумарова

Ўришга берилди 1/III-76 й. Босишга рухсат этилди 15/VI-76 й. Қоғоз № 2. Формати 70×108¹/₃₂. Босма листи 6,0 Шартли босма листи 8,4 Нашр листи 8,22
Тиражи 45.000

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент, 700129
Навий кўчаси, 30. Шартнома № 97-75. Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдо
си ишлари бўйича Давлат комитети 1-босмахонасида босилди. Ҳамза кўчаси, 21.
Заказ 66.